

Зикрилла Неъмат

СОФИНЧ САРЧАШМАСИ

Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар,
туюқлар, достон ва қасидалар



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2007

84 (5Y)6

Н52

Неъмат, Зикрилла.

Софинч сарчашмаси: Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар, туюқлар, достон ва қасидалар /Зикрилла Неъмат. — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 256 б.

ББК 84 (5Y)6


Сайланмада иқтидорли шоир Зикрилла Неъматнинг турли йилларда яратилган ёр ва диёр мадҳи, мұхаббат ва садоқат, соғинч ва висол, дўстлик ва меҳру оқибат туйгулари тараннум этилган шеърлари жамланди.

Умид қиласизки, муаллифнинг назмий гулдастаси шеърият мухлисларига манзур бўлади.

10 33595
291

ISBN 978-9943-06-082-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 йил.





СОФИНЧ САРЧАШМАСИН СЕҲРУ ЖИЛОСИ

Шоир Зикрилла Неъмат қўлингиздаги ушбу «Сайланма» шеърий китобини «Софинч сарчашмаси» деб атабди. Дарҳақиқат, соғинч туйгуси энг инсоний, энг самимий ҳиссиятларни ўзида мужассам эттан муқаддас бир маънавий ҳодисадир Элу юрт соғинчи, дўстлар соғинчи, ёшлик ва севги соғинчи. Инсон қалбини тўлқинлантириб юборадиган, энг гўзал шеърларга замин бўладиган олийжаноб туйгулар йигиндисидир. Сарчашма эса – бош чашма, бош манба деган маънони англатади. «Софинч сарчашмаси» деганда, шоир ўз қалбининг соғинчига асос бўлган энг азиз нарсаларни, энг муқаддас туйгуларни назарда тутган бўлса, ажабмас. Тўпламдаги аксар шеърлар энг аввало кўнгилга яқинлиги, бийрон тили, салмоқли мазмуни, бадиий ифодаларнинг кўркамлиги билан ўқувчини мафтун этади.

Зикрилла Неъмат шеърларининг яхши фазилатларидан бири – шоир ўз ўқувчилари билан эркин мулоқотга кириша олади. Ўзига хос равонлик ва самимият билан ўз қалби туғёнларини намоён эта олади. Бадиий ижоднинг бош маъноларидан бири ҳам – ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бир тарзда кўрина билишидир. Мана шу юксак талаблар нуқтаи назаридан ёндашганимизда ҳам, ушбу «Сайланма» мавзу ранг-баранглиги, сўз бойлиги, инсон қалби мавжларини аниқ, жўшқин ифода этиши, тасвирларнинг жонлилиги билан кўзга ташланишини таъкидлаб ўтиш керак. Шоир ўз шеърларидан бирида:

«Дарёга қўшилган ҳар битта ирмоқ
Дарё тўлқинига шиддат бергайдир»

— деган фикрни олға суради. Рост гап, мана шу ирмоқлик шавқи бўлмаса, шиддатли дарё ҳам бўлмайди. «Тоғларда

чашмалар йиғламасалар, қаҳ-қаҳа солмасди дарада сойлар» деган мумтоз бир маънога ҳамоҳангидир юқоридаги самимий сатрлар.

Шеър ёзилмайди, балки туғилади, деган буюк ақиданинг ҳаққонийлиги шоирнинг энг сара шеърларида аён кўриниб туради. Бундай шеърлар билан яқиндан танишганда, тобора камолот касб этаётган ижодкорни аниқ ҳис этамиз. Ёшлиқ завқи, Ватан туйғуси, севги ва висол қувончи, дунё тақдирни ҳақида Қайғуриш каби нурли туйғулар бундай шеърлар замирида барқ уриб туради.

Ушбу «Сайланма»га қадар ҳам Зикрилланинг турли йилларда нашр этилган «Иккимизнинг ёниқ ишқимиз» (1993 й.), «Юртим навоси» (1997 й.), «Ватан ва муҳаббат» (1999 й.), «Остонадан бошланар Ватан» (2003 й.), «Муҳаббатсиз яшаб бўлмас» (2004 й.), «Спитаменнинг сўнмас кўшиғи» (2005 й.), «Муҳаббат меҳроби» (2005 й.), «Софинч дунёси» (2006 й.) шеърий тўпламларини ўқиб чиққан эдим. Шу боисдан ҳам мазкур «Сайланма» кўз олдимда барча ютуқ ва айрим камчиликлари билан кўриниб турди.

Адабиётни бир ёки бир неча кишининг асарлари билангина яратиб бўлмайди. Бир неча довруғли китоб ёки шуҳратли номлар ҳам кенг маънодаги адабиётни ташкил эта олмайди. Бадиий ижодиёт ранг-баранг истеъодларнинг меҳнати маҳсулидир.

Зикрилла Немматнинг она-Ватан, Ўзбекистонимиз ҳақидаги шеърлари ўоят жозибали:

*Шаънингга еру кўк таҳсин айтадир,
Сен каби бағри кенг макон қайдадир?
Қадринг билмаганлар оҳ чекиб бир кун
Пойингга бош уриб, ийғлаб қайтадир,
Мехру мурувватда тенгсиз маконим,
Мунису меҳрибон – Ўзбекистоним!*

Шоирнинг мураккаб аruz вазни сирларидан жуда яхши воқифлиги унинг газаллари, мухаммаслари, рубоийлари ва туюқларида яққол намоён бўлади. Улар ҳам ўйноқилиги ҳам кенг маъно гўзалликлари билан дилни яйратади:



Ўтарсан, эй гўзал, ҳар тонг кулиб гулгун адирлардан,
Қалурман маст бўлиб гирён сочинг сочган атилардан,-

деб ёзади у ишқий ғазалларидан бирида.

Нозанинлар эркалаб, ўз ошигин эркам дегай,
Мен-чи жон бергум десам ҳам, нозли ёрим кам дегай.

Кечалар тўккан ёшимдан тонготарниг кўкси нам,
Ким уни шудринг атармиш, ким эса шабнам дегай,

—деб куйлади шоир бошқа бир ғазалида. Унинг халқона оҳанг ва мусиқийлик яққол кўзга ташланиб турган шўхчан мисралари шу боисдан бўлса керакким, ҳофизларимиз тилида севимли қўшиқларга айланиб кетган.

Зеро, қадим ва муқаддас Бухоро фарзанди бўлмиш шоирнинг теран илдизларимиз билан яхши ошнолиги билиниб турди. У ўз она-диёрига бўлган меҳр-муҳаббати ва соғинчини куйидаги ўтли сатрлар ила изҳор этади:

Тупроқларинг чангин кўзимга суртай,
Гумбазларинг гардин киприк-ла артай,
Сени соғинганим оҳ, кимга айтай?
Учарму сенинг ҳам кўзинг, Бухором,
Софинч дарвозаси - ўзинг, Бухором!

Зикрилла шеъриятимизнинг туюқ жанрида ҳам ижод қилиб, жиддий муваффаққиятларга эришган. Унинг бир неча туюқлари аллақачон мактаб дарсликларидан жой олганлиги фикримизнинг далилидир.

Шоирнинг «Ҳамроз момо армони» достони ва «Омонхона» қасидаси ҳам воқеабандлиги, образлилиги, тасвир тарзининг халқона, эркин ифода услуби билан китобхонлар кўнглига йўл топа олади деб ўйлайман.

Юрак ёнсин бамисли гулхан,
Эзгуликка тўлсин бу дунё.
Одамлари тинч-омон юрган
Омонхона бўлсин бу дунё!

— деб якунлайди шоир ўзининг «Омонхона» номли

шөърини. Унинг бутун дунё аҳлига омонлик тилаб айтган ушбу эзгу тилаги беихтиёр дилимизни равшан этади.

Зикрила Невмат жиддий талпиниш, жўшқин эҳтирос, нурли илҳом, эзгу ният билан қалам тутган ижодкор. Истаймизки, у ўз ижодига ҳамиша юксак талабчанлик билан қарай олсин. Шеърларнинг миқдори эмас, олий сифатигина муҳим мезон эканлигини унутмасин. Чунки, мукаммаликка эришдим, деган жойда турғунлик, орқага қайтиш бўлади. Ижод эса доимий изланиш, ўз-ўзидан қониқмаслик маҳсали. Менимча, шоир буни яхши англайди. Бу деганимиз, айрим такрорийлик, ўта тезкорлик, шаклбозлика берилиб кетиш каби иллатлардан ўзни асрой билиш демақдир.

Ушбу «Сайланма» истеъдолди шоир Зикрила Невматнинг азиз китобхонларга тақдим этаётган ажойиб тухфасидир.

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Огоҳ бўлинг, азиз одамлар

Дунё гоҳ симобдай қалқир беомон,
Ногаҳон қайдадир отилгай вулқон,
Қайдадир бегуноҳ тўкилгайдир қон,
Бало-қазолардан қолмоқ-чун омон,
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Faфлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!

Ҳамон осмон баланд, ер эса қаттиқ,
Ҳамон яхшиларнинг қисмати аччик,
Ёмонлар қўйнида асраб юрар тиф,
Мотамга айланиб қолмасин қўшиқ,
Эй азиз одамлар, ҳушёр бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

Каслар борки, мол-дунёга сотилгай,
Маҳмуд Яловочлар ҳануз топилгай,
Хилватда пайт пойлаб Абдулатифлар,
Мирзо Улугбеклар боши чопилгай,
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Faфлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!

Юртим деб, ўт-олов кечганлар ҳақи,
Элим деб, жонидан кечганлар ҳақи,
Бегуноҳ қонлари юлдузга сачраб -
Бемаҳалда ўққа учганлар ҳаққи,
Эй азиз одамлар, ҳушёр бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

Ҳушёр бўлинг соддадил болангиздан,
Кўзни узманг ул кўзи қорангиздан,
Балолар чиқмасин ўз орангиздан,
Фойда йўқдир сўнгти оҳ-нолангиздан,
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Faфлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!



Ҳамон бир дард ўрттар еру самони,
Кимлар күвғин қилди Ибн Синони,
Кимлар ўлдиртирди Мўмин Мирзони,
Дил даъватин тинглангиз Зикриллони,
Омон сақлаб қолмоқ учун дунёни,
Эй азиз одамлар, ҳушёр бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

Киприк

Само гўё кўзимизнинг оқидир,
Замин эса — яшнаб турган қорачиқ.
Кўзлар умри нур туфайли боқийдир,
Тиниқликдир уларга хўб ярашиқ.

Аммо мудом изғиб юрап қабоҳат,
Соф кўзларнинг тиниқлигин қасдида.
Шу боисдан, инсон унга ҳамма вақт
Киприк бўла олмоги шарт аслида.

Ўзбекистоним

Юртим, кўз тегмасин бўстонларингта,
 Оллоҳ берган улуғ эҳсонларингга,
 Истиқлол қуёшинг порласин мангу,
 Гард кўнмасин тиниқ осмонларингга.
 Эй менинг тенги йўқ, ҳур гулистаним,
 Гўзал жаннатмакон — Ўзбекистоним¹

Мозийлар қаъридан бергай садолар,
 Эрк йўлида жондан кечган боболар,
 Шу улуғ зотларнинг руҳидир балким
 Бошларимиз силаб эсган саболар.
 Улуғ йўлдан келган улуғ карвоним-
 Улуғларга макон — Ўзбекистоним!

Яна Шарқда машъал бўлиб порладинг.
 Кенг дунёни Эзгуликка чорладинг,
 Она Тўмарис-у, мард Широқ бўлиб,
 Фурур учун белни маҳкам боғладинг.
 Айтсан адо бўлмас ажиб достоним,
 Қалқони зўр кўрғон — Ўзбекистоним!

Сен каби бағри кенг макон қайдадир,
 Шаъннингга еру кўк таҳсин айтадир,
 Қадринг билмаганлар оҳ чекиб бир кун,
 Пойингга бош уриб, йиглаб қайтадир.
 Мехру мурувватда тенгсиз маконим,
 Мунису меҳрибон — Ўзбекистоним!

Келажагинг порлоқ, баҳтинг улуғдир,
 Фарзандларинг кўнгли завққа тўлиғдир,
 Қалбим туғёнлари сенга эй, Ватан,
 Ишқинг - юрагимга қадалган туғдир.
 Дунёни лол этган — нурли бўстоним,
 То абад бўл омон, Ўзбекистоним!

Бедорлик

Үйлар юрагимни ўйиб оладир,
 Күксимни түлдирап жүшқин садолар.
 Күзларим олдидан ўтар бирма-бир
 Инсонлар, имконлар, баҳтлар, хатолар.

Менга юқа бошлар дунё дардлари,
 Севинчи, ўкинчи, армонлари ҳам.
 Давр шамолларин губор-гардлари
 Бедор кипригимга ёпишар маҳкам.

Мен энди күзимни юма олмасман,
 Киприк қоқолмасман ҳатто ботиниб,
 Сүзларни күксимга күма олмасман,
 Улар юрагимдан чиқар отилиб.

Шундай соф сүзларни күзга суртаман,
 Шулардан тизаман шеърларим сатрин.
 Чунки мен құрқаман, жуда құрқаман,
 Оғритиб қўйишдан Шеърият қалбин.

Истиқлол

Ҳар тонг олам ёришганда шуълаафшон нур билан,
 Үйғонурман мен ҳам дилда бир олам сурур билан,
 Мустақиллик түйгүсідан кўксим тоғдек юксалиб,
 Юрт ишига отланурман ифтихор, гурур билан,
 Сен қалбимнинг ёниб турган түгёнисан, Истиқлол,
 Оллоҳимнинг бизга берган эҳсонисан, Истиқлол!

Неча йилки, Эрк нуридан гулламоқда Ватаним,
 Озодликнинг қўшиқларин куйламоқда Ватаним.
 Неча йилки, овозаси кетиб етти иқлимга,
 Эртанги кун умидларин ўйламоқда Ватаним.
 Келажакнинг нурга чўмган карвонисан, Истиқлол,
 Эзгуликлар карвонининг сарбонисан, Истиқлол!

Бу кунларни Темур бобом кўрса яйраб кетарди,
 Бобуршоҳ ҳам ҳиндолар юртин ташлаб ортга қайтарди,
 Усмон Носир, Ҷўлпон ёки Қодирийдек боболар
 Бу кунларга атаб қанча шоҳ асарлар битарди.
 Не-не буюк аждодларнинг армонисан, Истиқлол,
 Эркка ташна қўнгилларнинг дармонисан, Истиқлол!

Минг шукрким, аждодларнинг армонлари ушалди,
 Мард элимнинг йўлларига гул, поёндоз тўшалди,
 Тўмарису Широқлардан мерос — Она-Ватаним
 Бугун Дунё ишларига ўз ҳиссасин кўшолди.
 Улуғ-улуғ зафарларнинг имконисан, Истиқлол,
 Сен халқимнинг ор-номуси, иймонисан, Истиқлол!

Эркни асли эл истади, элдан кечиб бўлмагай,
 Юраклардан тошган туфён, селдан кечиб бўлмагай,
 Сен — бедармон юрт қалбига қўйилган соғ қондирсан,
 Жондан кечсак ҳамки, асло сендан кечиб бўлмагай,
 Юракларнинг ёниб турган түгёнисан, Истиқлол,
 Озодликнинг шовуллаган уммонисан, Истиқлол!

Күнгил изҳори

Юртим, бугун гўзал боғларинг кезиб -
Фаму ташвишларим бутқул унугдим.
Эркимни топшириб виждан измига,
Бир зум ўз-ўзимни сўроқقا тутдим.

Улуғ айёмларинг — мен учун зўр тўй,
Бахтинг қўриб яйраб, ўйнаб-кулгум мен.
Аммо қалбим ўртар бир армон, бир ўй:
Сенга фарзанд бўлиб нима қилдим мен?!

Севгимга бахш этдим соғинчларимни,
Онамга эса дил овунчларимни,
Дўстларга улашдим севинчларимни,
Кимгадир илиндим илинжларимни.

Умримни бахш этиб эзгу ниятга,
Кўнгил қўйганим рост ҳур Шеъриятга.
Лекин, фарзанд бўлиб сенга не бердим,
Нима бера олдим Абадиятга?!

Ўн иккида Бобур юртни бошқарди,
Алишер Шеърият мулкин забт этди.
Мен-чи, қирққа кирмай сочим оқарди,
Наҳот, шунча умрим бехуда кетди?!

На кўприк, на бир боғ, на қаср қурдим,
О, ёшлик шиддатим қайга совурдим?
Айтгил, қайда қолди қудрат, ҳовуриңг,
Эй Темур қонига қондош томирим?!

Кўкда сузган ойни олтин елканли-
Армонлар ортилган кема билгум мен,
Узилмаган қарзлар эssa елкамни,
Ахир, нима деган одам бўлгум мен?

Афсус, изтироблар ич-этимни ер,
Сен деб бир деҳқондек тўқолдимми тер?
Нима ҳам бўларди, нимага арзир —
Шаънингга битганим икки мисра шеър?!

Сен учун жон берди буюк боболар,
Не-не жаҳонгирлар, улуғ даҳолар,
Элу юрт йўлида жони фидолар,
Менинг-чи, қай ишим тарих баҳолар?!

Гар юрак ёнмаса мисли аланга.
Бу ёруғ оламга нега келдим мен?!
Сен каби муқаддас, азиз Ватанга
Фарзанд бўлиб ахир, нима қилдим мен?!

Айни ёш чоғимдан мен сени сўйдим,
Этнимга пошибонлик либосин кийдим,
Сенинг бахтинг ўйлаб, хўб ёниб-куйдим,
Баъзан жонимни хавф-хатарга қўйдим.

Лекин булар барин кам, деб билдим мен,
Ўзимни сўник бир шам, деб билдим мен,
Бағрингда чақмоқдай чақнаб турмасам, —
Сенга фарзанд бўлиб нима қилдим мен?!

Бахтинг кўролмаган ёвуз кимсалар,
Тинчинг бузишганда бамисли чаён,
Сен учун жонларин минг фидо айлаб,—
Неча сафдошларим беришганда жон.,

Менинг-да ўндан бир жоним узилди,
Ғазабдан юрагим муштдай тугилди,
Дилда ёвга қарши нафрат туғилди,
Вужудимга чексиз қудрат қуюлди.

Дўст учун ғанимдан қасос олдим мен,
Огоҳлик байроғин дилга илдим мен.
Юртим, деб ўлмоқни шараф билдим мен,
Кўксим сенга қалқон айлаб келдим мен!



Ёв деса, йүлбарсдай сапчиб кетгумдир,
Faflatта панжамни санчим кетгумдир.
Юрт учун жонимни беришдан аввал,
Fанимлар бошини янчиб кетгумдир!

Ватаң, сен чинордай юксал абадий,
Майли, мен мингдан бир илдизинг бүлай.
Сен юксак осмон бўл, беғубор, боқий,
Мен эса митти бир ўлдузинг бўлай!

Ишон, баҳтинг учун недир қилгум мен,
Юртим, ўлсам, фақат сен деб ўлгум мен!
Шунда ҳам муқаддас, азиз бағрингга -
Бир тола нур бўлиб қайтиб келгум мен!



Афғон юртгын Ватан билган ўғлонлар

(Афғонистондан қайтмаган ўзбек ўғлонлари хотирасига)

Хайратон кўпприги қотмиш лол, ҳайрон,
Фамгин она янглиғ чекиб фифонлар.
Ахир қучоғидан ўтмади қайтиб,
Афғонга йўл олган не-не ўғлонлар.

Қайтгани ўқ теккан совутда қайтди,
Кўплари зил-замбил тобутда қайтди,
Қайтиб юрт тупроғин ўпгандар эса,
Дўст ҳам қайтар, деган умидда ўтди.

Қалбларни қон қилди машъум ўлимлар,
Ҳазондек сарғайди ойдек тўлинлар,
Сизга бардош берсин, тўзим берсин эй,
Бевақт бева қолган шўрлик келинлар.

Оналар, оҳ-фифон эзган оналар,
Сочлари бемаҳал тўзган оналар,
Айтингиз, мен Сизни қандоқ овутай
«Афғон» деган сўздан безган оналар?!

Сиз-чи, эй хокисор Умрзоқ ота,
Ватан урушидан соғ қайтган одам,
«Болаам!» деб тоғ каби қуладингиз-ку,
Шаҳид ўғлингизга тутолмай мотам.

Оҳ, шаҳид ўғлонлар, эсиз ўғлонлар,
Мехру садоқатда тенгсиз ўғлонлар,
Қабрингиз олдидан бўзлаб ўгарман,
Кўзларимда қотган мунг — сиз, ўғлонлар.

Сизга мозор бўлди қирлар, далалар,
Қандаҳордек метин тошли даралар,



Асрлар ўтса-да, битмагай энди,
Замин кўксидаги бу дард, яралар.

Сизни қўмсаб қалбдан унган лолалар,
Кўздан оққан қонли-қонли жолалар,
Энди мангу ўчмагайдир тарихдан,
То ҳаёт бор, токи бордир оналар!

Сиз қароқда юракларда яшайсиз,
Орзуладарда, истакларда яшайсиз.
Оққушларга айланиб пок руҳингиз,
Тонгдек тоза тилакларда яшайсиз!



Ватан учун жондан кечган ботирлар

Эй Сиз, ёв-ла жангта кириб, шаҳид бўлган ўғлонлар,
 Она юртинг жонидан ҳам азиз билган ўғлонлар,
 Ватан учун кўксин қалқон қилган марду майдонлар,
 Гарчи Сиздан айрилишдан бугун қалблар ўртанар,
 Ҳур Ватанга садоқатни диллар Сиздан ўрганар.

Онажонлар оҳлар чекиб қолди-ку, дилбандим деб,
 «Ватан учун жондан кечган азиз жигарбандим деб,
 Юртбошим ҳам севарди-ку сизни ўз фарзандим деб,
 Энди ҳар тонг табиат ҳам Сизни қўмсаб ўйғонар,
 Гулзорига муҳаббатни гуллар Сиздан ўрганар.

Юртфурушлар билиб қўйсин, бу юргнинг ўз марди бор,
 Юрагида Ватан ишқи, шижоати, шаҳди бор,
 Хиёнаткор чаёнларни янчиб ташлаш шарти бор,
 Ўзбек элин ўз эрки бор, кўз тиколмас ўзгалар,
 Жасурлигу жасоратни дўстлар Сиздан ўрганар.

Хотирангиз токи Дунё бордир мангу қолгайдир,
 Ҳур маконга қасд қилганлар албат хор-зор ўлгайдир,
 Садоқатда ёшу қари Сиздан ибрат олгайдир,
 Керак бўлса, Ватан учун тогу тошлиар қўзгалар,
 Мардлик ила матонатни эллар Сиздан ўрганар!

Ватан ишқи

Ватан ишқи ўлчанмас мол-дунё билан,
Е күзларни яшнатған зар-тилло билан,
Ватан ишқи – юракда бир зиёдирким,
Инсон ҳаёт ўшал меҳригиё билан.

Қолмаса-да гар қўлингда ҳеч бир вақонг,
Дилда Ватан бўлса, билки шоҳдирсан сен.
Тўлиб-тошиб ётса ҳамки молу дунёнг,
Лек, Ватансиз бу жаҳонда йўқдирсан сен.

Ватан ишқи ёниб турсин юрагингда,
Тушган жойни куйдиргувчи чўғ бўл, дўстим!
Ғанимларнинг тундек қора юрагига,
Чақмоқ каби санчилгувчи ўқ бўл, дўстим!



Фамларингта шерикмиз, Беслан халқи!

Юракларни тилиб ўтди бу шум хабар,
Гүё она-ер ҳам ногоҳ кетди қалқиб,
Бу қандайин қабоҳатдир, ё алҳазар,
Ишонгинг ҳам келмайди-я, Худо ҳаққи,
Даҳшат ичра қотди ногоҳ, Беслан халқи!

Ҳайҳот, бундай бўлишини ким билибди,
Шодлик ўрнин бир лаҳзада фам олибди,
Бало-қазо ногоҳ тундай ёприлибди —
Тонг қуёши турганида кўкда балқиб,
Зулмат ичра қолди, эвоҳ, Беслан халқи!

Нажот кутиб жовдираган болажонлар,
Кўз ёш тўкиб, довдираган болажонлар,
Олов ичра қовжираган болажонлар,—
Нима эди шўрликларнинг, ахир, айби,
Фамларингта шерикмиз, оҳ, Беслан халқи!

Одаммикан гўдакларга ўқ отганлар,
Пок, беғубор тилакларга ўқ отганлар,
Манқурт каби эс-хушини йўқотганлар,
Қаерлардан келиб қолди дайдиб, санғиб,
Одамларни этгил огоҳ, Беслан халқи!

Хазон бўлган болаларинг ҳақ-хурмати,
Кўздан оққан жолаларинг ҳақ-хурмати,
Чеккан фарёд, нолаларинг ҳақ-хурмати,
Огоҳлик-чун мисли дарё бўлиб қалқи,
Бўлгил энди сўнмас маёқ, Беслан халқи!

Кутулоғмас ёвлар дўзах азобидан,
Халқнинг ҳамда ҳақнинг қаҳру ғазабидан,
Нишон қолмас ёвузлар насл-насабидан,
Бутун дунёки оёққа турди қалқиб —
Ғанимларга энди кун йўқ, Беслан халқи!



Авайлайлик дунё кўзларин

Кўзимизга бир хас тушса, куйманамиз безовта,
То бу хасни дийдалардан ташлагунча сидириб.
Ё танда бир оғриқ сезсак, югурдамиз ҳар ёққа,
Бу оғриқнинг даволарин, малҳамларин қидириб.

Ўзимизга гард юқтирумай, ойдай тўлиб яшаймиз,
«Соғлиғимиз нур устига нур» деб қулиб яшаймиз.
Ўз айбимиз ўзимизга билинмагай, во ажаб,
Ўзимизни фариштадай «оппоқ» билиб яшаймиз.

Сезилмас шу айбларимиз бугун мени қийнайди,
Шу гуноҳлар юрагимга ўқдай бўлиб қадалар.
Кечирилмас гуноҳлар бу, ҳеч кечириб бўлмайди,
Гуноҳларки илдизлари лоқайдликка тақалар.

Айбимиз шу — баъзида биз ҳис этолмай қоляпмиз,
Бу дунёning қалбидағи оғриқларни, дардларни.
Ўз вақтида артмоқдикка ултуролмай қоляпмиз,
Унинг шаффофф чехрасига қўнаётган гардларни.

Айбимиз шу — Ер шаридаги ҳамон изғиб юрибди-
Одамзотнинг пок шаънига иснод ташиб юрганлар.
Қадрин билмай на Ватанинг, на улуснинг, на юртнинг,
Ваҳималар кўчасида куйманашиб юрганлар.

Кўзларимда ғазаб чақнар, қалбимда қаҳру ҳадик,
Оlam ичра кўрарканман ул мунофиқ касларни.
Келинг, дўстлар, энди буткул бир сидириб ташлайлик
Дунёмизнинг кўзларига тушган ўшал хасларни!

Кетмоқ малоли бордир

Дунёда ҳар кишининг ўз ўй-хаёли бордир,
 Ўз мақсадин йўлидан бормоқقا ҳоли бордир.
 Кимда зар, кимда ҳунар, кимда ақлу ҳуш бўлар,
 Кимнинг ҳуснда тенгсиз соҳибжамоли бордир.

Дўстим, сен ҳам аввало инсонлигинг унутма,
 Бевафо бу дунёдан мисли хору ҳас ўтма,
 Бошинг кўкка етса ҳам, элни нописанд этма,
 Камтарин бўл, манманнинг бир кун заволи бордир.

Молу дунёпарастлар Ватан қадрин на билсин,
 Кўкламда ёққан қорлар чаман қадрин на билсин,
 От миниб кўрмаганлар саман қадрин на билсин,
 Халқнинг бу ҳақда боплаб айтган мақоли бордир.

Ёшлик ҳам ўтар-кетар, муқим бўлиб қолмагай,
 Чирой ҳам бир умрлик ҳусн бўлиб қолмагай,
 Бу дунёда ҳеч бир зот устун бўлиб қолмагай,
 Бир кун «чўбин от»¹ миниб кетмоқ малоли бордир.

Икки дарё қирғонин ҳатлаб ўтолмас ҳеч ким,
 Келса ажал элчисин алдаб кетолмас ҳеч ким,
 Мункар-накир сўроғин четлаб ўтолмас ҳеч ким,
 Инсон бўлиб, на қилдинг?- деган саволи бордир.

¹ Яссавий сўзи



Дунёга келдинг-у ..

Ҳар тонг уйғонмасанг дилда ишқ билан,
Булбулга жүровоз бир құшиқ билан,
Ёв келса, чиқмасанг құлда тиғ билан,
Дунёга келдинг-у, келмадинг нима,
Сен инсон бўлдинг-у, бўлмадинг нима?!

Севсанг-у, севганинг дардин сезмасанг,
Мажнун янглиғ дашту сахро кезмасанг,
Бир умр ёр учун қалбинг эзмасанг,
Ишқида ёндинг-у, ёнмадинг нима,
Ё ошиқ бўлдинг-у, бўлмадинг нима?!

Эл дарди ўтмаса юрак-бағрингдан,
Ёвлар титрамаса ғазаб-қаҳрингдан,
Юраклар ёнмаса ёзғанларингдан,
Түғёнга тўлдинг-у, тўлмадинг нима,
Ё шоир бўлдинг-у, бўлмадинг нима?!

Сўнгги дам ортингдан фарёд қолмаса,
Эзгу бир хотира, бир от қолмаса,
Инсоний номингдан исбот қолмаса,
Дунёга келдинг-у, келмадинг нима,
Сен одам бўлдинг-у, бўлмадинг нима?!

Абадийсан, боқийсан, Ватан!

Гоҳ ўзимга «кимман» дея савол бергум,
Оташдирман ё ўтдирман ё нурман, мен?!
Юртим, сени озод кўриб, кўксим кергум,
Ҳар тонг ойдай жамолингга қонурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Кўзим очиб кўрганимсан, хур маконим,
Жаннатлардан ҳам зиёда, гул маконим,
Азал-абад дунёга машхур маконим,
Қўёшдай хур чеҳрангдан завқ олурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Муқаддас бу тупроғингни гарди бўлиб,
Шовуллаган чинорингни барги бўлиб,
Жафокаш, мард элимнинг ҳамларди бўлиб,
Ўтмишингни ўйлаб, ўйга толурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Шукроналар айтиб баҳтинг, тинчинг учун,
Бир пойдевор бўлай, майли, синчинг учун,
Баҳш айлабон сенга умрим, қалбим кучин,
Кундан-кунга кучга тўлиб борурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гар бағрингда сарғайган бир ҳасни кўрсам,
Тақдирингга бепарво бир қасни кўрсам,
Нон-тузингни унугтан нокасни кўрсам,
Бағрим ёниб, ғазаб ичра қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Сени севмоқ — ҳар кун қилган савобимдир,
Тупроғингни ўпмоқ — эзгу тавофимдир,
Ёвузларга нафрат — кескин жавобимдир,
То тирикман, ёвга қирон солурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гоҳ бошимда қүёш бўлиб балқийдирсан,
Гоҳ кўзимда кўз ёш бўлиб қалқийдирсан,
Мен кетурман, сен — абадий, бокийдирсан,
Кучоғингда бир нур бўлиб қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Вазминлик

Вазмин Ер шарининг бир чеккасида
Ўй суриб турибман, ўйларим вазмин.
Жисмимда вазминлик кезар осуда,
Туйгуларим вазмин, куйларим вазмин.

Қалбимга ботса-да, бу вазмин ҳолат,
Мен уни маҳкамроқ босгум бағримга.
Чўкмоқлиқдан сақлар чунки у ҳар вақт —
Бизни енгил-елпи ўйлар қаърига.

Вазминлик, бу — олам яшнаб турган дам,
Вазминлик — инсоннинг оний ҳолати.
Дунёнинг бошига иш тушганда ҳам,
Шу вазмин кишилар яраб қолади.

Ҳеч ўйлаб толмасман дунёи дунни,
Вазминлик тилайман мен унга ҳар дам.
То тирик эканман, азиз юртимни —
Асраб-авайлайман енгилтаклардан.

Ўчмас ботирлар ёди..

Дарёга қүшилган ҳар битта ирмоқ
 Дарё тўлқинига шиддат бергайдир.
 Хазонга айланган ҳар битта япроқ
 Дараҳт илдизига қувват бергайдир.

Чинордай Ватаним, дарё — Ватаним,
 Унутмагил асло ирмоқларингни,
 Сенинг гулламоғинг, яшнашинг учун
 Жонин фидо қилган япроқларингни.

Ҳар кимда ҳам етмас, ахир, матонат,
 Ўз кўксин ўқларга қалқон қилмоққа.
 Ҳар қалбда топилмас журъат, жасорат —
 Ватан учун жонин қурбон қилмоққа.

Сўнмас юлдуз бўлиб порлар самода
 Элим дея ўқча учган ботирлар.
 Халқим юрагидан ўчмагай асло
 Юртим дея жондан кечган ботирлар.

Парвозда жон берган лочинлар руҳи -
 Дерларки, самода боқий қолгайдир.
 Ботир ўғлонларнинг шони, шукуҳи
 Не-не юракларга қудрат солгайдир.

Ватаним, сен учун қалблар бедордир,
 Мангу асрагаймиз гулбоғларингни.
 Токи қучоғингда мардларинг бордир,
 Ёвлар топтай олмас тупроқларингни!



Қирқ бешинчи йил ёмғири

Ёмғир шитирлайди. Майсалар унар
Заминнинг кул босган далаларида.
Ёмғир шитирлайди. Малҳам қўйилар
Ватаннинг тўрт йиллик яраларига.

Ёмғир шитирлайди. Мисли хушхабар
Борлиққа сочилар маржон доналар.
Севинч ёмғирида ивиб, жилмаяр
Фарзанди жанггоҳдан қайтган оналар.

Ёмғир шитирлайди. Отасиз қолган –
Мурғак гўдакларнинг кўз ёшларидаи.
Ёмғир шитирлайди. Сўнгсиз армонлар-
Тул қолган аёллар бардошларидаи.

Ёмғир шитирлайди. Кетамиз яйраб,
Биз – шу ёмғирдан сўнг унган майсалар.
Кошкийди, дунёнинг бор майсалари
Бахти ёмғирларга ета олсалар.

Ватан посбонлари күшиги

Эй она-юрт, содиқ ўғлонларингмиз,
Сарҳадларда сергак посбонларингмиз,
Ёв йўлолмас метин қўргонларингмиз,
Сақлагаймиз сени тинч-омон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Дилга жойлаб Темур бобом қудратин,
Жалолиддин Мангуберди шиддатин,
Давом айлаб аждодлар жасоратин,
Ёвларингни этурмиз яксон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Кўзга суртиб муқаддас тупроғингни,
Асрагаймиз тоғу тош, гулбоғингни,
Зафарларга тўлдириб қучоғингни –
Айлагаймиз бағринг боғ-бўстон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Улуғ халқим ҳеч кимдан кам бўлмагай,
Бирорларга асло қарам бўлмагай,
Ватанин севмаган одам бўлмагай,
Эй, онамдек мунис-мехрибон Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Мехринг – қалбда оташ, кўзларда шарор,
Сени асрамоқлик – дилдаги қарор,
Қучоғингда тинчлик бўлсин барқарор,
Яшна мангу, эй дориломон Ватан!
Сенга мудом кўксимиз қалқон Ватан!



Тинчлик учун

Айланар еру фалак тинчлик учун,
Нечалаб жонлар ҳалак тинчлик учун,
Менда ҳам бор бир тилак тинчлик учун:
Туну күн ёнсин юрак тинчлик учун,
Нурга чулғонсин юрак тинчлик учун!

Жилмайиб турсин самода офтоб,
Чарх уриб учсин кабутарлар шитоб,
То абад тинчлик дея қылсın хитоб
Барча диллар муштарақ тинчлик учун,
Барча эллар муштарақ тинчлик учун!

Эзгуликни одат айласин диллар,
Ватан бөғи ичра яшнасан гуллар,
Мудом завққа түлсін десак күнгиллар,
Мангы интилмоқ керак тинчлик учун,
Жон фидо қымлоқ керак тинчлик учун!

Она-тилим

Она-тилим, жон, она-тилим,
Жонон тилим, жонона тилим.
Тарихинг куйлашга таърифим етмас,
Оламда тенги йўқ, дурдона тилим!

Қошғарий бобомдан ноёб мероссан.
Ўзбакий каломим, халқимга хоссан,
Навоий назмида созланган созсан,
Шоҳларга ярашган шоҳона тилим!

Олис мозийлардан тараалган нурсан,
Аждодлар авайлаб-асраган дурсан,
Авлодларга мерос шону шуурсан,
Тарих шодасида маржона тилим!

Сенсан Қодирийнинг ширин каломи,
Ҳам устоз Ойбекнинг ёниқ армони,
Комилжон ҳофизнинг булбул забони -
Дилларни яйратган тарона тилим!

Баъзан борлигингдан кимлар тондилар,
Ҳасад оловида лов-лов ёндила,
Охир, улар бари доғда қолдилар,
Сен эса галибсан, мардона тилим!

Истиқлол нуридан қайта кўз очдинг,
Мехру оқибатдан яйраб сўз очдинг,
Сўнмас қуёш бўлиб мангур нур сочдинг,
Эй бағри кенгликда ягона тилим!

Бугун яйраб, тилим ўзбекча сўзлар,
Яшнаб озод элим ўзбекча сўзлар,
Тилдан қолсам, дилим ўзбекча сўзлар,
Бир умр сенга биз парвона тилим,
Сендан айирмасин, жон, она-тилим!



Ўзбекистон

Ўзбекистон - гўзал Ватаним,
Боғ-роғлари асал Ватаним,
Таърифингдир оламга достон,
Мадҳинг шеъру ғазал Ватаним.

Дунёни тенг бўлганда, оллоҳ,
Бизга бўлдинг сен азиз маъво.
Минг бор ўлиб, минг бор тирилсам,
Ўзга юртни қилмасман даъво.

Улуғлаб сен азиз инсонни,
Қойил қилдинг жумла жаҳонни,
Етти иқлим аро топмаслар
Излаб сендеқ жаннат маконни.

Истиқлонинг—иқболинг бўлди,
Сўнмас баҳту камолинг бўлди.
Қайда бўлсам кўзим олдида,
Сенинг ҳусну жамолинг бўлди.

Муқаддасссан, эй азиз Ватан,
Мудом сендан илҳом олурман.
Дунёдан кўз юмганимда ҳам,
Кучогингда мангуболурман.

Бир қүшиқ куйлайки...

Бир қүшиқ куйлайки, ҳар ён янграсин,
Наволарим жумла жақон англасин,
Жумла жақон, аҳли замон тингласин,
Неки бўлса бўлсин, уруш бўлмасин,
Ватан омон бўлсин, Ватан гулласин!

Эй, менинг бағри кенг, парвона элим,
Дунёда тенги йўқ – дурдона элим,
Эрк куйин куйлаган мардона элим,
Нурли қўшиқларинг асло тинмасин,
Ватан омон бўлсин, Ватан гулласин!

Булбул аҳли зоғга чаманин бермас,
Йигит аҳли ёвга маконин бермас,
Жонин берса берар, Ватанин бермас,
Юртим деган шунқорларинг ўлмасин,
Ватан омон бўлсин, Ватан гулласин!

Юртим, тўйга тўёнадир тўйларинг,
Самоларга бўй чўзмоқда бўйларинг,
Янграйверсинг шоду хуррам куйларинг,
Азиз элим энди ҳеч фам қўрмасин,
Ватан омон бўлсин, Ватан гулласин!



Замондош алёри

Шүх наволар күйланг, дүстлар,
Күй ярашган замондир бу.
Элимизга баҳт улашган,
Тахт улашган замондир бу.

Ватан азиздир жон қадар,
Юракка оққан қон қадар,
Дил юксалиб осмон қадар,
Еғду сочган замондир бу.

Юрт күн сайин ободланиб,
Аждодлар номи ёдланиб,
Боболар рұхи шодланиб,
Құллаб турған замондир бу.

Кел, эй азиз замондошим,
Юрт ишига қүшгил бошинг,
Мангу порлаб ҳур қүёшинг,
Бахтинг кулган замондир бу.

Алёр, замондош, алёр,
Алёр, ватандош, алёр!

Хурлик гаштин сургин, элим...

Истиқолинг куйлаб келдим,
Тўй муборак, туркий элим !
Бахт-иқболинг ўйлаб келдим,
Хурлик гаштин сургил, элим!

Юрт ишқида ёна-ёна,
Боғлар яратдинг ҳар ёна,
Ўзбеклигингни жаҳона
Сен билдириб тургил, элим!

Ҳар бир кунинг — қутлуғ сана,
Ҳар ишда қилдинг тантана,
Янги манзилларга яна
Мардонавор юргил, элим!

Ўз туғинг бор, ўз туғронг бор,
Туғингда ою Зухронг бор,
Қуёшдай нурли чехранг бор,
Дунёга юз бургил, элим!

Мир Алишер фарёдисан,
Мард Широқлар авлодисан,
Темурийлар зурёдисан,
Кошоналар қургил, элим!

Ҳеч кўрмай оху нолангни
Куйлай шўх-шўх таронангни,
Ўз меҳнатинг болаларинг
Роҳатларин кўргил, элим!

Зикрилло дер, эй волидам,
Истиқолинг асра ҳар дам,
Минг асрлик тўйингни ҳам
Албат байрам қилгил, элим!



Ўзбекистоним, дебон...

Аё дўстлар, фахр айлангиз, дунёда-
Бордир маним нурли бўstonim, дебон.
Оlam ичра жаннатлардан зиёда,
Нурли бўston — ҳур гулистоним, дебон.

Не-не буюк боболарим маъвоси,
О, нақадар жонбахш эрур ҳавоси,
Янграп ҳамон Мир Алишер навоси:
Она-юртим — жон ичра жоним, дебон.

Жон ҳам чиқар, юргдан айро фурсатда,
Фурқатга ким раҳм айлади фурқатда?!

Бобур Мирзо бўзлар ҳануз ҳижратда;
«Ватан, сенсиз, дилда фигоним!» — дебон.

Ватан бизга шараф берди, шон берди,
Қучоғидан жаннатдай макон берди,
Бу юрт учун не-не зотлар жон берди,
Юртим, сенга садқадир жоним! — дебон.

Дўстга мудом айтар Зикрилла Неъмат:
Ҳур Ватанга хизмат айла beminnat!
Боғу рофигин, тоғу тошин ҳам гуллат,
Яшна мангу Ўзбекистоним! — дебон.



Бўлмагай

Ўз она-юртингни ташлаб, эй ўғлон,
Ўзга диёrlарни этмагил макон,
Бу ёруғ оламда сен учун, ишон,
Она-маконингдек, макон бўлмагай,
Ота-маконингдек, макон бўлмагай.

Боболаринг қабрин этсанг зиёрат,
Орзу-умидларинг бўлгай ижобат,
Кўзингга нур ингай, қалбингга роҳат,
Дилингда заррача армон қолмагай,
Ота-маконингдек, макон бўлмагай.

Киндиқ қонинг томган бу муқаддас жой,
Сен учун Каъбадек азиз ҳойнаҳой,
Бошингни бир умр тарк этмас Ҳумой,
Нолиниб юрмоққа имкон қолмагай,
Ота-маконингдек, макон бўлмагай.

Эл аро бўлса гар бир парча нонинг,
Дўсту ёрга очиқ ҳур дастурхонинг,
Шудир сенинг баҳтинг, шарафинг-шонинг,
Ватансиз кимсада бу шон бўлмагай,
Ота-маконингдек, макон бўлмагай.

Ҳар инсон инсоний бурчин оқласин,
Зикрилло, юрт ишқин дилда сақласин,
Юртдан айрилмоқдан Оллоҳ арасин,
Ватангадоларда имкон бўлмагай,
Ота-маконингдек, макон бўлмагай...



Топилмас

Дунё деб ўзингдан кечма, эй инсон,
Мол-дунё топилгай, инсон топилмас,
Чўққиларга интил, борида имкон,
Фурсат ўтиб бўлгач, имкон топилмас.

Ёшлигинг — кўзда нур, белда қувватинг,
Ҳар ишга етгайдир кучу қудратинг,
Елга совурма ҳеч қалбинг шиддатин,
Вақт ўтгач, дилда бу туғён топилмас.

Зийрак кўзлар бедор бўлиб нур излар,
Уммонлар остидан жавоҳир излар,
Оқиллар дуодан олтин, дур излар,
Фофилга на ер, на осмон топилмас.

Бахт гули ётмагай хору хасларда,
Оқибат на қилсин тубан, пастларда,
Нафсига қул бўлган шум нокасларда —
Мехру мурувватдан нишон топилмас.

Юрт учун жонингни тиксанг-чи, эй дўст,
Элингга борингни тутсанг-чи, эй дўст,
Тупроғин кўзингга суртсанг-чи, эй дўст,
Ўз ота-юрtingдек макон топилмас,
Ўз она-юрtingдек макон топилмас...

Навоий бобом

(Қасида)

Тонг-саҳарлар кўкка боқсам маҳлиё бўлиб,
Юрагимга нурлар оқар, куйга жо бўлиб,
“Қаро кўзим”, «Гулузорим» “Муножот” бўлиб,
Куёш янглиғ мангу сўнмас бир сиймо бўлиб —
Чаман ичра кезиб юрар Навоий бобом,
Ватан узра кезиб юрар Навоий бобом.

Элни севинг, мамлакатни этинг деб обод,
Тилимизга асос солган ул табаррук зот,
Ишқда Мажнун, жасоратда бўлинг деб Фарҳод,
Заковатли авлодлардан кўнгли бўлиб шод,
Зулмат йўлин тўсиб турар Навоий бобом.
Ватан узра кезиб юрар Навоий бобом.

Буюкларга авлод бўлмоқ, о, нақадар соз,
Пок руҳлари кўнглимизни айлар сарафroz,
Улуғ ишлар қилингиз деб аждодларга хос,
Озод Ватан боғларида этганча парвоз,
Сабо бўлиб эсиб юрар Навоий бобом,
Ватан узра кезиб юрар Навоий бобом.

Умр бўйи эл ғамин еб, эл бирла бўлиб,
Шеъру ғазал достонлари зар, тилла бўлиб,
Йўлимиизни юритувчи нур, шуъла бўлиб,
Назм аро гоҳ Эркин, гоҳ Абдулла бўлиб,
Наволарин тузиб юрар Навоий бобом,
Ватан узра кезиб юрар Навоий бобом.

Ўтар яна не-не йиллар, не-не асрлар,
Аммо мангу порлайверар ўлмас сатрлар —
Мир Алишер қаламидан яралган дурлар,
Замонларнинг бағрин тилиб ўтгандек нурлар,
Асрлардан ўзиб борар Навоий бобом,
Ватан узра кезиб юрар Навоий бобом.



Қишлоқ соғинчи

Күмсаб қолдим, бедор қалбим энтикиб,
Олислардан дийдорингга кўз тикиб,
Тополмадим таърифингни сўз битиб,
Эй ота-юрт, эй муқаддас тупроғим —
Соғинарман сени она-қишлоғим.

Гоҳ том оіпа, гоҳо кўча чангитиб,
Шотутларинг юрагимга ранг этиб,
Шўхликлар-ла катталарни гангитиб,
Ўтди сенда ўтли болалик чоғим —
Соғинарман сени она-қишлоғим.

Киндик қоним томган нурли маконим,
Табарругим, гўзал жаннатмаконим,
Жонимдан ҳам азиз, эй жонажоним,
Илдизларим туташ бофу гулбоғим —
Соғинарман сени она-қишлоғим.

Туш кўрарман кекса чинорларингни,
Дилга яқин пахса деворларингни,
Тарс ёрилган, дардчил анорларингни
Насиб этсин ўнгимда ҳам қучмоғим —
Соғинарман сени она-қишлоғим.

Кучоғингда ота-онам хоки бор,
Азизларим ётар бунда хокисор,
Ҳар гал бориб, йиғлаб қайтгум зор-зор,
Қалбимдаги ҳаяжоним, титроғим —
Соғинарман сени она-қишлоғим.

Не тонг, қалбим қалқиб кетди даъфатан,
Остонангдан бошланар ахир Ватан,
Етти иқлим аро бедор кессан ҳам,
Аниқ бир кун кучоғингга қайтмоғим —
Соғинарман сени она-ишлоғим.

Самарқанд

Сиёб соҳилларин сархуш кездим мен,
Хаёлларим хаёлингга бўлиб банд.
Кезган сайин дилда меҳринг сездим мен,
Қадим Афросиёбимсан, Самарқанд.

Тош асридан гувоҳ — Замиччатошинг,
Омонқўтон — омон қолган тош бошинг,
Зирабулоқ суви — асрий қўз ёшинг,
Ёшлиар томган гулобимсан, Самарқанд.

Искандарга дарвозасин очмаган,
Қутайбага юртин ташлаб қочмаган,
Чингизларга қарши исён бошлаган,
Шижоату шитобимсан, Самарқанд.

Меҳроб айлаб сени мулки Туронга,
Темур бобом от солди кенг жаҳонга,
Сайқалдурсан ўзинг Еру осмонга,
Гўзал юзлим, моҳтобимсан, Самарқанд.

Гоҳ талангани, гоҳо вайрон этилган,
Гоҳ ёқилган, гоҳо ўққа тутилган,
Ҳар вараги зар ва қондан битилган
Бобомерос китобимсан — Самарқанд.

Регистондир — асрларга тенгдошинг,
Кўкаaldoшинг — дардларингга сирдошинг,
Шердор ила Тиллакоринг — кўз-қошинг,
Қошу кўзи итобимсан, Самарқанд.

Зарафшондай тўлқинланиб туғёним,
Битдим сенга ушбу шеъру шоёним,
Мангу омон бўлгил деб, онажоним!
Қалбимдаги хитобимсан, Самарқанд.

Авлодларга хазинасин сақлаган,
Улугбекнинг юлдузларин асраган,
Таронаси олам узра янграган
Олтин созли рубобимсан, Самарқанд.

Бошинг узра эсиб ҳурлик шамоли,
Йилдан-йилга чирой очар жамолинг,
Боқий эрур бахтинг, қадду камолинг,
Мангу сўнмас офтобимсан, Самарқанд.



Пўлат мисралардан яралган достон

*Бу йўллар кўп қадим иўллардир.
Гафур Фулом.*

Бу йўллар кўп қадим, қутлуғ йўллардир,
Атрофи тоғу тош, дашту чўллардир,
— Бу буюк йўлларнинг бунёдкори ким?!
— Заҳматкаш, забардаст, қадоқ қўллардир.
Халқим кудратидан олий бир нишон —
Бу йўллар — Тошгузар-Бойсун — Кумкўрғон.

Ўзбек ўз беклигин кўрсатди яна,
Юргда тўй-тomoща, катта тантана,
Амудай тўлғониб, Сирдай товланиб,
Уфқقا тулашиб ётибди ана,
Ўтюрак ўғлонлар забт эттан довон —
Бу буюк Тошгузар-Бойсун — Кумкўрғон.

Осонмас тоғларнинг ёриб бағрини,
Тўлдириб жарликлар, ўпқон қаърини,
Довул-бўронларнинг ютиб заҳрини,
Ўтказмоқ темир йўл рельсларини,
Юксак чўққиларга қўйилган нарвон —
Бу ўшал Тошгузар-Бойсун — Кумкўрғон.

Яқин бўлди элнинг олис манзили,
Оғир юкларнинг ҳам йўқ энди зили.
Қисқа фурсатларда этилди бунёд,
Меҳнаткаш халқимнинг ижод маҳсули —
Пўлат мисралардан яралган достон —
Бу гўзал Тошгузар-Бойсун — Кумкўрғон.

Бу гап ҳақиқатми ёки деб рўё,
Кўзларин ишқалаб, термулар Дунё.



Олам аҳлин лолу ҳайронлар этган —
Фолиб йўлсозларга айтиб тасанно,
Файратингга қойил, ҳазрати Инсон! —
Дер бугун Тошгузар-Бойсун — Кумқўрғон.

Эй озод Ватаним, муқаддас макон,
Темир йўл аталган бу чексиз уммон —
Сенинг қон томиринг эзур бегумон,
Буюк орзуларни ортмоқлаб шодон,
Нурили келажакка йўл олган карвон —
Бу боқий Тошгузар-Бойсун — Кумқўрғон.





* * *

Кимсасиз саҳрода ҳорғин, bemажол,
Чанқаб бораркансан, куйиб жисму тан,
Сувдонингда қолган бир қултум сувдек,
Жисм ила жонингта малҳамдир Ватан.

Ёки чўкаётиб тубсиз уммонга,
Бир қалқиб юзага чиқсанг дафъатан.
Кўксингни тўлдирган жонбахш ҳаводек
Зарурдир сен учун муқаддас Ватан.



МУҲАББАТЛИ
ЖАҲОНИМ БОР



Мехр истаб

Ажойибдир бу гүзал ҳаёт,
Мехр истар бутун мавжудот.
Токи тирик экан одамзод,
Мұхаббатин құмсағ яшайды,
Күнгил меҳр истаб яшайды!

Дийдорлашар юлдузу ойлар,
Дарёларин туш күрар сойлар,
Ошиқлар ёр йүлини пойлар,
Висол борки, олам яшнайды,
Күнгил меҳр истаб яшайды!

Қайлардасан, эй нозли ёрим,
Мұхаббатим, күнгилда борим,
Софиндим-ку, кел, эй баҳорим,
Сенсиз жоним, қалбим қақшайды,
Күнгил меҳр истаб яшайды!

Боғларингда кезиб түзонлар,
Бошланса-да барги хазонлар,
Ўтса ҳамки не-не замонлар,
Софинч бир кун күзни ёшлайды,
Күнгил меҳр истаб яшайды!

Ғаниматдир ҳар кун, ҳар лаҳза,
Умр - Ишқдан яралган майса,
Кимки унинг қадрин билмаса,
Сүңг бир умр бўзлаб яшайды,
Күнгил меҳр истаб яшайды!

Софинч

Хаёлимда яшарсан, эркам,
Баҳор бўлиб, нозли ёр бўлиб,
Билсанг, мен ҳам яшарман ҳар дам
Бедор бўлиб, сенга зор бўлиб.

Ўтар кунлар, ўтар ой—йиллар,
Севишгайдир не-не кўнгиллар,
Фақат менинг қалбим бир умр,
Жоним, сени соғиниб куйлар.

Қалбимдаги юлдузим эдинг,
Кечам ҳамда кундузим эдинг,
Энди ғамлар чекарман сенсиз,
Борлик аро ёлғизим эдинг.

Қайда бўлсанг, омон бўлсанг, бас,
Мудом шоду хандон бўлсанг, бас!
Муҳаббатдан сўз очилганда —
Сен Садоқат томон бўлсанг, бас!

Хаёлимда яшарсан, эркам,
Баҳор бўлиб, нозли ёр бўлиб,
Билсанг, мен ҳам яшарман ҳар дам,
Бедор бўлиб, сенга зор бўлиб.

Ошиқона

Жаҳонда сен каби жанона йўқдир,
Ишқингда мен каби парвона йўқдир.
Кўнглимни ром этган эй гўзал pari,
Дунёда сен каби дурдона йўқдир.

Сунбул соchlарингдан саболар учар,
Ширин забонингдан наволар учар,
Сен келсанг, бошимда Ҳумолар учар,
Кел, жоним, ўзга аҳд-паймона йўқдир.

Васлингда жонимни тавоғ истарам,
Ҳажрингда ҳолимни хароб истарам,
Лаъли лабларингдан шароб истарам,
Мен учун ўзга бир майхона йўқдир.

Ёр, сенсиз кунларим офатда ўтар,
Зикрилло тунларим тоқатда ўтар,
Сен бирла ҳаётим роҳатда ўтар,
Роҳатки, равзаи ризвона йўқдир.



Софинарман

Софинарман сени, жонгинам,
Борай, десам манзил йироқдир.
Йиккимизни ҳижронда ёққан —
Айрилиқдир, шоми фироқдир.

Сени ўйлаб шириң хаёллар,
Шириң ўйлар сургим келодир.
Не қилайки, юрак талпинар,
Ерим, сени күргим келодир.

Юлдузлар ҳам сирли бу оқшом,
Хумор күзларингни эслатар.
Кулиб турган кумуш ой, эркам,
Анор юзларингни эслатар.

Үтар ғаму фироқлар бир кун,
Хузурингга қайтурман, жоним.
Софинганим, юрак сирларим —
Фақат сенга айтурман, жоним!

Юрагим ўзинг

Севгилим, севинчим, малагим ўзинг,
Дилдаги соғинчим, тилагим ўзинг.
Қай бир юрак бирла сендан кечарман,
Ахир ёниб турган юрагим ўзинг.

Ишқимни англамай, йироқ кетмагил,
Гулим, умидларим сароб этмагил,
Кел энди, васлингни баҳш айла, дилдор,
Ошиғингга бунча фироқ этмагил!

Кел, жоним, бағримга ойдек қулиб кел,
Ишқу мұхаббатда сойдек түлиб кел,
Қалбимда очилған гулдек ёниб кел,
Дунёда ҳаммадан керагим ўзинг.

Умид

Булутлар ортидан ой чиқар сузив,
Сутга чайилғандек оппоқ бу кеча.
Хажрингда қалбимнинг оромин бузив,
Күз юммай чиқурман токи тонггача.

Қорамтири булутлар телбалик билан,
Ойни түсмоқ учун бенаф уринар.
Улар иккимизни ҳижронда ёққан –
Шубҳа-гумонларга ўхшаб күринар.

Юрагим бир ширин умиддан эриб,
Севинчдан дарёдай қалқыр ногаҳон.
Бир кун булутларни доғда қолдириб,
Кўксимда ой каби балқишинг аён.

Гуласал

Сехрлаб қүйдинг-ку, жоним, Гуласал,
 Ёнингдан кетолмай қолдим, Гуласал.
 Сени гулми, асал дейиши билмай,
 Ширин хаёлларга толдим, Гуласал.
 Гуласал, Гуласал, жоним, Гуласал,
 Сени гул дейинму ва ёки асал?!

Гул десам, қизаргай гулдек юзларинг,
 Лабларинг ловуллар асалим, десам.
 Нозланиб-нозланиб боқар кўзларинг,
 Қалбимдан жой олган гўзалим, десам.
 Гуласал, Гуласал, жоним Гуласал,
 Сени гул дейинму ва ёки асал?!

Кел энди, зор этма, қалбим эркаси,
 Гулим ҳам ўзингсан, асалим ўзинг,
 Сен менинг ҳаётим, ишқим чечаги,
 Бир умр куйлаган ғазалим ўзинг.
 Гуласал, Гуласал, жон Гуласалим,
 Гулим ҳам ўзингсан, ўзинг асалим!

Найлайин

Жисму жонимни ёқиб кетдинг-ку, жонон, найлайин?
 Ишқ үтида энди мен – булбули нолон, найлайин?
 Неча йиллар ох чекарман, сүрмадинг ҳолимни бир,
 Мен ғарибу нотавон, сен шоҳи султон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин, эй нозли жонон, найлайин,
 Найлайин ох, найлайин? Жонимни қурбон айлайин!

Маҳвашим, минг ноз ила боқишиларинг жоним олар,
 Кўз сузиб, қалбимга ўт ёқишиларинг жоним олар,
 Кўксинг узра қўнган оппоқ қушларинг жоним олар,
 Оҳ, уларнинг ҳажрида ёнмоқда-ку жон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин, эй шўхи жонон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин? Жонимни қурбон айлайин!

Сен билан боф сайрида қўл ушлашиб юргим келар,
 Тонгача сочинг силаб, ёнингда ўлтиргим келар,
 Лабларингнинг болидан, ёр гоҳ-гоҳ сўргим келар,
 Йўқса дилда бир умр қолгуси армон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин, эй нозли жонон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин? Жонимни қурбон айлайин!

Кел, нигорим, дилдаги армон ила аҳдим ўзинг,
 Айтадур Зикрилло: Жоним, бир умр баҳтим ўзинг,
 Севги мулкин шоҳидирман, тож ила таҳтим ўзинг,
 Энди менга на керак мулки Сулаймон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин, эй шўхи жонон, найлайин?
 Найлайин ох, найлайин? Жонимни қурбон айлайин!



Иккимизнинг ёниқ ишқимиз

Майсалар - оламнинг майин соchlари,
Силагум уларни ардоқлаb, суйиb,
Зора қаердадир сенинг соchlаринг —
Кўлларим таftини олсалар туюб.

Гуллар — бу оламнинг нафис лаблари,
Улардан энтикиб олгум бўсалар,
Зора қаердадир сенинг лабларинг —
Шу бўса лаззатин тота билсалар..

Юлдузлар — соғинчда ёнган кўзларим,
Йўлингга бир умр илҳақдир, билсанг,
Самога тушганда ногоҳ кўзларинг
Зора бу соғинчни ҳис эта билсанг.

Дунё — иккимизнинг ёниқ ишқимиз,
Тугалдир у бизнинг қайноқ ҳислардан.
Бир тан, бир жон бўлиб зора иккимиз
Асрай олсак уни ёмон кўзлардан.



Келармикан күзлари охум...

Ишқ йўлига тушди, дўстлар, найлайин, роҳим,
Мұхаббатдур — энди менинг ёлғиз паноҳим,
На қилайки, қиё боқмас ул гўзал моҳим,
Мунажжимдек йўлларида қолди нигоҳим,
Келармикин менинг ўшал кўзлари охум?!

Келиб бир кун кўзларимни равшан этарму,
Васлига зор бу кўнглимни гулшан этарму,
Ҳолим сўраб, мен гарибин хурсанд этарму,
Кўнглим бутқул забт айлаган ул шаҳаншоҳим —
Келармикин менинг ўшал кўзлари охум?!

Булбулдирман, мани гулу гулзор йиғлатар,
Висолига соғинтириб, бағрим тиғлатар,
Билмам, анинг ҳажри токай қалбим ингратар?!
Фалакларни ёндириди-ку нолаю оҳим,
Келармикин менинг ўшал кўзлари охум?!

Келгил энди, эй дилбарим, ёлғиз дилҳоҳим,
Кечир, агар ишқ йўлида бўлса гуноҳим,
Гул юзингта тўйиб-тўйиб тушсин нигоҳим,
Зикриллонгни висолингта етказ, илоҳим,
Келгил энди, соғинганим, кўзлари охум?!



Софинганим сезилмасму

Сайёралар сайр айлаган самолардан,
Ишқүйини күйлаб ўтган саболардан,
Юрагимда тўлиб-тошган наволардан,
Васлинг кўмсаб, оҳ урганим сезилмасму,
Жоним, сени софинганим сезилмасму?!

Сенсиз умрим бўзлаб ўтар, сен билмайсан,
Ёдинг билан тонглар отар, ҳеч билмайсан,
Ошиғимга не бўлди деб, бир келмайсан,
Ишқу боғида ахир жуфт-жуфт кезилмасму?
Жоним, сени софинганим сезилмасму?!

Севсанг, жоним, жон чиқмасдан излаб келгил,
Зикриллонгни зикр айлабон, сизлаб келгил,
Софинганим, садоқатдан сўзлаб келгил,
Гар келмасанг, жон риштаси узилмасму?
Жоним, сени софинганим сезилмасму?!

Кўнглини узмаган бўлса

Дунё дунё бўлиб нени кўрибдир,
Менинг ошиқлигим сезмаган бўлса.
Дарё дарё бўлиб нени кўрибдир,
Оlamни менчалик кезмаган бўлса.

Бу ишқ мани не куйларга солғондир,
Нигоҳларим ёр йўлида қолғондир,
Булбулнинг ҳам булбуллиги ёлғондир,
Бағрини менчалик эзмаган бўлса.

Тўйиб-тўйиб боқай ёрим юзига,
Кулоқ тутай шаҳди шакар сўзига,
Ширин жоним қурбон қиласай ўзига,
Аҳду паймонини бузмаган бўлса.

Ҳижрон ўти сўндиrolmas гулимни,
Севгим билан енггайдирман ўлимни,
Бу дунёдан узмагайман кўнглимни,
Ёр мендан кўнглини узмаган бўлса!

Ёнганим-ёнган

Ақлим олди бир шүх санам,
Ёр дея, ёнганим-ёнган.
Фарибжондек ул — Шоҳсанам,
Ёр дея, ёнганим-ёнган.

Юзи гулдир, сўзи малҳам,
Жонимни олгувчи кам-кам,
Бахтимга шу нозли эркам
Бор дея, ёнганим-ёнган.

Ёндиrsa-да ул маҳлиқо,
Васлидан кечмагум асло,
Усиз менга бу кенг дунё —
Тор дея, ёнганим-ёнган.

Токи юракда қоним бор,
Муҳаббатли жаҳоним бор,
Зикрило, танда жоним бор,
Ёр дея, ёнганим-ёнган.

Қайдин излайин?

Боғлар аро эсган эй боди сабо,
Айт, гүзал ёримни қайдин излайин?!
Неча ойки, күмсаб чекурман нидо:
Гули нигоримни қайдин излайин?!
Ул нозли ёримни қайдин излайин?!

Эй, сен, севгимизга гувоҳ бўлган ой,
Тунлар иккимизга паноҳ бўлган ой,
Само кезиб кўргандирсан ҳойнаҳой,
Кўзи хуморимни қайдин излайин?!
Ноёб туморимни қайдин излайин?!

Оlamни яшнаттан эй сўлим баҳор,
Оҳимдан оқарган эй лайли наҳор,
Сўйла, эй қалбимдай рангин лолазор,
Бағри баҳоримни қайдин излайин?!
Лайли наҳоримни қайдин излайин?!

Бошим узра ҳижрон — қаро тун гўё,
Қалбимни тилкалар алдоқчи рўё,
Ёрсиз Зикриллога зулматдир дунё,
Нури шароримни қайдин излайин,
Ширин нигоримни қайдин излайин?!



Мұхаббатдан бошланар

Тонгда булбул навоси мұхаббатдан бошланар,
Гулларнинг ноз-ибоси мұхаббатдан бошланар.
Қуёш ҳам кулиб ҳар тонг оламга нур сочтайдир,
Унинг меҳру зиёси мұхаббатдан бошланар.

Баҳор келиб қалбларга чақмоқларин чаққанда,
Шаббодалар эркалаб, чакканга гул таққанда,
Сулувларнинг боқиши дилингта ўт ёққанда,
Ишқ куйин ибтидоси мұхаббатдан бошланар.

Мұхаббатсиз бу олам - офтоби йўқ осмондир,
Осмонки, ой-юлдузсиз - қоронғу зимистондир,
Севги бирла бу жаҳон- яшнаган гулистондир,
Ёрнинг ёрга вафоси мұхаббатдан бошланар.

Айро тушмасин ҳеч ким ишқ деган назокатдан,
Оллоҳ ўзи арасин ҳижрон деган оғатдан,
Куйлайвер, эй Зикрилло, ишқ бирла садоқатдан,
Ошиқ қалблар садоси мұхаббатдан бошланар.

Мұхаббатни әрмак билманг

Ой-қызларжон, бир күн гулдай очилгайсиз,
 Гулнинг эса ошиғи күпдир, билгайсиз,
 Бахтингизни күзлаб, Сизга бир сүз айтай,
 Сингилжонлар, тингланг, асло кам бўлмайсиз,
 Сўзларимни малол олманг, жон қизларжон,
 Ишқ бобида доғда қолманг, жон қизларжон!

Ишқ дардига ҳар бир дил мубтало бўлар,
 Охунинг ҳам кўзи бошга бало бўлар,
 Оҳу каби оҳлар чекиб қолманг кейин,
 Йўлингизни шум сайёдлар пайдо бўлар.
 Мұхаббатни әрмак билманг, жон қизларжон,
 Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!

Мұхаббат, бу — тонгдек тоза туйғу бўлур,
 Севишганлар баҳт-иқболи мангу бўлур,
 Мұхаббатни хор айлаган кўнгилларда -
 Бир умрлик армон қолур, қайғу қолур.
 Мұхаббатни әрмак билманг, жон қизларжон,
 Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!

Шижаатда Тўмарисдан шиддат олинг,
 Садоқатда Кумушойдан ибрат олинг,
 Ўзим бориб ўлан айтай тўйингизда,
 Келин бўлиб, қайнонадан раҳмат олинг!
 Мұхаббатни әрмак билманг, жон қизларжон,
 Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!



Эслармисан?..

Эсингдаму эшигингдан эркам, бедор ўтганларим,
 Кута-кута, айвонингга гуллар отиб кетганларим,
 Шамдай ёниб шому саҳар, ишқим изҳор этганларим,
 Ўшал нурли лаҳзаларни эслармисан, софинганим?!
 Қалбга тушган ларзаларни эслармисан, софинганим?!

Ёдингдаму чорбоғ аро илк учрашув, илк бор висол,
 Кўксимга бош қўйганинг, ёр, ул янги чиққан ой мисол,
 Бол тотгандим лабларингдан шунда илк бор, соҳибжамол,
 Ўшал тотли бўсаларни эслармисан, софинганим?!
 Менга берган ваъдаларни эслармисан, софинганим?!

Ёrim, бугун йироқдаман, талпинур қалбим сен томон,
 Васлинг истаб андалибдек, оҳлар чекарман кўп ёмон,
 Келгил, ёrim, гар келмасант, ҳижрон мани қўймас омон,
 Мен-ла яна ишқ бофини кезгаймисан, софинганим?!
 Ўшал ширин лаҳзаларни эслармисан, софинганим?!

Ким тинглагай?

Ҳижрон тифи юрагимни тилиб ўтди,
Соғинч яна бағримни қон қилиб ўтди,
Сарвинозим қиё боқмай кулиб ўтди,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса?
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Ёр висоли қийнар мени армон бўлиб,
Юрагимда ғамлар ётар карвон бўлиб,
Дил оҳ чекар, яраланган жайрон бўлиб,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса?
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Неча йилки, булбул каби бўлиб нолон,
Ул санамнинг йўлларига кўз нигорон,
Холим кўриб ҳайрон боқар дўсту ёрон,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса?
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Юлдуз эмас, ул кўкдаги — кўз ёшларим,
Тоғлар эмас, чўкиб ётган — бардошларим,
Жимдир, нетай, ер-кўк аро сирдошларим,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Умидим бор, бир кун аҳдга вафо айлаб,
Ёр келодир, дардларимга даво айлаб,
Зикрилло, қуйлагум ишқим наво айлаб,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса?
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!



Паризод

Жоним, сени жондан севарман, ишон,
Нозли қарошиңгга қалбимдир нишон,
Не тонг, зулфинг каби бўлиб паришон,
Ҳар кун эшигингдан ўтсам, паризод.

Гулим, излаб борсам, малол олмагил,
Дарвозанг занжирин илиб кўймагил,
Бу гадо ким дея, қувиб солмагил,
Ҳар кун эшигингдан ўтсам, паризод.

Ҳар кун жамолингни бир курсам дейман,
Ҳуснингга термулиб ўлтирсам дейман,
Кўнглингни кўнглимга кўндирысам дейман.
Ҳар кун эшигингдан ўтсам, паризод.

Жоним, муҳаббатинг — жону танимдир,
Ҳажру азбларинг — оҳ урганимдир,
Зикрилло, севганим соғинганимдир,
Ҳар кун эшигингдан ўтсам, паризод.

Фақат сени севарман

Охуларга куйлаб ғазалим,
Жоним десам, десам асалим,
Рашк қилмагил асло гүзалим,
Фақат сени севарман, эркам,
Абад сени севарман, эркам!

Мажнун дилим Лайлоси ўзинг,
Осмонимнинг Зухроси ўзинг,
Ҳаётимнинг маъноси ўзинг,
Фақат сени севарман, эркам,
Абад сени севарман, эркам!

Не десалар десин аёерлар,
Ёсумандек ёвуз, маккорлар,
Бир кун бари бўлар абгорлар,
Фақат сени севарман, эркам,
Абад сени севарман, эркам!

Ўзингдирсан қуёшим, ойим,
Юрагимда яшарсан доим,
Бўлганда ҳам қиёмат қойим,
Фақат сени севарман, эркам,
Абад сени севарман, эркам!



Қайдасан, чин муҳаббат?

Диллар капалакка дўниб борурлар,
Гуллардан гулларга қўниб борурлар,
Вафо юлдузлари сўниб борурлар,
Сен бугун қайдасан, о, чин муҳаббат?
Сенсиз бўзлагайдир очун, муҳаббат?

Мажнунлар сахрода қолиб кетдиму?
Фарҳодлар аҳдидан тониб кетдиму?
Тоҳирлар сувларга оқиб кетдиму?
Сен бугун қайдасан о, чин муҳаббат?
Кўксидан қон оққан лочин — муҳаббат!

Аҳдига вафоли Лайлолар қани?
Кумушдай иболи зеболар қани?
Анварни лол этган Раънолар қани?
Сен бугун қайдасан о, чин муҳаббат?
Тарк этдинг қалбларни нечун, муҳаббат?!

Сени излаб, кўзларим тиниб кетди,
Изтиробдан қалбим оғриниб кетди,
Чин ошиқлар сени соғиниб кетди,
Қалбларга қайтсанг-чи, о, чин муҳаббат,
Яшнасин сен бирла очун, муҳаббат!

Турналар

Халқ оқангида

Менинг севар ёримни
Турналар олиб кетди,
Тингламасдан зоримни,
Фамларга солиб кетди.

Турналар, ох, турналар,
Эҳ беражм турналар,
Сизни кўрсам ҳар сафар,
Юрак-бағрим тирналар.

Ёр кетди-ю, кўксимдан
Қалбимни юлиб кетди.
Не-не эзгу орзулар
Кўнглимда қолиб кетди.

Эҳ, сиз ёмон турналар,
Қайтинг, омон турналар,
Ёрим нечун қайтмайди,
Айтмас ҳамон турналар.

Турналарнинг юртида,
Наҳот, у қолиб кетди?!
Айрилиқнинг дардидан
Юрагим ёниб кетди.

Турналар, ох, турналар,
Эҳ, беражм турналар!
Сизни кўрсам ҳар сафар
Юрак-бағрим тирналар.

Эй, шўх жонона


(Халқ йўлида)

Эй, сен шўхи жонона,
Айлаб мани девона,
Ноз бирла кулиб кетдинг,
Ақлимни олиб кетдинг.

Энди ҳеч оромим йўқ,
Мадору маромим йўқ,
Излаб сени топмоқдан
Ўзга аҳд-қарорим йўқ.

Сенсан — менинг ҳаётим,
Дилимдаги баётим.
Бағримни ёқма бунча,
Эй нозли паризодим.

Бир кун сенга етарман,
Қалбим гулдай тутарман.
Жоним, фақат сен билан
Бахт ли яшаб ўтарман.



Айрилиқ дарди

Күк юзини қаро булутлар тутди,
Ою юлдузларни юхолар ютди,
Хижрон азоблари жонимдан ўтди,
Наҳот, ой юзлигим бизни унуган?
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим?
Күттармоқ осонму айрилиқ дардин?!

Наҳот гумонларнинг ошиғи олчи,
Қалбимни оғулар армонли томчи,
Умр ўткинчидир, йиллар алдамчи,
Васлига тўймадим бир бора ёлчиб,
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим?
Күттармоқ осонму айрилиқ дардин?!

Юрагимда унган Сабр даражти
Парчалаб отгайдир айрилиқ дардин,
Кел, ёrim, қувончим, баҳорим, баҳтим,
Кувгил кўзларимдан аламлар гардин.
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим?
Енгмоқлик осонму айрилиқ дардин?!



**ГҮЗАЛЛИКДА
ТАНХО АЁЛЛАР**



Аёл

Аёллар ҳақида бир шеър айтайки,
Тинглаб баҳорларнинг келсин ҳаваси.
Бир шеърки, чўғланиб ҳар бир мисраси,
Борликқа таралсин ёзниг нафаси.

Аёллар ҳақида бир шеър айтайнин,
Ҳасаддан сарғайсин, тинглаб мезонлар.
Бир шеърки, қўшиқдек тараган сайин,
Қорлар йиглаб, кулсин абри найсонлар.

Лекин бу ҳавас-да, оддий бир ҳавас,
Фақат ҳавас билан ҳеч иш битмайди.
Аёллар шаънига шеър битмоқ учун
Мен ғарип шоирнинг кучим етмайди.

Чунки жо бўлгандир аёл қалбига,
Барча фаслларнинг ажиб хислати.
Ўзин аёл қадар безатмоқ учун —
Етмас тўрт фаслнинг зебу зийнати.

Шу боис, ожиздир менинг-да, шеърим,
Шу қадар улуғвор, гўзалдир аёл.
Бутун гўзалигин, бор меҳрин берив,
Табиат яратган ғазалдир Аёл!



Оналар қалби

Ул недур, ҳаётдан бергувчи дарак,
Жисму жонимизга жондош, муштарак,
Жумла жаҳон ичра энг бедор юрак
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Бағрида фарзандин гулдай яиратган,
Она-Ватан меҳрин илк бор англатган,
Оlam ичра турфа олам яраттан
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Азоблар чекса-да, ошмай фиғони,
Аллалаб келгувчи бутун дунёни,
Меҳру мұхаббатнинг нурли ошёни
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Чин инсон бўлсанг гар, эй замондошим,
Оналар пойига эгилсин бошинг,
Билки, бир умрлик содиқ сирдошинг
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Азиз онажонлар ҳеч оҳ чекмасин,
Мунис кўзларидан кўз ёш тўқмасин,
Бу буюк қалбларга ҳеч ғам чўқмасин,
Мангу омон бўлсин оналар қалби!

Ойдаги сурат

Гүдак эдим, ҳали ақлим етмасди,
Бирордан сўрашга этмасдим журъат.
Ўша пайтларданоқ тинчлик бермасди
Менга ой кўксидан термулган сурат.

Бошимда ҳилолдек эгилиб онам
Аллалар айтган пайт соchlарим силаб,
Содда хаёлимча, гўё ойда ҳам —
Бир аёл яшарди аллалар куйлаб.

Бувимдан қадимий эртаклар тинглаб,
Ул ажиб суратга боқардим сархуш.
Тавсифлар топардим мен унга минглаб,
Гоҳ Широқ, дер эдим гоҳо Сиёвуш.

Сўнгра у тойчиққа айланди бир кун,
Хивич тойчиқ миниб юрган чоғларим.
Олтин ёлларига бўлганча мафтун,
Олис сафарларга ўзни чоғлардим.

Лек олис сафармас, яқин мактабга
Бориб-келиб турдик кейинчалик биз.
Ойдаги суратни «улкан тоғлар» деб,
Тушунтириди бизга муаллимамиз.

Аммо бу таърифга ишонмадим мен,
Қучиб яшайвердим ойдин тунларни.
Бир кун — нақ ўн етти ёшимдамикин
Бедор ўқиб чиқдим «Ўтган кунлар»ни.

Шу кун Отабекка айланниб қолдим,
Кумушга айланди ойдаги сурат.
Унга посбонликка шайланиб қолдим,
Зайнаблар макридан чўчиб, хавфсираб.



Ва бу гал зулмат ўз бошига етди,
Енголмай мендаги сабру чидамни.
Ниҳоят, ойдайин васлига етдим,
Узоқ соғинтирган Кумушгинамни...

То ҳануз бир ажиб сурат күраман,
Ойнинг ойдин, ёруғ даричасида.
Унга термулганча ўйлар сурман,
Ой ўхшар Орзулар харитасига.

Энди мен юксак руҳ ва ишонч билан
Шундай бир тавсифга этурман журъат:
Мурғак чақалогин эмизиб турган —
Аёл суратидир ойдаги сурат.

* * *

Кўз ёшин оқизар фамдийда осмон,
Тирналиб чақмоқнинг ўт панжасидан.
Мен ҳам эзилгайман ҳижронда нолон,
Қалб титрар айрилиқ исканжасида.

Менга ҳам, булатмас, ой керак, ахир,
Менга сен кераксан, севгилим, бу чоғ..
О, кошки билсайдинг, қанчалар оғир —
Ёмғирли кўз билан ёмғирга боқмоқ!

Саккизинчи мұғжиза

Аёллар шаңнига сүз айтмоқ учун
Шарт әмас узундан - узун ривоят.
Аёл буюклигин англамоқ учун
Аёл сүзи мағзин чақмоқ кифоя.

Аёл сүзин «А» сида бор – ажилик,
Азизлигу ардоқлилик, аълолик.
«Ё»сида ёр ёқимтойлик, ёргулик,
Ишқ үтида ёндириғоғы ёнмоқлик.

«Л» сида-ку, латофату латифлик,
Лутфи карам, лобарликлар жамулжам.
Мұյжағина шу бир сүзнинг ўзида
Етти иқлим жозибаси мужассам.

Аёл сүзи ўхшар ҳаё сүзига,
Бу монаңдлик ажиб ҳикмат айтадир.
Тоққа чиқиб аёл, дея қичқирсанг,
Акс садоси ҳаё бўлиб қайтадир.

Аёл сүзи оҳангдош эрур яна,
Болу асал, баҳту иқбол сүзига.
Шу боисдан мудом у ёна-ёна,
Юракларин чорлайверар ўзига.

Баҳорлару нурга тұла само ҳам
Үзлигидан тонар эди аёлсиз.
Мұхаббатдан яшнаб турған дунё ҳам
Саҳро бўлиб қолар эди аёлсиз.

Аёл асли қалбдан манғу жой олган
Шириндандышириноқ бир хаёлдир.
Бу оламда севмоқ учун яралған-
Саккизинчи мұғжиза шу Аёлдир.



Машойихлар бежиз айтмас, аёлни
Яралган деб ошиқ юрак қонидан.
Шу боисдан ҳар ким азиз аёлни
Ардоқласа арзир дилу жонидан.

Гоҳи армон, гоҳ шириң хаёл бўлиб,
Юракларда кезаверинг, аёллар.
Соҳиби ишқ, соҳиби висол бўлиб,
Умримизни безайверинг, аёллар!

Ўксинманг, қизлар...

Гоҳида ўксиниб қолишар қизлар,
Аскарлик либосин киймадик, дея.
Йигитлар сингари бел боғлаб қизлар
Ватан хизматида бўлмадик, дея.

Сиздан илтимосим, ўксинманг, қизлар,
Аскар бўлмадик деб, бўлманг хижолат.
Ватаним қўйнида аскарсиз сиз ҳам,
«Форма»нгиз бошқача сизларнинг фақат.

Гоҳ шоҳи киясиз, гоҳ эса атлас,
Барибир элу юрт хизматидасиз.
Нечун ўкинасиз, шундай экан, бас,
Сиз аскар қалбининг энг қатидасиз.

Шодон яшайверинг, ўзингиз суйган –
Мұхаббат қўшиғин барадла айтиб.
Қизлар ҳам аскарлик либосин кийган,
Суронли у кунлар келмасин қайтиб.

Садоқатда танҳо аёллар

Келдим қанча тоғу тош ошиб,
Тошқин дарё мисоли тошиб,
Мадхингизни куйларман жүшиб,
Эй, сиз гүзәл, зебо аёллар,
Латофатда танҳо аёллар.

Күзларингиз тонгдайин гүзәл,
Сүзларингиз нақ болу асал,
О, табиат яраттан ғазал -
Күкда ою, Зухро аёллар,
Назокатда танҳо аёллар.

Тарих ичра дурдоналарим,
Тұмарисдек мардоналарим,
Фарзандига парвоналарим,
Эй, сиз меҳри дарё аёллар,
Саховатда танҳо аёллар.

Сиз-меҳрибон онажонларсиз,
Сингиллару опажонларсиз,
Садоқатли ёру жонларсиз,
Эй, сиз ақли расо аёллар,
Мұхаббатда танҳо аёллар.

Уйимизнинг саришталари,
Кўнглимизнинг фаришталари,
Умримизнинг жон ришталари,
Эй, соҳиби ҳаё аёллар,
Садоқатда танҳо аёллар.

Сиз бирла шод кезиб чаманни,
Фидо айлаб жон бирла танни,
Яшнатайлик озод Ватани,
Эй, таърифи дунё аёллар,
Омон бўлинг, доно аёллар.



Онаажон

Болалик чоғим ўтган ҳовлимга кириб борсам,
Софинчлардан сарғайған гулларга назар солсам,
Хаёлларга берилиб, бир нафас ўйга толсам,
Күнглим уйи ногаҳон бузилади, онаажон,
Сизни құмсағ юрагим эзилади, онаажон !

Бизга жаннат эди-ку Сиз юрган чанғ күчалар,
Қани энди Сиз ёпған табаррүк нон, кулчалар,
Дийдорингиз соғиниб уйқу келмас кечалар,
Күз ёшларим маржондек тизилади, онаажон,
Сизни құмсағ юрагим эзилади, онаажон !

Эвоҳ, нечун бунча тез ўтди ул азиз дамлар?
Сиз билан бу дунёда билинмас эди камлар,
Сизсиз бугун қалбимни ўртар аччиқ аламлар,
Пешонамга ажинлар чизилади, онаажон,
Сизни құмсағ юрагим эзилади, онаажон !

Опам юзида күргум ойдайин юзингизни,
Синглимда-чи, қора қош, нур тұла күзингизни,
Лек излаб тополмасман меҳрибон ўзингизни,
Нигоҳларим дарбадар кезинади, онаажон,
Сизни құмсағ юрагим эзилади, онаажон!

Кенг ҳовлида түй бўлар, мен-чи, ўйга толурман,
Бедор кезган руҳингиз ногоҳ сезиб қолурман,
Одамлардан пинҳона йиғлаб-йиғлаб олурман,
Ич-ичимда нимадир узилади, онаажон,
Сизни құмсағ юрагим эзилади, онаажон!

* * *

Сенинг қалбинг само каби кенг,
Орзуларинг — ойдин ой қадар.
Меҳринг гүё бир қүёшга тенг,
Туйғуларинг — бир дунё қадар.

Бутун борлик, бу чексиз хилқат
Юрагингдан топмишдир макон,
Шунчалар кенг қалбингта фақат,
Сиғдирмассан сен мени ҳамон.



**ҚУЁШ БҮЛІБ ПОРЛАР
МЕХРУ ОҚИБАТ**



Ёмондир

Бу оламда не ёмон, эй ёронлар?
 Дўсту ёрсиз ўтган ҳаёт ёмондир.
 Ё дўстингман, дея юрган кимсалар
 Бахтинг кўриб бўлмаса шод, ёмондир.

Гоҳ юрагинг аламларга тўлганда,
 Ҳолинг сўраб ошинолар келганда,
 Ҳатто бегоналар ҳамдард бўлганда,
 Ўз жигаринг бўлса гар ёт, ёмондир.

Огоҳ бўлгил, ёрга етдим, деганда
 Ҳижронлардан буткул ўтдим, деганда
 Орзуимга энди етдим, деганда
 Бахт-иқболинг бўлса барбод, ёмондир.

Бу дунёни бевафо, деб атарлар,
 Кимлар бахтли, кимлар бахтсиз ўтарлар,
 Ўткинчиидир барча хавфу хатарлар,
 Ҳаммасидан сўнгги фарёд ёмондир.

Зикрилло дер: қалбни асраб риёдан,
 Малҳам қўйинг унга меҳригиёдан.
 Инсон яшаб ўтса-ю бу дунёдан,
 Қолмаса гар ундан бир от, ёмондир.



Юрак санчиғи

Юрак, күксимдаги содиқ сирдошим,
Айттыл, нечун санчиб қолдинг ногаңон?
Чексиз бу оғриқдан тирқираб ёшим,
Күзимга тор бўлиб кетди-ку жаңон!

Туғилган онимдан танамда жосан,
Сен - менинг ҳаётим, умрим меҳвари.
Үзинг муштдайсану чексиз дунёсан,
Эй жисму жонимнинг ноёб гавҳари.

Нелар изтиробга солди, айт, бу он?
Не боис бунчалар түшдинг ларзага?!
Биламан, бир умр сен бўлдинг нишон
Тақдир менга берган ҳар бир зарбага.

Сүйганим васлига етолмай илк бор,
Айрилиқ домида қолганим онлар
Хижрон азобида сен чекиб озор,
Дилгинам, илк бора ютгандинг қонлар.

Оғир дард туфайли онаизорим
Бу ёруғ оламни этганида тарқ,
Мен зор-зор бўзладим, сен-чи титрадинг,
Мисли довулларда қолган мискин барг.

Орадан олти ой ўтиб ё ўтмай,
Айрилдим меҳрибон падаримдан ҳам.
Гүё жон риштаси чирт узилгандай,
Қалбим, инграб дединг: “Оҳ, бу қандай фам!”

Йиллар ўтган сайин улгайиб бордим,
Улгайиб борди фам-ташвишларим ҳам.
Қалбим, фақат сенга күнглимни ёрдим,
Сирларимни сен-ла кўрдим мен баҳам.

Гоҳо чин дўстингман, дея юрганлар-
Пайт пойлаб ханжарин санчганда ортдан.
Ногаҳон илонга дуч келган қушдай
Қалбим, қалқиб тушдинг бу хиёнатдан.

Шаънимга айтилган бир туҳматли сўз
Мени аросатда этганда сарсон,
Аёвсиз бу бўхтон бўрони, шаксиз,
Сенинг дунёйнгни этгандир вайрон.

Бу ёруғ оламдан не-не дўстларим
Бемаҳал кетганда, мен чеккан ғамлар
Жисмингга чақмоқдай урилиб тайин,
Сени тилка-пора этган у дамлар.

Умр оқаверди дарёдай сим-сим,
Қайғу келса йиглаб, шодликда куйлаб.
Аммо дунёдаги энг содиқ дўстим,
Юрак, сенинг қадринг кўрмабман ўйлаб.

Ўзгага бахш этиб кулгуларимни,
Сенга берганларим бўлмиш фақат ғам.
Асрабману ноёб туйгуларимни
Қалбим, асрарамбман сени сира ҳам.

Энди ўйлаб кўрсам, муштдай бошингта
Бир дунё ташвишни солиб қўйибман.
Тағин таҳсин айтмай сабр-дошингга,
Нечун санчдинг, дея нолиб турибман?!

Бугун кўзларимни очиб қўйдинг сен,
Юрак - садоқатда ёлғиз- яккашим.
Мени огоҳликка чорлаб қўйдинг сен,
Шарт экан энг аввал сени асрарашим.

Чунки ҳали орзу-умидларим мўл,
Ҳали бу ҳаётдан кўп ахир ҳаққим.
Нурли манзилларга ўзинг бошла йўл,
Ярим йўлда қолиб кетмайлик, қалбим!



Күзгүндай ёприлиб келса-да қайфу,
Барчасин енгмоқقا бер менга имкон.
Сендан ёлғиз ўтингч, илтимосим шу -
Фақат, қайта санчиб қолма, юракжон!

Мен сени, сен мени асрайлик энди,
Ўзни тог мисоли бардам тутайлик.
Эзгулик қүёшин соғиниб мангу,
Мунаввар тонгларни хуррам кутайлик!

Барча шодликлар-у, ташвишлар ўтар,
Юрак, ўзингсан-ку, содиқ сирдошим.
Шунча эрта ботган қүёшлар етар,
Фақат бевақт ботма, умр қүёшим!

Бир юрак санчиғи баҳона бўлиб,
Мен бир ҳақиқатни англадим бугун.
Сабот-бардошига бутқул тан бериб,
Юракка таъзимлар айладим бугун.

Токим, юрагингиз санчиб қолмасдан,
Сиз ҳам бу туйғуни англангиз, дўстлар,
Кўксингизда турган, қалб деб аталган
Буюк дўстингизни асрангиз, дўстлар!



От мингандар

От мингандар, ортингизга қараб қўйинг,
Келмоқдами изингиздан эл эргашиб?
Келмоқдами мағур тутиб қадди-бўйин,
Фаму ташвиш залворидан ё энгашиб?!

Пиёдалар аҳлига бир ташланг назар,
Улар ичра балки сиздан улуғлар бор.
Аммо яёв юрмоқликдан қилмай ҳазар,
Тупроқ кечиб келишгайдир улар хоксор.

От мингандар, ортингизга қараб қўйинг,
Алпомишлар ўтган ахир зотингиздан.
Йўлда ногоҳ йиқилганни суюб қўйинг,
Ахир тушиб қолмагайсиз отингиздан!

Унутмангки, олимлар бор, шоирлар бор,
Устозлар бор пиёдалар орасида.
Улар сизга баҳт берган шу юрт тупроғин
Асраб келар кўзларининг қорасида.

От мингандар, сизлар балки беш, ўнтасиз,
Аммо юз минг, миллиёттадир пиёдалар,
Улуғворсиз кимхоб чопон, тўнларда сиз
Камтарликдан топгай қадр пиёдалар.

От мингандар, сиз - Эзгулик маёғидай,
Келажакка бошланг элнинг яёвларин.
Аммо зинҳор отларингиз туёғида
Пайҳон этиб қўйманг қўнгил яйловларин.

От мингандан отасин ҳам тан олмаган,
Нокасларга орангизда қолмасин жой.
Шунда сизни Оллоҳ ўзи ёрлақагай,
Бошингизни тарқ айламас асло Ҳумой.



От минганлар, танти бўлинг, қилманг ўйин,
Тега кўрманг пиёдалар асабига!
Бир кун сиз ҳам отдан тушиб қолгач, кейин
Кўшармикин улар Сизни ўз сафига?!

От минганлар, ортингизга қараб қўйинг!

Ойнинг ўн беши ...

О, қалбим, қўй бунча зардобга тўлма,
Бағрингни тилса-да чаёнлар ниши.
Гар ойнинг ўн беши қоронғу бўлса,
Ахир ёруғ бўлар қолган ўн беши.

Ҳар кимнинг қилмиши, тақдир китоби,
Фурсат келиб, бир кун албат ўқилгай.
Шундай нақл бор-ку халқда азалдан:
Бирорга чоҳ қазган, ўзи йиқилгай.

Менга қасд айлаган, эй номард ғаним,
Чуқурроқ қазийвер, майли, чоҳингни.
Токи унга ўзинг қулар маҳалинг,
Хеч ким эшишмагай чеккан оҳингни!

Сабрли бўл...

Сабрли бўл, дўстим, агар бировлар
Нону насибангни тия қилсалар,

Булбулни зор кутган гўзал боғингда
Зофу зағизонлар уя қурсалар.

Бахтинг кўролмаган бахти қаролар
Ҳасад ичра куя-куя юрсалар.

Табиат бағрига чиқ, кўнглингни ёз,
Аламлар бағрингни ўяверсалар!

Лек шунда ҳам ором топмас ҳисларинг,
Табиат дардларин тия олсалар.

Лол қолурсан, ахир, кўм-кўк водийлар,
Чўл бўлмасму пайҳон қиласалар.


Айтинг, қуш зотига қирон келмасму,
Ҳар қадамда тузоқ қўяверсалар?!

Бедана, каклигу хушхон булбулни
Шўрва, кабоб учун сўяверсалар.

Оқибат қоларму, ахир, инсонлар
Мехрга кўл силтаб қўяверсалар?

Молу дунё учун оға инилар,
Бир-бирларин кўзин ўяверсалар.

О, одамзот кўзи қачон тўяркан
Тия қани дейди, бия берсалар?



Күрдим демай барин ямлаб құяркан,
Яна борми дейди, түя берсалар.

Бу не ҳол деб, ёниб-куярсан, қалбим,
Вужудингни эзар чексиз ларзалар.

Сен уларни диёнатта чорлай бил,
Хаттоки бошиңгта қилич қўйсалар.

Умидвор бўл, умидли бу дунёда,
Қор остидан унгай бир кун майсалар.



Яхши отниңг қисмати

(Замонавий эртак)

Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга минг қамчи.
Минг қамчи урсанг, қонлар
Томмасми томчи-томчи?!

Яхши отга бир қамчи,
Ёмонига минг қамчи.
Ёмон от яхши бўлар-
Деган ҳислар алдамчи.

Яхши отга қамчининг
Йўқдир зинҳор ҳожати.
Бир «чух» десанг еру кўк –
Аро елдек учади.

Ёмон отга-чи, ҳатто
Кам эрур минг қамчи ҳам.
Йўлга сололмас уни
Минг қарич арғамчи ҳам.

Яхши отга яхши деб,
Тиним бермайдилар ҳеч.
Ёмон от-чи, емин еб,
Ётаверар эрта-кеч.

Сафарларда яхши от
Содик ҳамроҳ бўлгайдир.
Овга чиқилса ҳар вақт
Хавфдан огоҳ бўлгайдир.

Пойгаю кўпкарида
Яхши от балогардон.



Ёмон от-чи, яйловда
Яйраб юрар шод-хандон.

Хўпу, чала хўпга ҳам
Яхши отни тортарлар.
Энг зил-замбил юкни ҳам
У шўрликка ортарлар.

Ҳатто жувоз қўшишга
Яхши от яраб қолар.
Ёмон от эса кишинаਬ,
«Тиржайиб» қараб қолар.

Чопа-чопа яхши от
Озиб кетгайдир чўпдек.
Ёмон от эса, ҳайҳот,
Семириб борар тўпдек.

Баъзида от эгасин
Йўқлааб келар дўстлари.
Уларнинг ҳам отларга
Ишқибоздир кўплари.

Улар гоҳо қизиқиб
Отхонани ўрашар.
«Энг зўр отинг қайси?» — деб,
Чавандоздан сўрашар.

Чавандоз ориқ отин
Кўрсатишга ор этар.
Энг зўр отим шу дея,
Семиз отин кўрсатар.

Ҳаёт қизиқ-да, дўстлар,
Қаранг бу «илтифот»ни.
Бирор ишлаб, бошқалар —
Олгай гоҳ мукофотни!

Мангу армон

*Волидаи мұхтарамам – Ҳожибиби Тұхта
қызининг порлоқ хотирасига бағишлайман.*

Энди менинг бу дунёда яшамогим қийиндир,
Йигит умрим, ёш вужудим — яшин урган қайиндир,
Сүнгти чоғ ҳам армон билан кетмоғлигим тайиндир,
Энди асло мен ўзимга келолмагум, онажон,
Сүнгти дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!

“Ҳеч хавотир олма мендан, соппа-соғман, болажон,”
Икки энлик хат ёзсанг бас, фақат етиб борган он!“-
Дея маъюс жўнатдингиз, бошим силаб бедармон,
Мактуб битдим, аммо жавоб ололмадим, онажон,
Сүнгти дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!

Адашдими ҳамшира қиз, ё кўр тақдир адашди,
Энг ҳақ маъво фалак бўлса, фалак ҳам бир адашди,
Мунисгинам, умрингизда қай бир таъбир адашди,
Эвоҳ, нечун бундоқ бўлди, билолмадим, онажон,
Сүнгти дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!

Оҳ, шум қисмат, золимлигинг айт бундан ўтарми?!
Фарзанд бемор онасин ҳам ташлаб олис кетарми?!
Бир мен билан бу Дунёнинг ташвишлари битарми?!
Сиз зор бўлиб кўз тутганда келолмадим, онажон,
Сүнгти дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!

Йиллар ўтар.. қабрингизда унгай гулу чечаклар,
Софинчларим мени ҳар гал шу масканга етаклар,
Сизни қўмсаб, юрагимга илашгайдир печаклар,
Ўлар чоғ ҳам мен тинчгина ўлолмагум, онажон,
Сүнгти дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!



Отажон

Сервиқору салобатли тоғларга боқиб,
Сизни әслаб, соғинчларга түлдим, отажон.
Яшнаб турған саховатли боғларга боқиб,
Юрагимда меҳрингиз ҳис қылдим, отажон!

Биз ниҳолу, сиз меҳрибон боғбон эдингиз,
Бизни ўйлаб, эртаю кеч гирён эдингиз,
Биз шод әсак, сиз ҳам шоду хандон эдингиз,
Сизсиз бу дам на ўйнаб, на кулдим, отажон!

Бу дунёning жумбоқлари бағримни эзур,
Умрингиз дард ила ўтди бетинч, беҳузур,
Шўхликлару, эркаликлар учун минг узр,
Ота бўлгач, ота қадрин билдим, отажон!

Оҳ, айрилиқ дарди оғир, қалбни қақшатар,
Ота, мени қариндошлар сизга ўхшатар,
Дерлар: ота бўстонини фарзанд яшнатар,
Бу оламда мен сиз бўлиб қолдим, отажон!

Сиз яратган бўстонларнинг ҳавоси бўлак,
Сиз-ла ўтган хуш онларнинг сафоси бўлак,
Зикрилло дил армонларин навоси бўлак,
Сизни қўмсағ, юрак-бағрим тилдим, отажон!

Синфдошларимга

Салом, эй қадрдон синфдошларим,
Болалик чоғимдан чин сирдошларим.
Бугун қайлардасиз, соғ-омонмисиз,
Эй, менинг қоракүз, қаламқошларим.

Бир айвон шифтида яшаб неча йил,
Сүнгра учеб кеттән қалдирючларим.
Күзим осмонидан сизни соғиниб,
Маржондек сочиулур соғинч ёшларим.

Эсимдадир мактаб, ёруғ дарсхона,
Юлдуздек чаңнаган ўттиз жуфт қароқ.
Меҳрибон устозлар бўлиб парвона,
Дунё сирларидан берарди сабоқ.

Оҳанрабо эди ул нурли макон,
Ҳар кун кучогига яйраб қатнардик.
Ўқиб олим бўлиб қолгандек шодон,
Ажиб ҳислар ила уйга қайтардик.

Баъзан қизлар ила пинҳон сўзлашиб
Қалбда илк муҳаббат тафтин сезардик.
Ойдин орзуларнинг осмонин кўзлаб,
Хаёл дарёсига шўнгиб кетардик.

О, қанийди ўшал бегубор онлар
Бир зумгина ортга қайта қолсайди.
Биз ўшал - беташвиш, шўх болажонлар
Яна бир зум бирга бўла олсайдик..

Оҳ, бунча тез ўтди ул ширин дамлар,
Умр - тошқин дарё, деганлар ҳақдир.
Сўнг сўнгги қўнғироқ.. Палахмон тошдек-
Бизни ҳар тарафга иргитди такдир.

Яшаш-чун курашдан асло толмадик,
Не күйга солса-да, қисмат беомон.
Неча йиллар бўлди, учрашолмадик,
Азиз сирдошларим, бормисиз омон?!

Бугун сизни излаб, учгим келади,
Эй, қалби баҳордек бокираларим!
Топиб ҳар бирингиз, кучгим келади,
Эй, бахтли болалик хотираларим...

Ўтмиш

Фазабим қайнайди ўргатса бирор
Ўтган кунларингни унугтил! — дея,
Ўтмишни эслашдан наф бори бир ров,
Фақат келажакка кўз тутгиш! — дея.

Ахир, хайрлидир мозийга қайтмоқ,
Ўтганлар ҳақида эзгу сўз айтмоқ.
Улуғ боболарнинг номин ёд этмоқ,
Ватан ичра бедор руҳин шод этмоқ!

Дўстларим, ўтмишни унуманг зинҳор,
Ўтмишда аждодлар хотираси бор!
Одамзот ўтмишни унугтан чофи,
Хира тортиб қолгай ақл чироги.

Сүнгти құнғироқ

Яна сенинг таниш, азиз овозинг
 Қалбим торларига келиб урилди.
 Ідімга тушди-ю болалик чөим,
 Ногаңон күзимдан ёшлар қуилди.
 О, сүнгти құнғироқ, сүнгти құнғироқ,
 Хотирамда мангу ёқылган чирок!

Недан бу-қалбимда ёнган лахча чүр,
 Недандир күзимнинг ёшланишлари?
 Сүнгги құнғироқ бу-сүнгимас, йўқ, йўқ,
 Бу ҳали ҳаётнинг бошланишлари.
 О, сүнгти құнғироқ, сүнгти құнғироқ-
 Юракларда ёнган ҳаяжон, титроқ!

Дунёда ўқувчи бўлмаган ким бор,
 Ким таъзим қилмаган азиз устозга?!
 Бўлгум деб лочиндеқ учқур, шиддаткор,
 Кушлар ҳам чоғланар илк бор парвозга.
 О, сүнгти құнғироқ, сүнгти құнғироқ-
 Қалбларни парвозга бошловчи маёқ!

Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!
 Оқ йўл тилаб қолар мактаб, устозлар.
 Порлоқ келажакнинг осмонларида
 Биз сизга тилаймиз юксак парвозлар!
 О, сүнгти құнғироқ, сүнгти құнғироқ,
 Жарангдор сеҳрингдан этсанг-чи огоҳ!

Энди сизни чорлар юксак довонлар,
 Залворли чўққилар чорлар бетиним.
 Ҳали олдиндадир кўп имтиҳонлар,
 Борурсиз дилда түф- сабоқ ва илм!
 О, сүнгти құнғироқ, сүнгти құнғироқ,
 Нурли манзилларга чорлайвер ҳар чоқ!

Қалбим ёмғирлари...

Қалбим ёмғирлари - дил түгёнларим,
Билмадим, мен қандай яшардим сизсиз.
Ойнинг ўроғидек, бағрим ҳам ярим -
Ёмғирсиз кўкламга ўхшардим сизсиз.

Ёмғирсиз баҳорлар эса хавфлидир,
Чаманлар яйрамас, қушлар сайрамас.
Осмон ёмғирлари бирла файзлидир,
Кўқдан дур томмаса, замин яшнамас.

Тўлиб тураг экан кўнглим осмони,
Чақмоқлар чақилар, ёмғирлар қуяр.
Гулга буркасам дер бутун дунёни,
Қалбим ёмғирлари чамани суяр.

Қалбим ёмғирлари, ёғингиз майин,
Томчингиз борлиққа шамнамдек инсин.
Биллур томчилардан завқ олган сайин,
Дилларда эзгулик майсаси унсин!

Қайтар дунё бу

Дунё талашмагил мен билан, дўстим,
Сендан ҳам, мендан ҳам ўтар дунё бу!
Биздан адовату аразларнимас,
Мехру вафоларни кутар дунё бу!

Күёйдан ибрат ол, жилмайиб яшар,
Дилда бор меҳрини борлиққа сочар,
Сен ҳам қўёш каби севолсанг агар,
Яйраб пешонангдан ўпар дунё бу!

Бирорга чоҳ қазмоқ - нодонлар иши,
Дерлар: заҳар солмоқ - чайнлар иши,
Жафо қилса, жазо топгай ҳар киши,
Азалу абаддан қайтар дунё бу!

Арпа экиб, буғдой ўрмаган ҳеч ким,
Кетганинг қайтганин кўрмаган ҳеч ким,
Бу дунёга устун бўлмаган ҳеч ким,
Бир кун яқомиздан тутар дунё бу!

Яхшидир ортингдан яхши от қолса,
Хикматларинг мангу барҳаёт қолса,
Инсоний номингдан бир исбот қолса,
Сени мангуликка элтар дунё бу!

Адаштирма

Умр бўйи ҳақиқатнинг йўлин тутдим,
Жондан суйиб адолатнинг қўлин тутдим,
Мехр қўйиб, меҳробингнинг поин ўпдим,
Оллоҳим, пок иймонимдан адаштирма!

Майли, тонглар бўзтўрғайдек бўзлаб ўтай,
То тирикман, элим баҳтин куйлаб ўтай,
Ўз дардимни, ўз тилимда сўзлаб ўтай,
Мени ширин забонимдан адаштирма!

Нигоҳларим — мангу сўнмас чироф этгил,
Гуноҳ қиласам, майли, мени сўроғ этгил,
Ҳар номарду нокаслардан йироф этгил,
Фақат дўсту ёронимдан адаштирма!

Майли тинчу оромимдан жудо бўлай,
Ўзга юртда шоҳмас, юртда гадо бўлай,
Бўлсам, фақат шу юрт учун фидо бўлай,
Мени боғу бўстонимдан адаштирма!
Она-юртим -маконимдан адаштирма!



Бободеҳқоним

Субҳидам самода зиё уйғонар,
Зиёга чулғониб дунё уйғонар,
Зиёлардан аввал, дунёдан аввал
Қүёшдек улуг бир сиймо уйғонар.
Бу бизга ёшлиқдан, болалик чоғдан
Жондек азиз бўлган бободеҳқоним!

Яшнатиб азалдан ота маконни,
Едириб, кийдирган кўхна Туронни,
Замин минг айланиб, фалак айланиб,
Тополмас сенчалик фидойи жонни.
Эй, она заминдан, она-тупроқдан
Зар ундириб келган бободеҳқоним!

Суюндинг буғдойинг ёмғирлар чайса,
Куюндинг бир гўзанг нохос сарғайса,
Сен учун фарзанддек азиздир ҳар он
Далангда бўй чўзган ҳар ниҳол, майса.
Қолмасин деб далам, дўлу чақмоқда
Жони ҳалак бўлган бободеҳқоним!

Эрта-кеч қўлингдан тушмас кетмонинг,
Мўл ҳосил яратмоқ орзу- армоннинг.
Қушда тиним борки, сенда тиним йўқ,
Қачон ором олгай бу азиз жонинг?!
Буғдой бошоғида, оппоқ чаноқда
Орзулари кулган бободеҳқоним!

Заршунос ўзингсан, заргар ўзингсан,
Заминдек хокисор, камтар ўзингсан.
Ниятинг - дунёни нурга белашдир,
Пахта фронтида аскар ўзингсан.
Хирмони ой билан тенглашган чоғда
Кўзларни ром этган бободеҳқоним!

Кел, бугун мадҳингни тааринум этай,
Ҳазрати инсоним, деб таъзим этай.
«Оқ олтин» яратган, ризқ-рүз яратган
Қадоқ құлларингни күзимга суртай.
Зикрилло дер: мангу бор бул, ардоқда
Дүнёни лол эттан бободеңқоним!

Мехру оқибат

Бу оламни садоқатта чорлар меҳру оқибат,
Күнгилларни күнгилларга боғлар меҳру оқибат,
Умр тошқин дарё мисол сим-сим оқиб ўтадир,
Фақат мангу қүёш бўлиб порлар меҳру оқибат.

Ярашгайдир бир-биrimiz ардоқласак, сизласак,
Күнгиллардан меҳру вафо торларини узмасак,
Борлиқ аро бу туйгуниң қиёсини изласак,
Тоғлар меҳру оқибатдир, боғлар - меҳру оқибат.

Садоқати сезилгайдир ҳар инсоннинг кўзидан,
Тонг отгани сезилгандек кўкда тонг юлдузидан,
Оқибатсиз бўлса гар ким, сўнгра кўрсинг ўзидан,
Жафо қилсанг, юракларни доғлар меҳру оқибат.

Оқибатдир камолотга етказгувчи инсонни,
Оқибатсиз кимсадан ҳеч кутманг лутғу эҳсонни,
Зикрилло дер: асрарнг меҳру оқибатли инсонни,
Оқибатсиз қолса одам, йиғлар меҳру оқибат!



Вафо боғлари

Оҳиста уйғонар тонгда зиёлар,
Шивирлаб эсгайдир савти саболар,
Яралгайдир қалбда дардчил наволар,
Қадрига етинг деб ёшлиқ чоғларин-
Умр гулбоғларин, вафо боғларин.

Омонатдир гулнинг шабнами, боли,
Фаниматдир ёрнинг гулгун висоли,
Елга соврулмасин хазон мисоли,
Ёрга бахш этайлик ишқ гулбоғларин-
Навобахш этайлик вафо боғларин!

Севсак, бир булбулдек ёниб севайлик,
Шубҳа-гумонларни дилдан қувайлик,
Кел, ёрим, бир умр бирга бўлайлик,
Дилдан қувиб буткул ҳижрон доғларин,
Сайр этайлик, эркам, вафо боғларин!

Гулгун шаробингдан қуйгил, эй соқий,
Умр ўткинчидир, муҳаббат - боқий.
Сўнгги пушаймонда ёнмайлик токи,
Хазонга юз тутмай сафо боғлари,
Дўстларим, асрэйлик вафо боғларин,
Қадрига этайлик ёшлиқ чоғларин!



Оқибатсиз дүстдан арасасин

Дүстим, сенга фақат омад тиларман,
Күёш каби бокий бир баҳт тиларман,
Оғир синовларда тоқат тиларман,
Харгиз ёмон күздан Оллоҳ сақласин,
Оқибатсиз дүстдан Худо арасасин!

Бахтли кунларингда кулиб тургувчи,
Кўйнингда илондек бўлиб юргувчи,
Иши битгач, сендан юз ўтиргувчи -
Риёкор, беюздан Оллоҳ сақласин,
Оқибатсиз дүстдан Худо арасасин!

Бошингга иш тушса, яқин келмас у,
Садоқат нелигин асло билмас у,
Чоҳга йиқилсанг-да парво қилмас у,
Бераҳм, беҳисдан Оллоҳ сақласин,
Оқибатсиз дүстдан Худо арасасин!

Оқибатсиз дўстлар бошга балодир,
Номард дўстдан, мард душман минг аълодир,
Дўсти содиқ излаб бағрим ёнодир,
Хосиятсиз куздан Оллоҳ сақласин,
Оқибатсиз дўстдан Худо арасасин!

Болаликнинг шўхликлари

Қани менинг ялангоёқ чопган чоғларим,
Болалигим кенгликлари, гўзал боғларим?!
О, беғубор орзуларим — дил ардоғларим,
Йиллар ўтиб борган сари сизни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

Қий-чув қилиб кўп тинчини бузганларимиз,
Анҳорларда балиқ бўлиб сузганларимиз,
Оқшомгача кўча-кўйда кезганларимиз,
Қалбларимиз ёқдан ажиг ҳисни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

О, у дамлар мисли қанду новвот эдилар,
Мехрибоним ота-онам ҳаёт эдилар,
«Эҳтиёт бўл, йиқилмагин, болам!» — дердилар,
Болам деган, ўшал азиз сўзни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

Бу ҳаётда кўп йиқилдим, кўп бор лат едим,
Дўстман деган, душманлардан гоҳо панд едим,
Эзгуликнинг йўлларида мудом банд эдим,
Гоҳ суюндим, гоҳ куюндим, гоҳо оғриндим,
Болаликнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

Орзуларнинг оғушида учар эдик масти,
Минг афсуски, у кунларни қайтариб бўлмас,
Фақатгина эслаш мумкин ёниб бир нафас,
Юрагимга хотиротдан бир байроқ илдим,
Болаликнинг шўхликлари, сизни соғиндим.



Суянч

Суянчсиз нарса йўқ дунёда асли,
Суянчиз эмасдир ҳаттоказ олам.
Токи яшар экан одамзод насли,
Дунёниг суянчи одамдир, одам!

Камтар қоялардир, камтар қоялар
Магрур чўққиларни тургувчи суюб.
Ахир бўлмагандаг мазмун-ғоялар,
Шеърият тоғи ҳам кетарди қулаб.

Чақмоққа суянчдир шиддат, гулдирак,
Шиддатга суянчдир бир зумлик имкон.
Дунёда суянчнинг чеки йўқ, бироқ
Энг яхши суянчдир инсонга инсон!

Мени ҳам сүёвчи тоғларим каммас,
Аммо юрагимни ўрттар ўзга дард.
Одамзод суянчта ишониб эмас,
Ишончга суяниб яшамоги шарт!

Илтижо

Ота-онам кетди фано қўйнига,
 Тан бермай на илож тақдир ўйинига,
 Фарзандлик бурчим кўп ҳали бўйнимда,
 Имкон бергил уни оқлайин, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.

Тонг-саҳарлаб қилгум сенга илтижо,
 Ёлғиз қиблагоҳим ўзингсан, Худо!
 Мени севар ёрдан этмагил жудо,
 Азиз дилдоримни асррагил, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.

Икки ўғлим эрур икки қанотим,
 На-да қанот, балки умрим, ҳаётим,
 Уларсиз бекордир шеъру баётим,
 Икки шунқоримни асррагил, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.

Кизим-ку, дунёда якка-ёлғизим,
 Сочи-ла супургай ҳар босган изим,
 Умрим осмонида порлоқ юлдузим -
 Нозик туморимни асррагил, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.

Дўсту қадрдоним мўлдир, шубҳасиз,
 Улар борки, умрим тотли ва лазиз,
 Мен учун умрбод меҳрибон, азиз,
 Дўсту ёронларим асррагил, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.

Сендан ҳар инсонга умр тиларман,
 Ҳар тонг бу оламга мен нур тиларман,
 Дунё тинч бўлсин деб нидо қиларман,
 Озод диёримни асррагил, Тангрим,
 Ўзинг паноҳингда сақлагил, Тангрим!.



Мұҳаммад Юсуф

Охулару жайронларга оға тутиңган,
Юқинса ҳам фақат элу юрга юқинган,
Сайёдлардан қоча-қоча, оқир, тутилған —
Ярадор бир кийик экан Мұҳаммад Юсуф.

Шеърлар битиб дарди дилин деңгиз этди у,
Нечә-нечә ҳофизларни юлдуз этди у,
Ишқни құйлай-құйлай, охир күйіб кетди у,
Бунча бағри куюқ экан Мұҳаммад Юсуф.

Қисқа экан умри мисли лолақызғалдоқ,
У кетдию, бутун бир халқ чекиб қолди ох,
Ҳамон үчмас юраклардан бу аламли доғ,
Элга шунча суюқ экан Мұҳаммад Юсуф.

Ногоҳ осмон титраб, ғамдан әнкайиб қолди,
Шеърият ҳам маңыс тортиб, мунғайиб қолди,
У эса жим, жаннатларга томон йўл олди,
Шунча содда, буюқ экан Мұҳаммад Юсуф.

Уни ўлган дейишидан дил безиб турибди,
Күшиқлари юракларни эзіб турибди,
Алёрлари эл-юрга ичра кезиб юрибди,
Демак, мангу тирик экан Мұҳаммад Юсуф.

Қалбингда бўлса

Кўзларингдан ҳеч сўнмас зиё,
Онанг меҳри қалбингда бўлса,
Кам бўлмассан дунёда асло,
Отанг меҳри қалбингда бўлса.

Орзуларинг гуллаб-яшнайди,
Андуҳларинг кўзин ёшлиайди,
Омад сени йўлга бошлайди,
Боланг меҳри қалбингда бўлса.

Дўст-ёрларинг ҳамнафас бўлар,
Душманларинг хору хас бўлар,
Ўғлонларинг забардаст бўлар,
Халқинг меҳри қалбингда бўлса.

Тиз чўккайдир пойингта дунё,
Куёш каби боқийсан гўё,
Эй, дўст, номинг ўчмагай асло
Ватан меҳри қалбингда бўлса.



Ажиб дунё

Ажиб дунё экан бу дунё,
Ярми чиндир, ярмидир рүё.
Еру само оралигинда
Күшдек учиб юрибмиз гүё.

Ажиб дунё экан бу дунё,
Ярми зулмат, ярмидир зиё.
Кимдир баҳтдан яшар тиниқиб,
Ким дардига излайдир даво.

Ажиб дунё экан бу дунё,
Ким сокин, ким булбулигүё,
Тонглар гүзәл оламга боқсанг,
Умр бокий туюлар гүё.

Ажиб дунё экан бу дунё,
Умр - гүзәл, бир гулу раъно.
Келдинг не-ю, ё кетдинг нима?
Гар умрингдан қолмаса маъно!

Изламанг

Мен ҳамиша заминдаман, эл билан,
Осмондаги ойдан мени изламанг.

Гоҳ тофу тош, гоҳо баланд қирдаман,
Тубанлик бор жойдан мени изламанг.

Отсам, ўзни оттум тошқин дарёга,
Кўлмакланган сойдан мени изламанг.

Кўнглим гулдир, ифор сочар дунёга,
Бадбўй, балчиқ лойдан мени изламанг.

Номардлар аҳлига меҳмон бўлмасман,
Шама келса, чойдан мени изламанг.

Зикриллони изланг вафо боғидан,
Садоқат йўқ жойдан мени изламанг.

Эркин Воҳидов маслаҳати

Дунёда икки хил шеър бордир, укам,
Бири- гуллардай пок, башорат монанд.
Иккинчиси эса — назм боғида
Минғирлашиб юрган ҳашорот монанд.

Сен асло ранжима! Билсанг гул қадрин
Кўпроқ экавергил башоратлардан !
Вақт келиб, экканинг шу гуллар атри -
Боғни халос айлар ҳашаротлардан.



Күнгил қолмасин

Күл ё оёқ синса тузалгай бир кун
Дарз кетган белни ҳам даволаш мумкин.
Меҳр кўзгусига дарз кетиб, лекин
Беғубор дилларга ҳеч гард қўнмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Дийдорнинг ғанимат эканин англанг,
Дўсту ёрлар изин тўтиё айланг,
Кўзнинг қаросидай асраб-авайланг,
Қалблардаги меҳр ўти сўнмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Ақлнинг ўрнини жаҳл олса гоҳ,
Вужудингиз ғазаб ичра қолса гоҳ,
Қабоҳат лашкари қутқу солса гоҳ,
Адолат лашкари доғда қолмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Кимнингдир сўzlари синса-да, синсин,
Айрилиқ музлари синса-да, синсин,
Кўзмунчоқ кўzlари синса-да, синсин,
Аммо қалб дарз кетиб, ҳеч ўксинмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Умр қадри

Аросатда қолмай, эй аҳли одам,
Дунёнинг Farb ила Шарқини билинг.
Олам сирларини билмасангиз ҳам,
Инсоннинг жонзотдан фарқини билинг!

Ой билан офтобсиз осмон осмонму?
Гул билан райҳонсиз бўстон бўстонму?
Ақлу хуш, одобсиз инсон инсонму?
Кўнглингиз садоси шарҳини билинг!

Макр маъвосининг мақтovлари кўп,
Умр бозорининг чайқовлари кўп,
Сароб сахросининг алдовлари кўп,
Нафс дарёсининг ғарқини билинг!

Умр ғаниматдир, ғафлат эса - дор,
Бедор бўлингиз дер, Зикрилло бедор,
Бемақсад ўтмангиз дунёдан, зинҳор,
Бахтингиз манзилин тарҳини билинг!
Умри азизингиз қадрини билинг!



**О, ОНА ТАБИАТ,
СЕНГА МИНГ ТАЪЗИМ**



Ассалом, Наврўз

Ассалом, Наврўзим - янги йилгинам,
 Халқымдек хокисор, оқ кўнгилгинам.
 Сен келдинг завқларга тўлди дилгинам,
 Оламни яшнатдинг, эй Наврўзгинам!

Сен келдинг, борлиқда уйғониш бўлди,
 Қалбларда ажиди бир тўлғониш бўлди,
 Баҳорий тароват, тенгсиз гўзаллик,
 Булбуллар тилида зўр хониш бўлди.

Наврўзим - дилдаги армоним менинг,
 Олис йўлдан келган карвоним менинг,
 Сен боис юрт обод, эллар омондир,
 Минг йиллик дардларга дармоним менинг.

Кечиргил, гоҳида хор этдик сени,
 Айём деб аташдан оп этдик сени.
 Ниҳоят, тонг отди, очилди кўзлар,
 Энди мангу бор бўл, ёр этдик сени!

Куёш кўк саҳнида гўё бир малак,
 Толлар кокилида ўйнар жамалак.
 Шукроналар айтиб, мадҳингда халқим,
 Қайноқ қозонлардан сузгай сумалак.

Савти саболаринг муборак бўлсин,
 Хушбўй ҳаволаринг муборак бўлсин,
 Эй, Наврўз аталган улуф айёмим,
 Назму наволаринг муборак бўлсин!

О, буюк табиат

Шоир бўлармидим, сени севмасам,
 Гўзал боғларингда бедор кезмасам.
 Ҳар бир гиёҳингни, ҳар бир майсангни
 Тилин тушунмасам, дилин сезмасам.

О, буюк табиат – бағри кенг маъво,
 Эй, меҳру шафқатга лиммо-лим хилқат!
 Оламда бор жонзот, бор мавжудотга
 Онадек меҳрибон ўзингсан фақат.

Кўзим қаросидек асрарман сени,
 Гулгун жамолингга қўйганман ихлос.
 Қобилу ноқобил фарзандларинг бор,
 Дарз кетмасин дейман қалбингга ногоҳ.

Ишон, эй онажон, минг йил ўтса-да,
 Шамдек ўчса ҳамки умрим гулхани.
 Зумрад қўшиқларин куйлаб майсалар,
 Мадҳ этурлар менинг номимдан сани.

Тонглар суури

Саҳарлар тураман, қүёшдан олдин
Булбуллар чаҳ-чаҳи мени уйғотар.
Ҳаммаёқ осуда, борлик тинч-сокин,
Шунчалар сулувдир бизнинг тонготар.

Олисдан кўринар виқорли тоғлар,
Чўққида ялтираб кумушдай қори.
Теграмда ястаниб ётишар боғлар,
Бағрида аллалаб мангу баҳорни.

Қуёш юз кўрсатар, аста чарақлаб,
Юргимнинг нурафшон уфқларидан.
Завқланиб, бош чайқаб қўяр дараҳтлар,
Эрка шаббоданинг шўхликларидан.

Ёруғлик шиддат-ла келар ёприлиб,
Авж ола бошлайди қушлар чуфури.
Юрак ҳаяжондан кетар ҳапқириб,
О, тонглар суури, тонглар суури!

Оlamни чулғайди ажиб бир фусун,
Завқу шавқ бахш этиб ташна дилларга.
Мен бу гўзалликнинг тополмай исмин
Жавдираб боқаман майса, гулларга.

Жамолингга боқиб, тўймагайман, о,
Сокин тонглар юрти — она-маконим!
Саҳарлаб ўзига зеб берган зебо —
Менинг дилбар юртим, Ўзбекистоним!

Гўзал тонгларингни жўшиб куйлайман,
Бутун инсоният — жумла одамга.
Уларга-да, сокин тонглар тилайман,
Эзгулик тилайман бутун оламга!



Булбул келмиш бөгимга

Тонг-саҳарда уйғониб кетдим,
Хаяжондан түлғониб кетдим,
Куйин тинглаб қувониб кетдим,
Булбул келмиш менинг бөгимга.

Мұйжазгина гарчи гулбогим
Дүстга мудом очиқ қучогим,
Оллоҳимга етдими оҳим,
Булбул келмиш менинг бөгимга.

Сайрап бирам яйраб, чах-чахлаб,
Табиатни бутқул лол айлаб,
Шоҳдан-шохга қўниб, гул сайлаб,
Булбул келмиш менинг бөгимга.

Англаб балки юрак дардимни,
Ўзга яқин олиб қалбимни,
Бошлиб балки омад, баҳтимни
Булбул келмиш менинг бөгимга.

Раҳмат сенга, булбули хушхон,
Куйга тўлиб кетди-ку жаҳон,
Мен - дунёда энг баҳтли инсон
Булбул келмиш менинг бөгимга.

Қизғалдоғим

Сой бүйіда қизғалдоқ ял-ял ёниб турибди,
Гүё жажжи қизалоқ яллоланиб юрибди,
Бу оқшом у тушіда адирларни күрибми,
Саҳарлаб ол юзидан күз ёш томиб турибди.

Қизғалдоғим, кийганинг алвонми ё ҳарирми?
Жоним десам, жонингдан андухларинг арирми?
Назокату нафосат, о, шунчалар бўлурми?
Сени кўриб булбул ҳам гулдан тониб турибди.


Қизғалдоғим, бағрингда зағарон гардларинг бор,
Мўжазтина қалбингда айттил не дардларинг бор?!
Бу дунёдан хур бўлиб ўтмоқлик шартларинг бор,
Армонларингни ўйлаб бағрим ёниб турибди.

Қизғалдоғим, ўксима, гарчи умринг қисқадир,
Олов жисминг қуёшнинг ёногидан нусхадир,
Исёнларинг қалбларда мангу қолар ларзадир,
Гўзалигингдан бутун олам қониб турибди.

Атиргул

Эй, сен юрак шаклига кириб,
Чўғдай порлаб турган атиргул.
Бу ҳаётнинг оддий бир сирин,
Англатасан менга ҳар тугул.

Хуш бўйларинг ҳидлаб яйраган-
Бурунлардир мудом димоғдор.
Тиканларинг тирнаб ташлаган-
Кўлнинг ҳолин эслашмас зинҳор.




Тун құшиғи

Ойдин кеча, сеҳрли бир тун,
Само узра ой сочар зиё.
Юлдузларнинг шириң алласин
Тинглаб ором олмоқда дунё.

Қылт этмасдан тинглар бу күйни,
Дов-дарахтлар ботиб сукутга.
Маржон тұла ҳұр осмон күйни,
Оlam гүё чайилған сутга.

О, нақадар гүзал бу оқшом,
Ер — сулуv ёр, осмондир — ошиқ.
Дийдорлашар иккөвлөн бу дам,
Яралмоқда нурли бир құшиқ.

Шундай сокин, илоҳий дамни
Дил-дилимдан англағадим бу тун.
Йиғиштириб қоғоз-қаламни,
Тун құшиғин тингладим бу тун.



Ёмғирдан сүңг

Ёмғирдан сүңг хиёбон кездим,
Нигоҳ ташлаб атрофга сокин.
Рұхимга бир ёруғлик инди,
Тиниқлашди ақлу идроким.

Түйіб-түйіб олдим мен нафас
Мусаффо ва хүшбүй ҳаводан.
Кетолмасдан, узоқ кездим маст
Бу хузурбахш, дилкаш маъводан.

Оlamнинг бор ғубор-гардларин,
Буткул ювіб кетмиш ёмғирлар.
Чор-атрофга ажиб бир ҳусн,
Тароват бахш этмиш ёмғирлар.

Майсаларнинг қулоқларида
Ялтирайди инжулар ял-ял.
Дөв-дараҳтлар, яшил япроқлар
Яшилланмиш янада гүзел.

Майин эсган күклам эпкини,
Сочим силаб, дилимни хушлар.
Намчил барглар аро беркиниб,
Неларнидир чуғурлар қушлар.

Атрофи гул-чечакзор, күркам-
Йұлак узра борарканман жим,
Зилол сувда шод сузиб юрган -
Балиқ мисол яйради күнглим.

Нақ бир кося қимиз и'ғандай
Қон гупурди томирларимда.
Дүстлар, ажиб синоат бордир
Сахий күклам ёмғирларида.



Ёмғирдан сүнг хиёбон кездим,
Хуш саболар бўлдилар йўлдош.
Руҳимда бир ёруғлик сездим,
Чараклади қалбимда қуёш.



Куз

I

Ўз ўтган умрига ачинган мисол
 Маъюс бош чайқайди ғамгин дарахтлар.
 Этларни жунжитиб бетиним шамол,
 Хаёлот китобин бир-бир вараклар.

Ортиқ тавозедан ўзини тийиб,
 Қуёш уфқ ортига яширгайдир юз.
 Эгнига заъфарон қўйлагин кийиб
 Ҳазонрез боғларда куз кезмоқда, куз.

Илондек тўлғониб борар ирмоқлар,
 Гулларнинг кўзида жавдирап қўркув.
 Бандидан узилган сарғиш япроқлар
 Ярадор кушлардай тўкилар дув-дув.

Сувлар тиниқлашиб борар кун сайин,
 Қорайиб бормоқда тобора осмон.
 Гала-гала бўлиб, учқур ва шошқин
 Кушлар йўл олишар жанубга томон.

Жонсарак дехқоннинг бедор қалбига
 Булуғдай бостириб кирар хавотир.
 Шошар қиши-қировда қолмасин дея,
 Пайкални тўлдириб ётган жавоҳир.

Ёмғир қуйиб қолар бирдан живирлаб,
 Жонзот борки, ўзин олар панага.
 Тун бўйи юлдузлар куйлар шивирлаб,
 Ҳаволар софланиб борар янада.

Ҳаёт интиҳоси эмас куз асло,
 Бир нафас тин олмоқ чоғидир фақат.



Мунгли куз алласин тинглаб шу асно
Үйқуга кетмоқда ҳорғин табиат.

II

Дувиллаб түқилар ҳазин япроқлар,
Тилларанг тус олмиш бутун дала-туз.
Гулларнинг қалбига солиб титроқлар,
Зайфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Милтираб нур сочар кўкнинг ҳилоли-
Гё улкан денгиз узра парча муз.
Этларни жунжитар мезон шамоли,
Зайфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Иссиқ ўлкаларга учган турналар -
Ортидан термулиб қолурмиз маъюс.
Недандир кўнгил ғаш, юрак тирналар,
Зайфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Кўлмаклар четида йилтираган муз,
Дер: илиқ кунлардан умидингни уз,
Баҳор, ёз шунча тез ўтдиму эсиз,
Зайфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Бунчалар югурик экан бу ҳаёт,
Уч фаслинг ўтди-ку, эй умри азиз.
Ўзи ҳам хазондек сарғайиб, ҳайҳот,
Зайфарон боғларда куз кезмоқда, куз.



Қишлоқ чеккасида...

Қишлоқ чеккасида, мозор устида,
Хижрондай сарғайиб ўсган эй қамиш.
Аччиқ ёшлар томиб күзим тубидан
Сенга термуларман үйчан ва хомуш.

Эй, азиз отамнинг қабри узра жим -
Қон-қон йиглаб турған маъюс қизғалдоқ,
Алвон гулкосаси ғам билан лим-лим -
Қалбимнинг рангидан ранг олдинг қандоқ?!

Мехрибон волидам қабртошига
Сумбулдай чирмашган рангин печаклар,
Мен эмас, ушбу кун онам бошига
Гул олиб келмиш сиз этак-этаклаб.

Шўрхок тупроқ узра тиз чўкиб аста,
Майин япроғингиз гардин ўпарман.
Хушбўй ҳидингиздан азиз онамнинг
Муқаддас меҳрининг тафтин сезарман.

Сизга минг ташаккур, майса-гиёҳлар,
Эй сиз — эзгуликнинг яшил лашкари!
Бу ёруғ дунёда кошкийди ҳамма
Мехрибон бўлсайди сизлар сингари.

Гоҳ ойлаб боролмай қолгум қишлоққа,
Хайҳот, ташвишларим кўпми шунчалик?
Наҳот, ота-онам зиёратига
Имкон тополмасман бир гиёҳчалик?!...

О, майса-гиёҳлар, сизга минг таъзим,
Ҳаёт ибтидоси эрурсиз ҳар чоқ!.
Энг олий мавжудот - инсонга ҳатто
Мехру оқибатдан берурсиз сабоқ!

Ой ҳам ебди шом..

Самоларда кезган, эй сулув ҳилол,
Нурли либос кийган ҳур сохибжамол,
Сени сирдош тутиб қалбимни очай,
Юрак туйфуларим келмасин малол.

Хаёл оғушида кезганча сокин,
Оlam узра бедор ташларсан нигоҳ,
Дунёда юз берган ҳодисот борки,
Барча-барчасига ўзингсан гувоҳ.

Бир инсон туғилса, югуриб-елса,
Севса-ю, севилса воқифсан ўзинг.
Шукуҳли кунларнинг нур-шуъласидан
Тиниқлашиб борар тобора юзинг.

Аммо баъзан тунгги хиёнатлардан
Юксакларда туриб чеккайдирсан оҳ,
Тунда кўрганларинг ичга ютарсан,
Балки шундан эрур кўксингдаги доф.

Қалбингдаги ўшал пинҳона дардлар,
Ҳар тун ич-ичингни емирап сенинг,
Тунги хиёнатлар, тунги таҳқирлар
Очкўз каламушдек кемирарап сени.

Кундан-кун емрилиб борганинг кўриб.
Ачиниб дейишар: «Ой ҳам ебди шом».
Моҳим, асли сени шамдек эритиб,
Ўшал сирли ғамлар ейди ҳар оқшом.



Аёз ҳали каминг бормиди

(Ҳазил)

Аёз ҳали каминг бормиди,
Ҳали ташвиш, ғаминг бормиди?
Апрелда ҳам ҳеч бўш келмайсан,
Қиличдайин даминг бормиди?

Кўкда булат - илҳомчиларинг,
Ҳеч тинчимас ҳўл қамчилиаринг,
Эт жунжитар муз томчилиаринг,
Шунча ёмғир, наминг бормиди?

Бодом гуллаб, қолди доғларда,
Ўрик йиглар нам чорбоғларда,
Гуллаб ётган чаман боғларда
Ё қасду аламинг бормиди?

Ҳар нарсада бор ахир, меъёр,
Не бор сенга кўкламда, эй қор?
Сен қайларга беркиндинг, баҳор?
Шунча нозик таъбинг бормиди?

Ахир, кўзлар нурни соғинди,
Рутубатдан диллар оғринди,
Эй табиат, қани ёқ энди –
Шамс аталмиш шаминг бормиди?

Бу йил-ку қор мўл бўлди, алҳол,
Қишлоғон, майли энди қайта қол!
Инсоғ билан ўзинг айтга қол,
Аёз, ахир, каминг қолдими?
Аёз, ахир, каминг қолдими?

Қорлар ёғар..

Паға-паға қорлар ёғар, ризқ-рүз бўлиб,
Қор парчаси ялтирайди юлдуз бўлиб.
Тоғларда қор, боғларда қор, томларда қор,
Анҳорларда аёз ухлайди муз бўлиб.

Кўқдан гўё оппоқ унлар эланмоқда,
Дов-дарахтлар нақ қаймоққа беланмоқда,
Оlam оппоқ салтанатга айланмоқда,
Гўзаллигу нафосатда тенгсиз бўлиб.

Корнинг сехру суурини қаранг, дўстлар,
Қамаштирап кўзни очдим аранг, дўстлар,
Қишиштини суриб, сиз ҳам яйранг, дўстлар,
Кечалари нур таратгай кундуз бўлиб.

Кўнгилларга қордек қўнар ҳаяжонлар,
Бошланди-ку, «қорхат»лару «қорбўрон»лар,
Кўча-кўйда қор ўйнашар болажонлар -
Юракларда шодликлари чексиз бўлиб.

Демангиз: қор қарғаларнинг овунчиидир,
У чанқоқ дашт-далаларнинг илинжиидир,
Қор бу кўкнинг ерга бўлган соғинчиидир,
Ёғилгайдир шу боис жим, унсиз бўлиб.

Айланишиб бир қуни шўх жилғаларга,
Жон бағишлиар қорлар кўм-кўк майсаларга,
Етажакмиз қуёш кулган лаҳзаларга –
Оlam яна фасли баҳор, Наврўз бўлиб.

Қуёш янглиғ қулиб кел, Наврӯз!

Яна ялпиз ҳидин олиб эсди саболар,
Димоқдарни ёргудайин хушбўй ҳаволар,
Яна қадим қўшиқларин айтди момолар,
Кел ўлкамга, гулдай чирой очиб кел, Наврӯз!

Кутлуғ бўлсин куртак ёзган шўх оғочларинг,
Мажнунтоллар- сочин ёйган чилвирсочларинг,
Бахт қўшиғин куйлаб учгай қалдирғочларинг,
Кувончларга тўлиб яна, тошиб кел, Наврӯз!

Саҳро кезиб, мададкор бўл сен чўпонларга,
Кут-барака уруғин бер мард деҳқонларга,
Жон бағишлиб дала-дашту боғ-бўстонларга,
Дарёлару тофу тошлар ошиб кел, Наврӯз!

Юртим дея, ўтганларнинг бориб бошига,
Таъзим эттил садоқату чин бардошига,
Абри найсонлар ёғдириб қабртошига,
Қизғалдоғу чечакларинг сочиб кел, Наврӯз!

Қизларжоннинг чаккасиға гуллар тақиб кел,
Йигитларнинг юрагига ўтлар ёқиб кел,
Меҳру муруватда қуёш каби балқиб кел,
Кенг дунёга бахт ва шодлик олиб кел, Наврӯз!

Гулларинг соч Туронзамин этакларига,
Ёруғ йўл оч юртнинг орзу - тилакларига,
Меҳнаткашу мард элимнинг юракларига
Янги ғайрат, шижоатлар солиб кел, Наврӯз!

Боқий бўлсин ҳур Истиқлол - юрт дориломон,
Юртда тинчлик мангу бўлсин, дўстлар соғ-омон,
Она-Ватан бағрин нурга тўлдириб мудом,
Айёмларга ўзинг бош-қош бўлиб кел, Наврӯз!
Бошимизга қуёш янглиғ қулиб кел, Наврӯз!



Қизғалдоқ

Қоя узра жилмайиб нафис,
Товланарди бир жуфт қизғалдоқ —
Еңдуларга шодон тутиб юз,
Шабнамлардан тақиб дур балдоқ.

Илк севигига дуч келган қалбдек,
Гоҳ ларzon, гоҳ сокин эди у.
Мунис эди, шу тоғ узра лек,
Бор чиройга ҳоким эди у.

Аммо шу пайт дайди бир шамол,
Изғиб қолди солиб чанг-түзон.
Нозик танин түзғитиб ҳайҳот,
Қизғалдоқни айлади хазон.

Шунда замин титради оҳдан,
Ҳатто тоғлар оҳ чекдилар, оҳ!
Ва келгуси кўклам шу жойдан
Униб чиқди минглаб қизғалдоқ.



Күёшнинг икки лаҳзаси

Субҳидам. Эслувчи саболар майин,
Шафақ узра нурлар битар зар лавҳа.
Офтоб юз кўрсатар аста жилмайиб,
Бир кунлик умрга бўлиб сарлавҳа.

Номозшом. Гулларнинг қалбидагарза,
Нурлар сўна бошлар сокин уфқда.
Күёш, күёш эмас, гўё бу лаҳза -
Бир кунлик умрга кўйилган нуқта.



**ГУМБАЗЛАРИ СИРЛИ
ҚҰШИҚ – БУХОРОМ**





Юрагимда ёниб турган Бухоромсан

Мадҳинг куйлаб қўлга торим олдим яна,
Юрагимда борин тўкиб солдим яна,
Ўтмишингни ўйлаб, ўйга толдим яна,
Тарихда кўп зулм кўрган Бухоромсан!

Торобийдек ўғлонларинг бисёр эрди,
Ёвларингни тирқиратиб, додин берди,
Мард Муқанна бўлиб ўтга кирган шердек,
Ё Оллоҳ, деб жангга кирган Бухоромсан!

Минорлари ёв дастидан вайрон бўлган,
Нолон халқи кўкка боқиб ҳайрон бўлган,
Не-не буюк ўғлонлари сарсон бўлган,
Лек бош эгмай мағрур юрган Бухоромсан!

Минг шукрким, ул аламли кунлар ўтди,
Қучоғингга Баҳовуддин бобом қайтди,
Тупроғингни етти иқлим тавоф этди,
Улуғ каъба бўлиб турган Бухоромсан!

Истиқлоннинг шамолидан яйраб жонинг,
Яшнагайсан энди, нурли эй жаҳоним,
Жаҳон ичра эй тенги йўқ жонажоним,
Онажоним - кулиб турган Бухоромсан!

Ҳали минглаб асрлардан ошар ёшинг,
Кутлагайдир сени дўсту ҳам қардошинг,
Бахтимизга мангу омон бўлсин бошинг,
Куёшдай нур сочиб турган Бухоромсан!

Гумбазларинг сирли қўшиқ куйлайверар,
Бизни буюк пирлар мудом қўллайверар,
Қўллаб нурли манзилларга йўллайверар,
Эрк нуридан қониб турган Бухоромсан!
Юрагимда ёниб турган Бухоромсан!



Бухорони кўрмаган бўлсанг

Бухорода сира бўлмаганман, деб,
Дўстим, айладинг-ку мени ҳангу манг.
Ўзбек заминида шунча йил яшаб,
Наҳот, Бухорони кўрмаган бўлсанг?!

Бунда ҳар минора, ҳар сирли гумбаз,
Мозийдан сўзлайди, ўрганар бўлсанг.
Аждодлар ёдидан йироқдирсан, бас?
Қадим Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Кўкдан нур ёғилса бутун дунёга,
Бу юртдан кўкка нур тарагай, билсанг.
Бормоқлик на ҳожат Маккатиллога,
Мехвар Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Бу юртнинг қўхна тош кўчаларида
Овозинг тиллодай жаранглар, кулсанг.
Сўз очмай қўяқол зарнинг қадридан,
Заргар Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Азиз тупроғини тавоф этгали -
Етти иқлим келур, юриб минг фарсанг.
Сен эса дунёга келмабсан ҳали-
Азим Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Шукр, мен шу юртда туғилиб ўсдим,
Бошим кўкка етар меҳмоним бўлсанг.
Ҳалиям кеч эмас, юр кетдик, дўстим.
Агар Бухорони кўрмаган бўлсанг!

Эркесвар бир оғам ўтган...

О, Бухором, бошгинангдан
 қанча дарду алам ўтган,
 Қай бирисин айтай, э воҳ,
 карвон мисоли ғам ўтган?!

Бу ғамлардан тани музлаб,
 бўзтўргайдек бўзлаб-бўзлаб,
 Дардларингга даво излаб
 не-не буюк одам ўтган?!

Улар ичинда бир сulton,
 эрк йўлида фидойи жон,
 Файзуллоҳон деган ўлон -
 эркесвар бир оғам ўтган!

Омон бўлса эди боши,
 юздан ошар эди ёши,
 Аммо куйиб ичу тоши
 зулмат ичра у шам ўтган!

Ўт эди у муз олдида,
 бир ёз эди куз олдида,
 Юртим деса, кўз олдидан
 яшнаб боғи Эрам ўтган!

Ёвлар уни алдадилар,
 эрк бердик деб аврадилар,
 Кўксига ўқ қададилар,
 эвоҳ, қанча ситам ўтган!

Азиз элим, бўлгил огоҳ,
 аламлар қайтмасин ногоҳ,
 Файзуллонгни эсла гоҳ-гоҳ
 у жаннатий одам ўтган!



Бухоронинг миноралари

Ҳар гал кезарканман масти мустағриқ,
Нақшинкор минора, гумбазлар аро.
Фарзандин соғинган бир она янглиғ-
Мени ўз бағрига олар Бухоро!

Шунда куз-кўз қилиб бор сайқалларин,
Бир зум кўз олдимдан кетишмас нари.
Муқаддас тарихнинг соғ ҳайкаллари-
Кўҳна Бухоромнинг миноралари!

Минораи Калон узра туриб жим,
Мағрур Сиёвушни олгум хотирга.
Юрак-юрагимдан этганча таъзим,
Арк кўргонин бунёд этган ботирга!

Чорминор қошида хаёлга толгум,
Кўзларим олдида порлар тўрт сиймо.
Широғу Муқанна, ёвқур Торобий
Ва ажал давосин тополган Сино!

Буюк ишонч эрур - умид машъали,
Порлоқдир юртимнинг ситоралари.
Бир ёруғ кунларнинг нурли зарҳали-
Азиз Бухоромнинг миноралари!

Софинч дарвозаси

Қизилқум қўйнидан ёр саси келди,
Она-Бухоромнинг нафаси келди,
Кўқдан тўлин ойнинг шуъласи келди,
У сенингму илҳақ кўзинг, Бухором,
Софинч дарвозаси — ўзинг, Бухором!

Кўк бирла сирлашар минораларинг,
«Моҳи хоса» каби ситораларинг,
Нақшинкор тоқларинг — дилпораларинг,
Сомон йўли — сенинг изинг, Бухором,
Оlam остонаси — ўзинг, Бухором!

Минораи Калон — олам меҳвари,
Тарих хазинасин ноёб гавҳари,
Талпиниб яшайди мудом кўк сари,
Ҳақдир ҳар бир айтган сўзинг, Бухором,
Куёшдай ёруғдир юзинг, Бухором!

Тупроқларинг чангин кўзимга суртай,
Гумбазларинг гардин киприк-ла артай,
Сени соғинганим, оҳ, кимга айттай,
Учарму сенинг ҳам кўзинг, Бухором,
Софинч дарвозаси — ўзинг, Бухором!

Боболарим ётар мозорларингда,
Озорларим бордир озорларингда,
Гул ўстирар халқим гулзорларингда,
Гарчи кўпdir ерда тузинг, Бухором,
Гарчи жазирама ёз, кузинг Бухором!

Туарсан онамдек йўлга кўз тикиб,
Мен учун тоҳ ипак, тоҳо бўз тикиб,
Софиниб борурман ҳар гал энтикиб,
Тилимдаги соғинч сўзим — Бухором,
Ўргилайин сендан ўзим, Бухором!



Бухором

Бухором, бебаҳо, ажиб маъвосан,
Уммонга қуийилган азим дарёсан.
Бағрингда улғайдим, йўқдир армоним,
Мен учун дунёлар ичра дунёсан,
Қалбимга кувватсан, кўзга зиёсан.
О, менинг қадимий сирли Бухором,
Эртаклар ўлкаси, нурли Бухором !

Дунё оқиб келар ҳар кун пойингга,
Табаррук тупроғинг, саждагоҳингга.
Боқиб ҳеч тўймасман гул чиройингга,
Бунчалар гўзалсан, бунча зебосан,
Дилларни ром этган оҳанрабосан!
О, менинг қадимий сирли Бухором,
Эй бағри жавоҳир, дурли Бухором !

Садқаман гул юзли нигорларингга,
Нақшинкор гумбазу минорларингга,
«Дилба ёру, даст ба кор!» шиорларингга,
Софинсам, дардимга ўзинг даносан,
Бир умр қалбимдан ўчмас навосан!
О, менинг қадимий сирли Бухором,
Эртаси мунаvvар, нурли Бухором !



Фитратни құмсаб...

Сүйла, эй күхна Бухором, қайда қолди Фитратинг?
Оҳ, наҳот мунгли күшиғу найда қолди Фитратинг?
Эркесвар халқим уни құмсар бугун күп соғиниб,
Демаким: «Зулмат аро изсиз йүқөлди Фитратинг».
Сүйла, эй аҳли Бухоро, қайда қолди Фитратинг?!

Мулки Туроним мудом озод күрай, деб эрди у,
Беймон ёв ҳийласин барбод күрай, деб эрди у,
Мард элимнинг қоматин шамшод күрай, деб эрди у,
Эрк дея оташга кирди, ўтда ёнди Фитратинг,
Во ажаб, ёв макридан гафлатда қолди Фитратинг!

Усмону Чүлпонларингдек кетди у ҳам бегуноҳ,
Гүёким түғон аро қолган каби шам бегуноҳ,
Во дариф, бу не аламдир, кетса одам бегуноҳ?!
Шум замон бўхтонларин домида қолди Фитратинг,
Ногаҳон «халқ душмани» номини олди Фитратинг!

Минг шукрким, ўтди ғамлар, битди ёвлар иллати,
Эрку истиқоллга етди яйраб ўзбек миллати,
Ҳеч унугмасдир она-халқим боболар қисматин,
Шул сабабдин тарих ичра мангу қолди Фитратинг!
То абад тилларда-ю дилларда қолди Фитратинг!

ИШҚИМНИ ШЕҮРГА
СОЛСАМ...



Санам

Оlam ичра тенги йўқ, гул юзли зебодир санам,
Васл этарга кўнгли йўқ, кўк узра Зухродир санам.

Май сузиб сармаст этибдир кўзлари - шаҳлолари,
Қайда бўлсам, кўзларим олдида пайдодир санам.

Дуч келар бўлсам забондин айрилиб чеккүм фифон,
Таъна тошин отгали булбулигўёдир санам.

Ваҳки, отган тошларидан бўлди қалбим бағри қон,
Ҳажр юкин залворидин алп қоматим ёдир санам.

Сочларинг Жайхун бўлиб, домига тортмишдир мани,
Айлагай тобора гарқ тошқинли дарёдир, санам.

Ё мени васлингга етказ, ё куйиб бўлғум адo,
Жон қушин олмоққа ҳам, бермоққа ҳам қодир санам.

Гар ўлиб қабрим уза гуллар кўкарған чоғда ҳам,
Бил, сенинг ишқинг менинг қалбим аро жодир, санам.

Бас, Зикрилло тиликим зикр этолмас ўзга сўз,
Чин садоқат шеваси, бил, шунчалар нодир, санам.



Наво бўлғай

Гулим, сен ҳақда сўз очсам, наво бўлғай, наво бўлғай,
Муҳаббат бўйларин сочган ажойиб бир садо бўлғай.

Ажиб оҳанрабо бу куй дилимни бир умр ўртаб,
Тағин қалбим яросига ўзи танҳо даво бўлғай.

Давою малҳамин топдим, дегунча бағри қон қалбим,
Бу ишқ саҳросида не-не балоға мубтало бўлғай.

Азалдан турфа савдолар раводир ошиқ аҳлига,
Фироқдин бенасиб кўнгил висолдин ҳам жудо бўлғай.

Висолинг кўйида, жоним, фидоман деб хитоб этсам,
Бу сўз олам аро учган нидо бўлгай, нидо бўлғай.

Нидолар майли-ку, ёрим, ўзинг асра видолардан,
Ё ҳажринг ўтида қалбим куйиб охир адо бўлғай.

Кечиб Зикрилло бу ўтдан, дема, тарки висол этгай,
Бу йўлни танласам, эркам, хато бўлғай, хато бўлғай.

Жоним бўлинг

Севгилим, сайдар айласам, ёнимда сайроним бўлинг,
Ишқ аро лутф истасам, ширин сухандоним бўлинг.

Лабларим гулзоридан бир гул узатсам аста мен,
Сиз уни лабга босинг-у, чин гулистоним бўлинг.

Мен садоқат гулшанин кўзлаб йўл олсам, жонгинам,
Бир умрлик менга йўлдош, нозли жононим бўлинг.

Даҳр аро не-не ғаним, ғамларга гар бўлсам дучор,
Барчасини бартараф этмоққа имконим бўлинг.

Чиқса жоним ногаҳон бу ишқ йўлида, эй нигор,
Сиз менинг жисмим аро жоним бўлинг, жоним бўлинг!

Топсаму Зикрий камол, бошимга қўнса баҳт қуши,
Сиз менинг бағримдаги энг баҳти инсоним бўлинг.



Бисёр-бисёр

Фиждуоннинг бир гули раъносига ошиқман.
Эркин Самандар

Оlamda муҳаббатнинг савдоси бисёр-бисёр,
Гоҳ қувончугоҳ эса, ғавфоси бисёр-бисёр.

Боғ ичра андалиблар хониш этар нечунким,
Гулшан аро гулларнинг раъноси бисёр-бисёр.

Оlam кезиб кўп ошиқ кўнгулларга келдим дуч,
Ошуфта ҳар кўнгулнинг навоси бисёр-бисёр.

Фиждуоннинг бир гули раъносин этманг ҳавас,
Бу гулшаннинг булбули шайдоси бисёр-бисёр.

Не баҳтки, Зикрилло ҳам шу масканда сайрондир,
Қалбидагин чин ёр учун вафоси бисёр-бисёр.



Кўпдир

Нигорим, нозларингдан қалбимда алам кўпдир,
Менда бардош етарли, лек сенда ситам кўпдир.

Не тонг, қанча куйгайман, тағин сени суйгайман,
Йўқса, бу чаман ичра сулув кўп, санам кўпдир.

Жоним, қачон келгайсан, офтоб мисол кулгайсан?!
Кел, ахир, ҳижронингдан кўзларимда нам кўпдир.

Гоҳ аламдан ўртансам, бир ҳамдард тополмасман,
Ажаб, шод кунларимда ҳамрозу ҳамдам кўпдир.

Ошиқ бўлиб оламда англаган сирим шулки -
Бу дунёда севинч кам, бу дунёда фам кўпдир.

Ишқ ўтида ўртанган бир сен эмас, Зикрилло,
Оламда ёр ҳажридан озурда одам кўпдир.



Дегай

Нозанинлар эркалаб, ўз ошигин эркам дегай,
Мен-чи, жон бергум десам ҳам, нозли ёрим кам дегай.

Кечалар түккан ёшимдан тонготарнинг кўкси нам,
Ким уни шудринг атармиш, ким уни шабнам дегай.

Кўкда кезган ой эмасдир - дарбадар қалбим менинг,
Дарбадарлик ичра бир кун ёр юзин кўрсам, дегай.

Майли, жоним, ишқ аро олам ғамин бошимга сол,
Чун фақат нодон киши ёрнинг ғамини ғам дегай.

То абад Зикрилло қалби чин вафо мадҳин ўқир,
Ишқ қуёши бирла мангу яшнасин олам дегай.

Адо қилдинг

Хувайдо ғазалига назира

Бошимга ишқ үтин, жоно, солиб не можаро қилдинг,
Бузиб сўнг аҳду паймонинг, мани мотамсаро қилдинг.

Олиб аввал хаёлимни, қаро зулфингга банд айлаб,
Не тонг, энди ҳётимни қаро тундек қаро қилдинг.

Висолинг кўйида шодон бўлурман деб умид этдим,
Вале сен ҳажр ўқи бирла юрак-бағрим яро қилдинг.

Юрагим чоклари чок-чок бўлиб гирёна йигларман,
Ки, Мажнун ошиёнида фарибу мубтало қилдинг.

Бу олам лов-лов куйгай менинг оху фифонимдан,
Не қилсанг ҳам мани, жоним, адо қилдинг, адо қилдинг.

На ўлгайман, на қолгайман бу Зикрилло, билолмасман,
Муаллақ жисму жонимни икки дунё аро қилдинг.

Қалбим гүзалига

Үтартсан, эй гүзал, ҳар тонг кулиб гулгун адиirlардан,
Қолурман маst бўлиб гирён сочинг сочган атиrlардан.

Билолмам гулмисан, юлдуз ва ё бир қошлари қундуз,
Дилим ўйнар кеча-кундуз, тўлиб оташ ва сирлардан.

Фалақда оймисан ё сен, ажиб бир сирли дунё сен,
Бу олам ичра гўё сен яралгансан меҳрлардан.

Боқиб ногоҳ кўзим тинди, хаёлим сенга банд бўлди,
Ироқ кетма ниgor энди жамолингга асиrlардан.

Висолинг дебки Зикрилло, бўлибdir булбули шайдо,
Гулим, деб нолалар пайдо шу боис бу сатrlардан.



Келгаймикин?

Софиниб қолдим-ку лол, соҳибжамол келгаймикин?
Янги чиққан ой мисол, қоши ҳилол келгаймикин?!

Ваъда этганди, кутинг, шом чоғи боргумдир, дебон,
Лафзини айлаб ҳалол, лаблари бол келгаймикин?!

Айни ёз оқшомида ҳажрида куйдим ўртаниб,
Ёр томонлардан хиёл нозик шамол келгаймикин?!

Йўлларига кўз тутиб, танда мажолим қолмади,
Келса, этмоққа висол, энди мажол келгаймикин?!

Тун яримлаб қолди-ю, ёрдин дарак йўқ во ажаб,
Мен ҳануз сургум хаёл, ул навниҳол келгаймикин?!

Кўкда тонг юлдузи кулгач, тоқ бўлиб тоқатларим,
Кўнглима бердим савол: сен айтақол, келгаймикин?!

Кўнглим айтди: гар асал кутсанг, асаларига боқ,
Чекмасанг заҳмат ҳалол, оғзингга бол келгаймикин?!

Бас, юрак амрин қилиб, Зикрилло, йўлга чиқамен,
Ташрифим олмай малол, офтобжамол келгаймикин?!



Құмсар мени

Эй ёр, бир кун ўшал мужгонларинг құмсар мени,
Икki чашминг—жилвагар гирёнларинг құмсар мени.

Оразинг офтобида жисмимни шамдек күйдириб,
Нозларинг, жавлонларинг, туғёнларинг құмсар мени.

Дилбарим бүлгил дебон, қалбимни очсан ўртаниб,
Нописанд кулгонларинг - хандонларинг құмсар мени.

Бир ўпичга зор қилиб, бағримни қон этганларинг,
Лабларинг - ул ғұнчаю пайконларинг құмсар мени.

Күлларим меҳри учун асраб асл анбарларин,
Сочларинг - ул сунбулу райхонларинг құмсар мени.

Сен садоқат шевасин англаб етарсан бир куни,
Менсиз ўттан онларинг - армоналаринг құмсар мени.

Ишқ тұла қалбингда ишқ исөн күттаргай, жонгинам,
Қайда ул Зикрилло, деб исёnlаринг құмсар мени.

Қўймас юрак

Гул юзингга, эй гулим, то етмасам қўймас юрак,
Бир куни етган биланким, васлингга тўймас юрак.

Неча йилки, ёндирап, ёр, оташин ишқинг мани,
Ўзгаларнинг ишқида бил, бунчалар кўймас юрак.

Кўнгли тор деб айблама, тоқ бўлди тоқатлар десам,
Кенг жаҳон бағримта сиққай, бир кичик уймас юрак.

Эй кўнгил, раҳм айла, деб озорланур жоним менинг,
Во ажаб, жонимни ҳамки сенчалик сўймас юрак.

Ўтли ишқинг қўйида кул бўлди кўнглим оқибат,
Дилни ўртар ноладир бу - шунчаки кўймас юрак.

Эй гариф Зикрилло, бас қил, ёнишингни қўй, деманг,
Мен-ку қўйсам-қўйгум аммо, ёнишин қўймас юрак.

Эврилди-ку

Эй пари, ишқинг дилим исёнига эврилди-ку,
Күзларим гулгун юзинг гирёнига эврилди-ку!

Лолагун васлинг кутиб, ҳажринг аро қонлар ютиб,
Қонли бағрим лолалар ошёнига эврилди-ку!

Ҳажр ўтидин чүедайин бу лолазорим сарғайиб,
Оқибат кузги хазон хирмонига эврилди-ку!

Дил очиб, лутф айлаганга захр ўтин сочмоқ нечун?
Ох, жафо ишқу вафо эхсонига эврилди-ку!

Үзга ёру, үзга дилдорли жақонни на қиласай,
Жисму жоним бир нигор қурбонига эврилди-ку!

Сабр ила оллоқ дегил бу ишқ йўлида эй, Зикир,
Оҳларинг ошиқ кўнгил афғонига эврилди-ку!.

Мұхаббатсиз яшаб бўлмас

Сенга кўнглим очай, эй ёр,
мұхаббатсиз яшаб бўлмас,
Ёниб ишқим этай изҳор,
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Қуёшсиз нур, садафсиз дур
ва гулсиз бир чаман бўлмас,
Менам сенсиз нетай, дилдор,
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Неча йилки висолинг деб,
йўлингда нола чеккайман,
Кел эй энди, кўзи хумор,
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Кечиб бу дардли ишқингдан
даво топсанг-чи, эй ошиқ,-
Деманг менга, ахир зинҳор
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Қаранг, ишқ куйида гарчи
юрак - бағрини ўймишлар,
Фигон айлар қўлимда тор:
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Мұхаббат - бир қуёшдирким,
анга ҳеч тик қараб бўлмас,
Гаҳи роҳат, гаҳи озор -
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!

Мұхаббат мавзуси асли
қадим достон эди, дўстлар,
Мен уни айладим такрор,
мұхаббатсиз яшаб бўлмас!



Мұхаббатта садоқатни
юрак түрида асранг деб,
Зикрилло айтадур ашъор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!

Қолмишдир

Саҳарлаб боғ кезибсан, ёр, чаман уйқуда қолмишдир,
Ўтарму деб яна такрор, ширин орзуда қолмишдир.

Бу гулшанда тонг отгунча ёниб сайровчи булбуллар
Жамолингта боқиб бир бор, не тонг, осуда қолмишдир.

Суманбар қоматинг, дилбар, дилим ошуфтаҳол айлаб,
Фусункор суратинг бедор кўзим тубида қолмишдир.

Қанийди шу паривашнинг қўлида сози бўлсам деб,
Юрак қурғур ёниб бисёр, ажиб туйғуда қолмишдир.

Дилим розин наво айлаб, саболар бирла етказсам,
Ажаб шўх жилмайиб дилдор, хиёл кулгуда қолмишдир.

Тасаннолар сенга минг бор, мени ром айлаган дилдор,
Висолингга бўлиб хумор, дилим ёғудуда қолмишдир.

Фунча гул очгайму?

Фунча гул очгайму бир садпора бўлгандан кейин?
Аслига қайтарму гул, бир бора сўлгандан кейин?

Асрар қалбинг гавҳари - ул сирли ишқинг ганжини,
Сирлиги қолгайму сир ошкора бўлгандан кейин.

Ишқ-муҳаббат бобида ҳам сабр ила тоқат керак,
Ғўрадан ҳолва битармиш, вақти келгандан кейин.

Минг мاشаққатлар чекиб, чин ёрга интилған кўнгул,
Бахтли бўлмай қолмагайдир баҳти кулгандан кейин.

Барча чеккан нола-ю, аффонларинг бўлгай унут,
Нур сочиб кулбанг аро жонона келгандан кейин.

Дўсту ёрга қил вафоким, танда жонинг борида,
Қолмагил ҳасрат чекиб, дил пора бўлгандан кейин.

Ибтидо бор бу жаҳонда, интиҳо ҳам бор, ажаб,
Соф қололмас ҳеч киши, паймона тўлгандан кейин.

Лек, жаҳонда ошиқ аҳлин ноласи қолмас тиниб,
Боғ аро бир булбули бечора ўлгандан кейин.

Кетса-да Зикрилло бир кун, севгиси мангур қолар,
Ким унугтай, эл аро афсона бўлгандан кейин.



Нигорим

Бунча гүзал экансиз, эй маҳлиқо, нигорим,
Қайдин мунча малоҳат, нозу ибо, нигорим.

Қайси ҳусн мулкининг малика-ю моҳисиз,
Ҳусни жамолингиздан бўлдим адо, нигорим.

Энди бир дам кўрмасам, йўқдир танда мадорим,
Қайлардасиз, келинг, эй нозик адо нигорим.

Ойдай кулиб келсангиз умрим бўлар чароғон,
Кетмас бўлиб келинг деб чеккум нидо, нигорим.

Баҳоримсиз, ёр, сизсиз сарғаюрган, сўлурман,
Висолингиздан мени қилманг жудо, нигорим.

Келиб нозли жононим, шод айланг Зикриллони,
Сиз учун жисму жоним бўлсин фидо, нигорим.

Сени бир дам кўрмасам


Эркам, сени бир дам кўрмасам,
кўнглим уйи буткул бузилгай,
Хижронларда чекиб ғам-алам,
сенсиз юрак-бағрим эзилгай.

Қайга кетди паризодим деб,
тинглармиқан арзи додим деб,
Усиз надир бу ҳаётим деб,
кўзларимда ёшлар тизилгай.

Ишонсанг-чи, эй қаҳри қаттиқ,
жондан сени севарман ортиқ,
Юрагимга урма бунча тиф,
ёр урган тиф ёмон сезилгай.

Бўзлагайман, излаб изларинг,
гул юзларинг, шўх нарғизларинг,
Айтгил, жоним, оху кўзларинг -
қачон менга нозли сузилгай?!

Сенсиз ҳолим забундир, эй моҳ,
дардларимдан бўлсанг-чи огоҳ,
Кел, эй ёрим, келмасанг ногоҳ,
йўлларингда жоним узилгай.



Ишқимни шеърга солсам

Ишқимни шеърга солсам, қоғозлар куйиб кетар,
Дардимни тўкиб солсам, дарёлар тўлиб кетар.

Бўлдим деб васлингга зор, ишқим айласам изҳор,
Арзимни тингламай ёр, қовоғин уйиб кетар.

Не қилай, эй ёронлар, жондан ўтди ҳижронлар,
Ҳажрида ютиб қоңлар, юрагим тўлиб кетар.

Софинсам малагимни, ҳижрон тилиб бағримни,
Кўксимдан юрагимни анордек ўйиб кетар.

Найлайки, ошиқ дилим симобдай эриб сим-сим,
Муҳаббат отлиф тилсим ўтида куйиб кетар

Асраб ишқ, номус-орин, ёр учун тикиб борин,
Зикрилло ўз дилдорин шунчалар суйиб кетар.

Бевафо жонон экан

Кўкда юлдузлар аро Зуҳро чароғон экан,
Атрофида айланниб ой шўрлик сарсон экан.

Неча йилки, ой мисол ёр йўлида бедорман,
Бизни бедор айлаган бевафо жонон экан.

Тунлар чеккан оҳимдан тонглар бўздай оқармиш,
Кеча келгумдир дегон ваъдаси ёлғон экан.

Гул васлига етолмай бўзлар боғда булбул ҳам,
Бу оламда ошиқлар мудом бағри қон экан.

Ё дилдан севганимму, билмадим не гуноҳим?
Наҳот ёрга етишмоқ мен учун армон экан.

Васлига етмадим деб зорланма, эй Зикрилло,
Ёрнинг борлигин ўзи қалбингга дармон экан.

Ошиқлик ҳам дунёда, билсанг, зўр саодатдур,
Одам Атодин бизга мерос шу қолғон экан.

Тонгда бир булбул учди

Тонгда бир булбул учди атиргулнинг шохидан,
Боғларга шабнам тушди тунлар чеккан оҳидан.

Менам булбулдек, жоним, оҳлар чекарман сен деб,
Кўнглим ҳеч айро тушмас муҳаббатинг боғидан.

Малол олма, ёр, ўзинг моҳитобоним десам,
Гўзалроқдирсан, гулим, кўкнинг ҳилол, моҳидан.

Гар насиб этса васлинг шул эрур тожу тахтим,
Баҳтли бўлгум дунёнинг энг бадавлат шохидан.

Гулзор каби бағримга гулдек бўлиб кел, жоним,
Ошиқ дилим қутулсин айрилиқнинг доғидан.

Зикриллонгга васлингни баҳш айла, эй жононим,
Мадҳингга ғазал битдим қалбимнинг ардоғидан.



Гүзал

Күкда қүёш чараклар зиёси билан гүзал,
Зиё атамиш мөхригиёси билан гүзал.

Мөхр ила вафолардан яралган ушбу олам
Яшнаб турган замину самоси билан гүзал.

Шундайин хүр замонда севмоқ-севилмоқ бахтдир,
Ишк ҳам висол атамиш сафоси билан гүзал.

Ишк ўтида ёнмоқлик эр йигитга зийнатдир,
Қизларжон мудом одоб, ҳәёси билан гүзал.

Хүсни ифори бирла сулувдир боңда гуллар,
Зебо санамлар нозу ибоси билан гүзал.

Сени күз қаросидек асрай, эй қарокүзим,
Охулар ҳам ўз күзин қароси билан гүзал.

Содиқдир чин ошиқлар ўз ёрига умрбөд,
Дунёда ишқ-муҳаббат вафоси билан гүзал.

Ишқ бирла садоқатдан куйлайвер, эй Зикрилло,
Назму баёзинг бўлгай навоси билан гүзал.



Паризодим

Паризодим, биз томон парвоз этиб келсанг-чи,
Үтли ишқимни жонон, эъзоз этиб келсанг-чи?!

Ишон, эй шўх дилдора, сен учун юрак пора,
Хеч бўлмаса бир бора шўх ноз этиб келсанг-чи?!

Эй, азиз меҳрибоним, гўзал моҳитобоним,
Ойдек юзингга, жоним, пардоз этиб келсанг-чи?!

Яшнатиб гулгун юзинг, ҳам сузиб оҳу кўзинг,
Мен учун танҳо ўзинг танноз этиб келсанг-чи?!

Тун шунча ойдинму деб, ой шунча тўлинму деб,
Куттириб қўйдимму деб овоз этиб келсанг-чи?!

Бир бўса бериб болдан, ул ғунча-ю хандондан,
Зикрилонгни ҳижрондан халос этиб келсанг-чи?!

Софинч қўшиғи

Софинч деганлари ёмон экан-ку,
Софинсанг рангинг ҳам сомон экән-ку!

Бир лаҳза кўрмасанг севар ёрингни,
Кўзингдан ёшларинг равон экан-ку!

Менинг софинганим – нозли санамнинг
Юзи гул, қошлиари камон экан-ку!

Камонидан отган ўқларга, э воҳ,
Мудом мани кўксим нишон экан-ку!

Ишқ ўтида куйган юраклар асли
Ёр хаёли бирла омон экан-ку!

Софиниб тургандим ёр ҳам кўринди,
Севгилим садоқат томон экан-ку!

Ёр келди-ю, гулдек очилиб кетдинг,
Зикрилло, мушкулинг осон экан-ку!



Сиёҳдондур менинг қалбим

Сиёҳдондур мани қалбим, аламлардан сиёҳи бор,
Қоғоз узра ани сим-сим ёғиб ўтмоқ сиёғи бор.

Севиб бир нозли дилдорни, ёнар ҳажр ўтида бағрим,
Мұхаббатли юрагимнинг билолмам, не гуноҳи бор?!

Қани, айтинг-чи, бор қайда манингдек телбаю ошиқ,
Бу оламнинг яна қайда манингдек дил сиёҳи бор?!

Нетай, бу дардима ёлғиз анинг васли эрур дармон,
Дилида ул паривашнинг даво отлиф гиёҳи бор.

Нигорим деб, узун тунлар кўзим юлдуз бўлиб боқдим,
Нигоҳ сол, ёр, самоларда нигоҳбонинг нигоҳи бор.

Сени жондан азиз билган, келиб Зикрилло ёрингга
Тараҳхум айла, эй дилдор, дилида шунча оҳи бор.

Ишқни сўндириб бўлмас

Кўкда булат бўлмаса, ёмғир ёғдириб бўлмас,
Ёғиб турган ёмғирни ё ҳеч тиндириб бўлмас.

Эсса ҳамки гувиллаб телба шамол-довуллар,
Порлаб турган күёшни пуфлаб сўндириб бўлмас.

Севмаганга суйкалиб оҳ чекишдан не фойда?
Гар ёнмаса, юракни зўрлаб ёндириб бўлмас.

Ёр бошқа-ю сен бошқа, қалбни ёрсиз яшашга,
Кўнгил дея кўнгилни зинҳор кўндириб бўлмас.

Бу дунёда ҳақиқат эгилгай, лек синмайди,
Ер шарин ўз ўқидан асло оғдириб бўлмас.

Интилмасанг ёр қайда, толеи иқбол қайда,
Бахт қушини бошингга алдаб қўндириб бўлмас.

То рўзи машҳаргача ёр деб ёнар Зикрилло,
Қалбida ишқ туғёнин, не тонг, тиндириб бўлмас.

Ватан

Сен менинг жону жаҳоним, йўғу боримсан, Ватан,
Гуллаган нурли маконим, лолазоримсан, Ватан!

Сенда мен дунёга келдим, сен билан топдим камол,
Она меҳридек улугвор, бегуборимсан, Ватан!

Етти иқлим ичра танҳо, бекиёс ҳур масканим,
Жисму жоним яшнатувчи навбаҳоримсан, Ватан!

Оlam ичра қудратинг қалбимга қувват баҳш этар,
Кўзларимнинг гавҳари, нури шароримсан, Ватан!

Тупроғингнинг гардини кўзларга суртсам арзигай,
Шавкатим, шоним, фурурим, ифтихоримсан, Ватан!

То тирикман сен учун кўксимни қалқон айлагум,
Сен менинг баҳтуну баҳорим, номус-оримсан, Ватан!

Таърифингни бир умр Зикрилло ашъор айлагай,
Минг асрлар ўтса ҳамки барқароримсан, Ватан!



Отанг била онангдур ул

Бу оламда энг улуғ зот - отанг бирла онангдир ул,
Сенга бахш айлаган ҳаёт - отанг бирла онангдир ул.

Бахтинг кўрса яшнаб кўзи, парвоналар бўлиб ўзи,
Айлаган дил уйинг обод - отанг бирла онангдир ул.

Ногоҳ бахтинг бўлиб барбод, ҳеч ким сени этмаса ёд,
Яна ўзи бўлгай нажот - отанг бирла онангдир ул.

Миниб жаҳл отига ногоҳ, дилин ранжитмагил, эвоҳ,
Кўзингни оч, эй одамзод - отанг бирла онангдир ул.

Фарзанд эсанг билиб қадрин, аламлардан асра қалбин,
Чекмасин ҳеч оҳу фарёд - отанг бирла онангдир ул.

Ҳаёт бўлса, ўпид пойин, уй тўридан бергил жойин,
Марҳум бўлса, айлагил ёд - отанг бирла онангдир ул.

Зикриллодек нидо айлаб, дил изҳоринг дуо айлаб,
Пок руҳларин айлагил шод - отанг бирла онангдир ул.



Дүст билан

*Дүст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам.
Эркин Воҳидов*

Эй рафиқ, мазмунлидир гулгун ҳаётинг дўст билан,
Ҳам ушалгай мақсадинг бирла муродинг дўст билан.

Бу ҳаёт осмонида парвоз этар бўлсанг агар,
Бир қанотинг ёр биландир, бир қанотинг дўст билан.

Дейдиларким: якка отнинг донғи чиқмасмиш сира,
Минг довоннинг забтига етгай саботинг дўст билан.

Бир майизни қирқ киши ер, деб азалдин бор нақл,
Дўст билан бўл, тотлидир қанду новвотинг дўст билан.

Билки, Чилвир чўлида кулфатда қолсанг ногаҳон,
Алпомищдек от суриб келгай нажотинг дўст билан,

Эй Зикрилло, умрбод куйла дўстлик мадҳини,
Кенг жаҳонни забт этар шеъру баётинг дўст билан.

Йигит бўлсанг

Йигит бўлсанг, эй ўғлон, йигитлар султони бўл!
Булбул бўлсанг, булбуллар ичра энг хушхони бўл!

Бўлма ҳаёт осмонин асло чангу губори,
Чарақлаган Зуҳроси, чақнаган Чўлпони бўл!

Муқаддас она юртинг, маконингни унутма,
Жонинг тикиб бир умр сен унинг қалқони бўл!

Она-халқингдан ҳаргиз меҳрингни дариф тутма,
Ардоқлаб элу юртинг жисми аро жони бўл!

Ота-онангнинг мудом бўлиб содиқ ўғлони,
Сен аларнинг бир умр дардларин дармони бўл!

Севсанг бир паривашни ишқига вафо айлаб,
Мисли бир парвонадек васлиниг қурбони бўл!

То тириксан, Зикрилло, асрраб озод диёринг,
Бахтли давру давроннинг соҳиби даврони бўл!



Аразлагай

Хақ сўзни сўзласам баъзан, дўстлар мендан аразлагай,
Кўрганим айтмай кўз юмсам, кўзлар мендан аразлагай.

Тилин аччиқ десам ногоҳ, лабин бургай қалампирлар,
Таъмини шўр десам, эвоҳ, тузлар мендан аразлагай.

Баҳору ёзни таърифлаб гўзал шеърлар битар бўлсам,
Сарғайиб, ёш тўкиб, бўзлаб кузлар мендан аразлагай.

Қалбида дарди йўқларнинг юрагин музга ўхшатсам,
Йўқмиди ўзга тимсол деб, музлар мендан аразлагай.

Уйимда ўз севар ёrim, нигорим борлигин айтсам,
Нозланиб, кўз сузиб юрган қизлар мендан аразлагай.

Нетай, дўстлар, биродарлар, аразли дунё экан-ку,
Ҳар ким, ҳар кун бир баҳона излар, мендан аразлагай.

Сизга ёққайму, ёқмасму, Зикрилло дил сўзим битдим,
Шоирдирман, ёлғонласам, сўзлар мендан аразлагай,

Кечирмас

Дўстга қилма хиёнат, дўсту ёрлар кечирмас,
Кетса сендан диёнат, номус-орлар кечирмас.

Бевафо бу дунёда сен меҳру вафоли бўл,
Бевафолар гуноҳин вафодорлар кечирмас.

Ёрга совуқ сўз айтиб, нозик дилин ранжитма,
Ҳамал чоги аёзни навбаҳорлар кечирмас.

Ота-онанг-ку зинҳор сен учун чекмасин оҳ,
Билки, ноҳақ чекилган оҳу зорлар кечирмас.

Шоҳ измида бўлсанг ҳам гадога зулм қилма,
Хоин лашкарбошини шоҳсуворлар кечирмас.

Амал кеттагач қўлингдан, дўсту душман билингай,
Бозор аҳлин ҳийласин харидорлар кечирмас.

Эл бошига иш тушса, бошинг олиб қочмагил,
Қўрқоқликнинг номусин мард шунқорлар кечирмас.

Зикриллодек бир умр чин дўстга жонфидо бўл,
Номард эсанг билгилки, сени дорлар кечирмас.



Тұлған ой

Тунлар кезсам, мен билан бедор кезар тұлған ой,
Ойдин этиб йўлимни нурга безар тұлған ой.

Бир қарасам, самода сузиб олтин қайиқдек,
Бир қарасам, оққушдек сувда сузар тұлған ой.

Қайга борсам, ортимдан бораверар жилмайиб,
Мұхаббатли қалбимни қайдин сезар тұлған ой.

Үйга кирсам, оҳиста деразамдан мұралаб,
Сулув қиздек сеҳрлаб, тинчим бузар тұлған ой.

Не бахтки, кумуш ойнинг нигоҳи бизга тушди,
Бедард, беишқ диллардан қылтай ҳазар тұлған ой.

Сен ҳам ойдек қалбингдан нурлар соч эй, Зикрилло,
Йўқса, сендан аразлаб, күнгүл узар тұлған ой.

Ўғлимга насиҳат

Саҳарлаб эрта тур, ўғлим, дилингга нур илашгайдир,
Бутун оламга Оллоҳим шу лаҳза ризқ улашгайдир.

Үйингдан пок ният бирла қуёшдай жилмайиб чиқсанг,
Саболар сийпалаб сочинг сенга оқ йўл тилашгайдир.

Яна билким, йўлинг доим мashaққатсиз, равон бўлмас,
Тирик жон борки оламда, тиним билмай курашгайдир.

Ҳаётинг сир, синовларда симобдай қалқигай, э воҳ,
Сени тақдир элагига солиб обдон элашгайдир.

Агар яхши билан юрсанг, ошар эл ичра обрўйинг,
Ёмонга билки, ёндашсанг қора лойга белашгайдир.

Сира ғам чекма, бўл мағрур, сенга чоҳ қазса-да ағёр,
Ўшал чоҳга ғанимларнинг ўзи бир кун қулашгайдир,

Талашма, молу дунё деб, у ҳеч кимга вафо қилмас
Ва билким, молу-дунё деб, фақат нодон талашгайдир,

Гўзал одобу хулқингдан умрбод шод бўлиб ҳалқим:
Яша, отангга минг раҳмат, деса ғоят ярашгайдир.

Үтадир

Эй рафиқ, күзингни оч, бу даври даврон үтадир,
Бўлса ҳам қўлингда гар мулки Сулаймон үтадир.

Бу фалак айвонида мангу қололмас ҳеч киши,
Ким ғарибу нотавон ҳам шоҳу султон үтадир.

Неча йиллар булбулин ҳажрида ёндирган билан,
Бир куни бошин эгиб, сарви хиромон үтадир.

Ёз ўтар, ёз ортидан қузлар келодир сарфайиб,
Кўкка боққил, ёш тўкиб ул абри найсон үтадир.

Шум рақиблар макридан озурда бўлма эй кўнгил,
Неча ит ҳурган биланким, йўлда карвон үтадир.

Эй Зикирий, бир умр қил элга меҳру оқибат,
Бемеҳрлар оҳ чекиб, бир кун пушаймон үтадир.

Ойнинг олтин ўроғи

Ялтирайди осмонда ойнинг олтин ўроғи,
Нурларнинг зимистонга қарши кескир яроғи.

Гоҳ олтиндек ялтираб, гоҳо тортгайдир хира,
Аммо ўчмайди сира кўкнинг бу шамчироги.

Сарҳад билмас хаёлим самоларда кезгайдир,
Олисларда ой каби дил танҳо қолган чоғи.

Ойга боқсам, ёдимга тушар қоши ҳилолим,
Дилгинамни ўргайди соғинчларнинг сўроғи.

Ҳой, ҳилолжон, кел, ўзинг ёрга ҳолим баён эт,
Қалбимни пора этди тунлар унинг фироғи.

Ёримга айт, моҳитоб, ўзингдай кулиб келсин,
Тумандек кетсин тарқаб айрилиқ-ҳижрон доғи.

Оймоможон, қалбимга шунчалар яқинсанки,
Писанд эмас еру кўк аро манзил йироғи.

Сен нуринг-ла самони этсанг ёруғ, чароғон
Яшнар менинг ишқим-ла она-замин қучоғи.



Аввало инсон бўл...

Ўксиниб кўп чекмагил ғам, эй қўнгул, шодон бўл!
Майли олим бўлмасанг ҳам, аввало инсон бўл!

Иzzатингдан кечма асло молу дунё йўлида,
Борига шукр айлабон, сен соҳиби иймон бўл!

Майлига ишқинг йўлида айлагил умринг нисор,
Ҳам меҳр карвонларига бир умр сарбон бўл!

Аҳли шер ортига қайтмас, ҳеч сўзингдан қайтмагил,
Аҳд-вафо бобида мангу событиу султон бўл!

Гар амал отидадурсан ҳеч ўзингдан кетмагил,
Сенга кўз тиккан улуснинг дардига дармон бўл!

Меҳрибон фарзанд бўлиб, сен она-юрting асрагил,
Гар қилич келса бошигаким мудом қалқон бўл!

Эй, Зикрилло, сен Ватанинг шоиру посбонисан,
Мард элинг баҳтини асрраб, ҳар нафас хандон бўл !

Ўзбегим гўзаллари

(фазал)

Ўзбегимнинг гўзалларин нозу ибоси гўзал,
Нозу ибо бирла яна шарму ҳаёси гўзал.

Юзларин нақш олма-ю, кўзларин шаҳдолиги,
Сочларининг сунбуллиги, қоши қароси гўзал.

Атлас кийиб чиқса оҳ-оҳ, бу дунёга ўт кетар,
Хонатласу ипакларин ял-ял жилоси гўзал.

Ишқ бобида ҳар бири Лайли ила Ширинга тенг,
Севгисига садоқату аҳдга вафоси гўзал.

Назокатда Кумушойу Раънолардан дарс олиб,
Халқимга хос одобию нозик адоси гўзал.

Гоҳ меҳрибон волидаю, гоҳ азиз опа-сингил,
Гоҳ ёрижон бўлиб дилга сочган зиёси гўзал.

Сафларида олимаю шоираю хушхони кўп,
Ҳофизаси чертган сознинг сирли садоси гўзал.

Бири чевар тикувчиидир, бири моҳир пахтакор,
Барчасининг кўнглидек оқ дил муддаоси гўзал.

Мұҳаббат дейму, Малоҳат, Гулсанамми, Гулчирой,
Ўзбегим гулшанларин бор Гули, Раъноси гўзал.

Санамларга Самарқанду Бухорони бахш этиб,
Бўлган эрди Шерозийнинг назму навоси гўзал.

Зикрилло ҳам шайдо бўлиб гўзалларни мадҳ этар,
Гўзаллар борки, шоирнинг икки дунёси гўзал.



Фарзанд билан

Бул ҳаётнинг боғи қулгай гулсифат фарзанд билан,
Барча шодлик бирла баҳт келгай фақат фарзанд билан.

Ўтказур фарзандли уй ҳар лаҳзасин хуррам ва шод,
Лаблари кулгу сочувчи ул қуёш монанд билан.

Сўнмагай, мангу ҳаёт қолфуси умринг гуллари,
Дил шоҳингга ул дили куртак мисол пайванд билан.

Эй кўнгул, сен ҳам ғазал битмоқ эсанг фарзанд учун,
Ёз қўшиб ҳар бир сўзингни болу асал, қанд билан.

Гар ўзингта ўхшаса, Зикрилло, минг фахр айлагил,
Эл аро ҳурмат қозонган ул азиз дилбанд билан.



Яралгай

Тоңгда күөш кулгай, зиё яралгай,
Боглар аро савти сабо яралгай.

Савти саболарга қўксимни очсам,
Кўнглим ичра ажиб садо яралгай.

Ажиб садоларга қулоғим тутсам,
Кўз олдимда гўзал маъво яралгай.


Гўзал маъволарда сайдир айласам мен,
Тилимда бир дилбар наво яралгай.

Дилбар наволарим ёрга бахш айлаб,
Дилимда ишқ бирла вафо яралгай.

Мехру вафоларга садқа бу жоним,
Мехру вафолардан дунё яралгай.

Мехр сарчашмасин асройлик, дўстлар,
Ирмоқлар қўшилиб дарё яралгай.

Муҳаббат куйчиси бу Зикриллонинг
Юрагидан меҳригиё яралгай.



Яхшилик қыл

Бүлай десанг ҳурматда, эл ичидә иззатда,
Үз халқынға, албатта, яхшилик қыл, яхшилик.

Гоҳ шоху султонға ҳам, гоҳ бир ғарип жонға ҳам,
Хаттоқи ёмонға ҳам яхшилик қыл, яхшилик.

Яхшилар бор дунё кенг, ҳар сўзи олтингга тенг,
Бел боғлаб, ҳимарив енг, яхшилик қыл, яхшилик.

Яхшилар ер ошини, ёмон эса бошини,
Отма таъна тошини, яхшилик қыл, яхшилик.

Яхшилардан от қолар, ёмондан-чи, дод қолар,
Номинг умрбод қолар, яхшилик қыл, яхшилик.

Мастона-мастона

Мени тарк айлама асло,
гўзал жонона-жонона,
Жамолингга ўзим танҳо
бўлай парвона-парвона.

Кел, эй сен кўзлари чўлпон,
ушалсин аҳд ила паймон,
Кезайлик ишқ аро хандон
гўзал Тошкенту Фарғона.

Ўзингсан, эй гули раъно
ҳаётимга асл маъно,
Сенингсиз билки, эй жоно,
кўнгил вайрона-вайрона.

Рақиблар сўзиdir рӯё,
инонма анга, эй зебо,
Бокурман туну кун, эвоҳ,
сенга ҳайрона-ҳайрона.

Изларингдан излаб паноҳ,
кўнглимдир кўқда кезган моҳ,
Фироқингда чекурман оҳ,
бўлиб девона-девона.

Зикриллонг бўлди-ку нолон,
тараҳхум айла, эй жонон,
Яшайлик иккимиз шодон
бўлиб мастона-мастона.

Кўнглимдадур

Субҳидамнинг сабосига кўксим очдим,
Субҳидамнинг саболари кўнглимдадур.

Муҳаббатнинг дарёсига ўзим отдим,
Ишқ дарёсин жилолари кўнглимдадур.

Мен ёримни гулим дебон таъриф этгум,
Гулимнинг ноз-иболари кўнглимдадур.

Ишқ боғида булбул бўлиб наво этдим,
Муҳаббатнинг наволари кўнглимдадур.

Нозлар қилиб ҳижронида куйдирса ҳам,
Ёрнинг жабру жафолари кўнглимдадур.

Ошиқ бўлиб, Зикрилло, шеър-ғазал битгум,
Ғазал мулкин имлолари кўнглимдадур.

Мен бир умр ишқ - вафони куйлаб ўтгум,
Садоқатнинг дунёлари кўнглимдадур.

Яшарман

Юртим, бофу бўстонларингда
 шоду хандон кезиб яшарман,
 Кушдай учиб осмонларингда,
 сойларингда сузиб яшарман.

Богимга гул-райхонлар экиб,
 ишқ йўлида жонимни тикиб,
 Еримга деб ёниб, энтикиб
 гулдасталар тузиб яшарман.

Дўсту ёрга меҳримни сочиб,
 фанимларга қаҳримни сочиб,
 Яхшиларга бағримни очиб,
 ёмонлардан безиб яшарман.

Гоҳ қалбимни ёқса армонлар,
 ёрсиз ўтган ҳижронли онлар,
 Булбул каби чекиб фифонлар,
 юрак-бағрим эзиб яшарман.

Бевафодир бу кўҳна дунё,
 оқилларга кун бермас гоҳо,
 Шундай дамлар солиб вовайло,
 дунёларни бузиб яшарман.

Орзуладим ошсин рўёбга,
 олам тўлсин нурү зиёга,
 Чулғансин деб диллар навога
 шеър-ғазаллар ёзиб яшарман.

Баъзан умр

Баъзан умр ўтар-кетар, бир шам ўчгунча,
Ё бир карвон манзилидан аста кўчгунча.

Адо бўлар не-не дониш, оқиллар умри,
Бу дунёнинг сирларини бир-бир ечгунча.

Гулдан гулга кўниб ҳалак бўлгай капалак,
Бир гулшанинг тулобидан қониб ичгунча.

Не-не ҳижрон азобларин чеккайдир ошиқ,
Ёр васлига етиб токи уни қучгунча.

Ишқ дардини ёр ишқида ёнгандан сўранг,
Муҳаббат, бу — қийноқлару қонга ўч фунча.

Зикрилло ҳам ишқ йўлига тикмиш ўз умрин,
Жондан кечиб қўйгайдир у, ёрдан кечгунча.

Софинтипар

Бу оламда ўтган онлар
бир кун бизни софинтипар.
Дилга яқин қадронлар
бир кун бизни софинтипар.

Дийдор азиз, дийдор ғаниматдир,
унинг қадрин билинг,
Жондан азиз дўст-ёронлар
бир кун бизни софинтипар.

Болаликнинг шүхликларин
қўмсаб юракни ёққаймиз,
Чексиз дала-ю ёбонлар
бир кун бизни софинтипар.

Ёшлигимиз ўтган ҳар бир
манзил эрур жондек азиз,
Хатто дашту биёбонлар
бир кун бизни софинтипар.

Оҳ, нақадар сеҳрлидир
муҳаббатнинг дунёлари,
Гўзал сайри гулистонлар
бир кун бизни софинтипар.

Неки ўтмиш бари азиз,
неки ўтгай – хотира,
Ортга қайтмас ул замонлар
бир кун бизни софинтипар.

Қайдадир мард отажоним,
қайда мунис волидам?

Ул азизу меҳрибонлар
бир кун бизни соғинтирас.

Дўйстлар, билинг бу оламда
азиз одамлар қадрини,
Саховатли, мард инсонлар
бир кун бизни соғинтирас.

Гоҳо танҳо қолиб маъюс
олисларга термулгаймиз,
Ушбу замину осмонлар
бир кун бизни соғинтирас.



Билингай

Кўклам келганлиги қорлар эришидан билингай,
Боғда бодомларнинг гулга киришидан билингай.

Тонг оттани субҳидамда қушларнинг сайроғи-ю,
Кўкда гўзал тонг юлдузин қулишидан билингай.

Ошиқ аҳлин юрагини туганмас туғёнлари-
Кўкси аро қалбин дук-дук уришидан билингай.

Санамларнинг ноз-ибоси бирла нозик адоси
Товус мисол иболаниб юришидан билингай.

Қиз қалбига ишқ-муҳаббат учқунин тушганлиги,
Ширин-ширин ўй-хаёллар суришидан билингай.

Йигит қалбида ишқ ўтигининг гуллаб, чечак отгани
Қизлар билан сирли сұхбат қуришидан билингай.

Эй ёронлар, дўсту ёрнинг қанчалик содиқлиги
Оғир дамларда ёнингда туришидан билингай.

Шоир аҳлин довотининг нақадар асилиги
Сиёҳининг қанчалик тез қуришидан билингай.

Эй Зикрилло, шеърларингни қанчалик дилбарлиги
Юракларда қанча кўп қолишидан билингай.



Ёр учун

Күйлагайман бу ҳаётда ёр учун, дилдор учун,
Ёр учун ошиқ дилимда ўтли ишқим бор учун.

Бир боқиб оху мисол ақлимни олмиш ул пари,
Оқ чекарман туну күн ул күзлари хумор учун.

Бўзлагайман ҳажрида зор андалибдек ўрганиб,
Боғ аро шому саҳарлар гул учун, гулзор учун.

Оразин бир кўрмасам, оташда минг бор ёнаман,
Ул санамсиз кўзларимга икки дунё тор учун.

Тарки ишқ этгил деёлмас, воҳки, менга ҳеч киши,
Ишқ аро Мажнунлигим эл-юрт аро ошкор учун.

Айб эмасдир, бир умр Зикрилло ёр деб чекса оҳ,
Ошиқ аҳликим жаҳонда жон берар дийдор учун.

Куттай

Азиз мухлисларим мендан
мудом шеъру ғазал куттай,
Ки мен болариман гүё
алар мендан асал куттай.

Ширин фарзандларим тунлар
«дада, эртак»лашин қўймас,
Нозиктаъб дўстларим эрса
нетай «Зарбулмасал» куттай.


Саодатли бу дамларни
менам ғоят соғингайман,
Ахир илҳом келар чоғин
қалам аҳли азал куттай.

Хаёл уммонига гоҳо
чўмиб, дурдона изларман,
Гоҳо фикру хаёлимни
самоларда Зуҳал куттай.

Она юрт мадҳида, дўстлар,
дилим яйраб қалам сурсам,
Дилимнинг оташин ишқин
париваш бир гўзал куттай.

Гоҳи ой, гоҳи юлдузлар,
гоҳо кўклам ила ёзлар,
Кўнгил боғимга йўл излаб,
келишин галма-гал куттай.

Дилимни мисли чўғ айлаб,
Зикрилло, мисралар битгум,
Юракдан сачрамас сўзни,
 биларманки, ажал куттай.



Майнинг оҳанрабоси

Май келди ўлкамизга, майсалар бошоқ тортди,
Нур тегди елкамизга, ёмғирлар адоқ тортди.

Дош беролмай қүёшнинг ўтли ҳароратига
Тоғлар ортига қочган қорлар йиғлаб, оҳ тортди.

Қадаҳларин шабнамга тўлдириб қизғалдоқлар,
Қаранг, дашту қирларга лашкар беадоқ тортди.

Боғбон бобом олдида ёруғ бўлсин деб юзи,
Олучалар юзига офтоб ол бўёқ тортди.

Тагин деҳқон бобомнинг мўл бўлсин деб ҳосили,
Майсаларнинг сочига у олтин тароқ тортди.


Бул ажиг лаҳзаларда сайри гулистон истаб,
Кимнинг хаёлин боғу кимнинг дилин тоғ тортди.

Сархуш айлабон офтоб, гуллар сочди-ю гулоб,
Маст айлаб кўнгулларни ишқу иштиёқ тортди.

Ёр васлига етолмай ошиқу зор кўнгиллар
Дарду ҳижрон азобин, айниқса, кўпроқ тортди.

Майи ноб ичиб, дўстлар, май мадҳин ғазал қилсам,
Майнинг оҳанрабоси сал бошқачароқ тортди.

Майнингни кўй, Зикрилло, тезроқ боғ сайрига чик,
Чаман ичида бир гул сени деб фироқ тортди.



Сарвинозим

Сарвинозим, бир бора кулиб қўя қолсанг-чи,
Дилимдаги дардимни билиб қўя қолсанг-чи.

Юргунча нозлар қилиб, юрак-бағримни тилиб,
Софинганимни билиб, келиб қўя қолсанг-чи.

Бўлиб сен гулу райҳон, бағримни эттунча қон,
Сабо бўлиб, мен томон елиб қўя қолсанг-чи.

Ошиқ тўла ҳар ёғинг, ёндирап алам-доғинг,
Сен уларга қовоғинг солиб қўя қолсанг-чи.

Лоф демишсан ҳолимни, дилдаги түғёнимни,
Ундан қўра жонимни олиб қўя қолсанг-чи.

Зикрилло дер: эй ёрим, битди сабру қарорим,
Келиб, баҳорим бўлиб қўя қолсанг-чи.

М У Х А М М А С Л А Р



НАВОЙЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бахтли улдир, кимниким жондин азиз дилдори бор,
 Гарчи ул ёр ҳажридин қўнглида оҳу зори бор
 Ҳам шу дилдор васлидин дил дардларига дори бор,
 Кимки, онинг бир малаксиймо, париваш ёри бор,
 Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор.

Не ажабким, чирмашур сунбул ила райҳон агар,
 Бир садафда жо бўлибдур лаъл ила маржон агар,
 Тонгтча дийдорлашур булбул ила бўстон агар,
 Кеча улким чирманур бир гул ила, не тонг агар,
 Фунчадек ҳар субҳ ўлиб хандон нишот изҳори бор.

Ошиқ аҳлин қайтаролмас ишқ йўлидин дорким,
 Англай олмас даҳрапо ул ёр ким, ағёр ким,
 Чархи қажрафтор аро турфа синоат борким,
 Йўқ ажаб, булбулға гул шавқидан ўлмоқ зорким,
 Пардин, ўқ жисмиға санчилғон ададсиз хори бор.

Не қилай, дилбар, дилим ишқинг ила лим-лим эрур,
 Абри найсонлар кўзимдин сачраган мунгим эрур,
 Ушбу кун Фарҳод ила Мажнун менинг тенгим эрур,
 Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглим эрур,
 Анкабутеким, анинг жон риштасидин тори бор.

Тотли қисматдур жаҳондин ёрижон деб ўтмагим,
 Орзудир ул моҳирўй васлига бир кун етмагим,
 Қолмас эрди туш бўлиб ул моҳ илкин тутмагим,
 Сунбули зулфи агар ошуфтадир, айб этмаким,
 Гул юзунда ётқон икки нозанин бемори бор.

Дил узиб бўлғайми ҳай-ҳай, ул шўхи жононадин,
 Ҳам шўхи жанона-ю, ҳам нарғизи маstonадин,
 Шаъм эмас, жонни сўранғиз мен каби парвонадин,



Айлаб ўзни масти беҳуд чиқмасун майхонадин,
Кимки мендек давр элидин күнглида озори бор.

Күзга суртиб бир умр ишқу ижобат риштасин,
Дилга жо этгил, Зикирий, чин садоқат риштасин,
Парчалаб оташга отғил ҳажру оғат риштасин,
Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

БОБУР ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бағрима тиғ солғон ул ишқұ фунчасин пайконидур,
 Ёду фикрим олғон ул гулюзлигим жавлонидур,
 Гулдайин васлига етмоғлиғ күнгүл армонидур,
 Гул жамолин ёпғон ул гулнинг ики райхонидур,
 Фунча сирин очон ул икки лаби хандонидур.

Томчи болдек хол дурур шўх нарғисининг устида,
 Гёё Зухро лол дурур ой- фонусининг устида,
 Воҳқим, ул моҳ нечун турмас сўзининг устида,
 Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг устида,
 Гул уза ағнар магар ул иккининг давронидур.

На қиё боқдай ниғоро, на бирор дам кел, дегай,
 Ўй-хаёлим ёр сари савти сабодек ел, дегай,
 Кўзларим ашкини ногоҳ кўрса инсон сел дегай,
 Ўқи заҳмини кўриб ҳар ён танимда эл дегай,
 Ким бу кўҳи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.

Жонима қасд айлағон ул шўхи маҳваш қошидур,
 Қош ила киприкларининг ўшурун кенгошидур,
 Туну кун бошимғаким ёққон маломат тошидур,
 Сел эмасдир ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
 Раъд эмасдур кўкка чирмашқон күнгүл афғонидур.

Даҳр аро йўқдир анга бир мубталои мен киби,
 Йўқ эрур ҳажри аро буткул фидойи мен киби,
 Бўлмағай васлини бир зору гадойи мен киби,
 Ложарам бўлғай паришону ҳавойи мен киби,
 Зарра янглиғ кимки бир хуршед саргардонидур.

Бу фалак феълига боқсам, ёсумандек телбадур,
 Балки ул ҳам ёр кўйида худди мандек телбадур,
 Кулма, эй Мажнун бу кун Зикрулло сандек телбадур,
 Ул пари ишқида, Бобур, кўнглим андоқ телбадур,
 Ким сочи занжиридур, чоҳи зақан зинданидур.

МАПИРАБ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Софиниб қолдим-ку лол, номеҳрибоним, қайдасан?
 Эй менинг қоши ҳилол, сарви равоним, қайдасан?
 Ҳажр аро қўмсаб висол ўрганди жоним, қайдасан?
 Эй, менинг нозик ниҳол, оромижоним, қайдасан?
 Бу кўнгул бўстонида фунча даҳоним, қайдасан?

Дилни сархуш айлаган ул чашми хуморинг эрур,
 Жонима зулм айламаклик туну кун коринг эрур,
 Нозми бу шайдоларингга ёки озоринг эрур,
 Неча кундир бу кўнгул муштоқи дийдоринг эрур,
 Ўргилай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Не қиласки, оразингдин ушбу кун бўлдим жудо,
 Офтобим васлидин бул қора тун бўлдим жудо,
 Сарвиноз, дилдордин оҳ, мен нечун бўлдим жудо?!
 Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдим жудо,
 Ахтариб келдим сени, фунча даҳоним, қайдасан?

Келмадинг, эй шўхи жоно, ҳаргиз аҳволим сўраб,
 Майли дердим келсанг ҳатто, жисм аро жоним сўраб,
 Тобакай оҳлар чекурман, сендин иқболим сўраб,
 Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмадинг ҳолим сўраб,
 Эй, менинг хуш меҳрибон, ороми жоним, қайдасан?

Фарқ бўлибон ушбу тун ҳажру алам дарёсида,
 Кўзларим отгунча тонг қолмиш фалак Зухросида,
 Ишқ чақмоғи чақилғач кўзларинг шаҳлосида,
 Кўзларим кўрмас бўлиб қолдим бу фам саҳросида,
 Ҳасратингда чиқди бу оҳу фифоним қайдасан?

Гул юзинг кўргунча ўлдирди мани ҳажру азоб,
 Энди васлинг бирла жон баҳш айлагил, эй моҳитоб,
 “Ери жоним, кел!” — дебон Зикрилло этғайдир хитоб,
 Ташналабдур, Машрабо бўлди юраким ҳам кабоб,
 Фурқатингда, эй менинг оҳу фифоним қайдасан?

ФАРИБИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Қай париваш чеҳраси хуршиди тобонимча бор,
 Қай сулувнинг ишваси ул нозли жононимча бор,
 Қайси ошиқ ҳоликим, ҳоли паришонимча бор,
 Қайси бир гулчехра ул гулбарги хандонимча бор,
 Қайси бир шамшодқад сарви хиромонимча бор?

Ул санамнинг ишқига жону дилимни банд этай,
 Неки банд, балки анинг жонига жон пайванд этай,
 Ул гўзал дилдор учун лутфимни болу қанд этай,
 Қайси бир хуршидсиймони анга монанд этай,
 Қайси маҳваш орази шаъми шабистонимча бор?

Эзмаса бағрин булатким зарра осмон йиғламас,
 Бесабабдин - бесабаб ҳеч лаҳза инсон йиғламас,
 Ёнмаса ҳижронда булбул тонг-ла нолон йиғламас,
 Қайси бир дамким кўзум ҳижронидин қон йиғламас,
 Қайси бир сели бало бу чаҳми гирёнимча бор?

Ёра бўлган ўтли ишқим мисли шабнам пок эрур,
 Лек ҳануз васлига етмасдин дилим ғамнок эрур,
 Неки ғамнок, ғам тифидин минг тилинган нок эрур,
 Қайси бир гул қўнглаки кўксум киби юз чок эрур,
 Қайси булбул ноласи фарёду афғонимча бор?

Оҳқим, севмак жаҳонда айб эмас, макруҳ эмас,
 Ишққа эврилмас эса, ул жон эмас, ул руҳ эмас,
 Андалибга гул азоби ғам эмас, андуҳ эмас,
 Қайдидирким мен киби ул ғамзадин мажруҳ эмас,
 Қайси коғир, қон қилурда номусулмонимча бор?

Жони йўқ бир тан билингиз, нозли жононсиз мени,
 Заъфарон бўстон билингиз, гулирайхонсиз мени,
 Кетса гар ёрим, кўурсиз лаҳзада жонсиз мени,
 Қайси бир андуҳ ўтиким ўртамас онсиз мени?
 Қайси дўзах ўти, ёраб, сўзи ҳижронимча бор?

Ул париваш сочиға жон риштасин зулф истасанг,
Васлига етказ дебон, Оллоҳдин лутф истасанг,
Эй Зикирий, нозанин ул ёра кел деб қистасанг,
Гар парищон назминга ислоҳдин зеб истасанг,
Эй Фарибий қайси бир, шоҳи сухандонимча бор?



ҲАМИД ОЛИМЖОН ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Нетай, ишқингда, эй жоно, мудом ошуфтаҳол бўлсам,
Нигоҳбонинг киби тунлар бошингда ой-ҳилол бўлсам,
Булоғингдан оқиб ётган тиниқ оби зилол бўлсам,
На бўлғай бир нафас мен ҳам яногинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Қучогингда мисоли гул каби яшнаб узун кунлар,
Қувончингдан ёниб гулгун, ғаминг кўрсам, бўлиб хунлар,
Кезиб саҳрою даштингда, бўлиб Фарҳоду Мажнунлар,
Бутоғингта қўниб булбул, каби хониш қилиб тунлар,
Үпид ғунчангни очмоқликка тонг чоги шамол бўлсам.

Номингни янгратиб юрсам бу ён Мағриб, бу ён Машриқ,
Мудом қалбимда жо бўлса – Ватан дарди деган оғриқ,
Баҳор чоги эсиб турган майин боди сабо янглиғ -
Бўйингни тарқатиб оламни қилсан маству мустағриқ,
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Агар чексиз само бўлсанг, бўлиб бағрингда бир юлдуз,
Агар сен зўр чинор бўлсанг, бўлиб пойингда бир илдиз,
Сени баҳту камолинг деб дилим ўртаб кеча-кундуз,
Сенинг бирла қолиб бу маству лол оламда мен ёлғиз,
Ўзимни ҳам тополмай, майлига охир хаёл бўлсам.

Нетайким, сен учун ёнмок, бу - дарди бедаво бўлса,
Кечарму ёридан ошиқ дилида ишқ- вафо бўлса,
Чидарман майлига қанча жабр бирла жафо бўлса,
Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бўлсам.

Дилим ҳеч тушмагай айро бу боқий бояғи бўстондан,
Ахир, қай бир ою юлдуз кечар феруза осмондан,
Сени асрай мудом турли қабоҳат бирла тўфондан,
Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўхтондан,
Рақиблар рашикига кўкрак керай майли қамол бўлсам.



Күёшдай термулиб ётсам гўзал ҳусни жамолингта,
Юрагим тул қилиб тақсам ўшал қадду камолингта,
Сўлим боғ-роғларинг кезсам, дўниб ҳур-ҳур шамолингга,
Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингта
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.



АБДУЛЛА ОРИПОВ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Алвидосин айтди-ю, ул күзлари шаҳло бу кун,
 Сим-сиёх бўлди кўзимга бевафо дунё бу кун,
 Во ажабким, Мажнунин тарқ айламиш Лайло бу кун,
 Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
 Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун,


Тош бўлиб қотдим бу дам, юрмакка ҳолат қолмади,
 Ҳажр аро мен чекмаган ранжу маломат қолмади,
 Шум рақиблар сори юз бурмакка тоқат қолмади,
 Чехраи заррин сира кўрмакка ҳожат қолмади,
 Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун.

Эй рафиқ, ҳолим сўрар эрсанг, танангга ўйлаким,
 Дилда дардим лиммо-лим, аста авайлаб сўйлаким,
 Кетмасин тарс ёрилиб, ногоҳ анордек сўймаким,
 Шарҳи дил этмай туриб, рад этди ёрим бўйлаким,
 Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилло бугун,

На қилайки, йўқ экан бу ишқ йўлида омадим,
 Ёни жондин севганимми айбим, англай олмадим,
 Алл эдим, ёй бўлди-ку ҳижрон ғамидин қоматим,
 Нун лабинг узра ҳилолдек қолди сокин ҳолатим,
 Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Ёрга етмоқдин дилимнинг ўзга шарти йўқ, не тонг,
 Соф муҳаббат жо анга, заррача гарди йўқ, не тонг,
 Ёр жафосидин ва лек санчилди ҳадсиз ўқ, не тонг,
 Багри қонлар бирла ёрнинг зарра дарди йўқ, не тонг,
 Кўкда ҳам иблис ила машғул эрур олло бу кун.

Ошиқ аҳликим азал дарду аламга қул экан,
 Аҳли зофроҳатда-ю, ҳасратда зор булбул экан,
 Ишқ аро ёнган кангул қисматда охир кул экан,
 Чархи қажрафторнинг шеваси доим шул экан,
 Васл уйида гайр эли айлаб юрар ялло бу кун.



Гар туғылсам қайтадан, бир айланиб дунё агар,
Ёри жоним, дер эдим, ўлдирса ҳам зебо агар,
Бошинг узра баҳт қуёши қўнса, Зикрулло, агар,
Ёр висоли толеингда бўлса, Абдулло, агар,
Сенга парво қиласалар ҳам қилмагин парво бу кун.



ГУЛХАНИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ёқди-ю қалбимга ўт қоши қаролардин бири,
Ул пари күйида бўлдим мубталолардин бири,
Мубталолар ичраким, мотамсаролардир бири,
Етмади Мажнунға мен кўрган балолардин бири,
Ҳажр водийси аро чеккан жафолардин бири.

Сайд каби кўнглимфа йўқдир эмди ҳеч озодлиғ,
Сўз очар бўлсан, сўзим ҳам оҳ ила фарёдлиғ,
Васлига то етмасам тарк айламас ношодлиғ,
Раҳм этиб, ҳолимни сўрмаслар, кўринг, бедодлиғ,
Сиймбарлардин бири, гулгун қаболардин бири.

Кўзга суртгум соғиниб, ёр, изларингни гардини,
Сўйла не истар дилинг, шаксиз бажаргум шартини.
Ишқу оташда синарлар эр йигитнинг мардини,
Доша изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини,
Ишқ ойинида улдур беҳаёлардин бири.

Эй кўнгул, сен бир умр ёнмас юракдан кутма чўғ,
Ялт этиб чақдан биланким гулдиракдин кутма чўғ,
Ёр қоши тийра камон, мужгонлариридир мисли ўқ,
Қошу кўзи зулфи бирлаким улфат тутма чўх,
Қилмасин расво сени юзи қаролардин бири.

То тирикман ёр учун ёнмоқни одат айларам,
Ишқ гағжини авайлаб жон-дилимга жойларам,
Ул гўзал дилдорсиз мен бу жаҳонни найларам?
Сенга, эй Мажнун, жунун илмида таслим айларам,
Сен расолардин бири, мен норасолардин бири.

Беқиёс меҳринг ила ром айладинг дунёни сен,
Асрар энди бир умр ул бебаҳо маъвони сен,
Ёр, куйингда жонфидо билғил Зикриллони сен,
Гулханий тинмай дуо қилғил шаҳи волони сен,
Негаким ул подшоҳдур, сен гадолардин бири.



ХУВАЙДО ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Оразингта, эй пари, кўркам гулистон ўхшамас,
Лабларингни лаълига лаъли Бадаҳшон ўхшамас,
Тишларингни дуриға инжую марジョン ўхшамас,
Ой юзингни нуриға шаъми шабистон ўхшамас,
Кўзларингни шўхиға Мирриху Чўлпон ўхшамас.

Масканинг бўлмиш мудом шўх оҳу жайронлар аро,
Кўрдиму ҳуснингни, қолдим оҳу афғонлар аро,
Не ажаб, ороми жонсан офати жонлар аро,
Силкиниб, бир-бир босиб кирсанг гулистонлар аро,
Қоматингни нахлига сарви хиромон ўхшамас.

Сочи сунбул йўқ сенингдек сочи сунбуллар аро,
Серфифони йўқ менингдек зор булбуллар аро,
Йўқ эрур кўнглим каби дардманди кўнгуллар аро,
Гар табассум айласанг гулшандаги гуллар аро
Лабларингни рангиға гулбарги хандон ўхшамас.

Ёр кўйингда ёш тўкарман, кўзларимни ашки чин,
Ҳар кишидан қизғонурман билки қалбим рашки чин,
Оҳ, мени севғанлигинг ҳам бўлса эрди кошки чин,
Кокилингни бўйиға шарманда эрур мушки Чин,
Тишларингта гавҳари дарёйи уммон ўхшамас.

На бўлур, ёр, ошиғингга бир табассум айласанг,
Бул ғариб Зикриллоға бир бор тараҳҳум айласанг,
Ишқ қўшиғин мен ила куйлаб, тараннум айласанг,
Бул Ҳувайдоға боқиб бир-бир такаллум айласанг,
Назму ширин сўзингга тўти-ю хушхон ўхшамас.

ЭРКИН ВОХИДОВ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Жилмайиб кулганда офтоб ҳур Ватан осмонида,
Шуълалар ёнганда гулнинг фунча-ю хандонида,
Қўзғолиб қалбим яна ашъору ёр туфёнида,
Истадим сайдир айламакни мен ғазал бўstonида,
Кулмангиз, не бор санга деб Мир Алишер ёнида?

Не ажаб, ошиқ дилимнинг орзу-ю армони кўп,
Бу ҳаёт саҳросида туйғуларим карвони кўп,
Шоир аҳлин қалбига дерлар, ғазал, достони кўп,
Шеърият дунёси кенг, гулзори кўп, бўstonи кўп,
Ҳар кўнгил арзини айтар, неки бор имконида.

Эй кўнгул, қандоқ ёзай арзимни деб ғам ютмагил,
Бармоғу сарбастда ёзғил, ҳеч мани тинчитмагил,
Гоҳ аруз вазнида ёз, зинҳор ани ранжитмагил,
Эй мунаққид, сен ғазални кўхна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида.

Бўлса гар ёринг гўзал ҳамда иболи, жонажон,
Мадҳига битгил ғазал-у, васлига баҳш айла жон,
Севги мадҳидан азал нурларга тўлгайдир жаҳон,
Тошга ҳам ширин ғазал баҳш айлагай оташ ва жон,
Шавқ ўти ёнса агар шоир-ғазалхон қонида.

Ҳар юракда бир ҳавас бор ноумид дунё эмас,
Лек вафо бобида ҳамма событу танҳо эмас,
Ялтираб турган билан мис парчаси тилло эмас,
Рост, ғазал бобида барча ой или Зухро эмас,
Кўп эрур сомончиilar ҳам Шеърият осмонида.

Дилни мафтун айлаган Ишқу ижод дунёсидир,
Бўйлаким, Зикрилло-Мажнун, шеър анинг Лайлосидир,
Йўқ, ғазалмас ёзганим, ошиқ дилим иншосидир,
Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидир,
Ёш денгу маъзур тутинг, саҳв ўлса гар девонида.



ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бу жаҳонда севгидек соз сехру жоду бўлмагай,
Ишқ қуёши борки, олам ҳеч қоронғу бўлмагай,
Бўлмаса қалбларда ишқ, лабларда кулгу бўлмагай,
Ишқ-муҳаббатдан буюк дунёда туйфу бўлмагай,
Ишқ асир этган қаро кўзларда уйқу бўлмагай.

Воҳки, эрдим мен элимнинг эркатой бир боласи,
Ёқдию ногоҳ дилимни ўтли булбул ноласи,
Ром этиб кўнглимни олди бир чаманнинг лоласи,
Айни ёшлиқ пайти бўлдим бир гўзалнинг воласи,
То ҳануз кўнглим ўшал туйфудан айру бўлмагай.

Кўйида парвонадек куйдирди ул моҳитобон,
Измида гоҳ боғу рофу, гоҳи кездим дашт-ёбон,
Англадимки: ишқ ёмондир, ошиқ ўлмоқлик ёмон,
Ўйламанг, бошдан-охир ишқ бир улуғ байрам дебон,
Забтига олса бу янглиғ дарду қайғу бўлмагай.

Ёрдан айро тушмагумдир, гарчи у боқмас қиё,
Ёрсиз олам зимистон, кунларимдир сим-сиёҳ,
Ишқ эрур дардларга дармон, ишқ эрур меҳригиё,
Ишқсиз кўнгил биёбон – гул-гиёҳсиз, зим-зиё,
Унда боғу чашмаю булбул ва оҳу бўлмагай.

Гарчи минг бағримни қон айлайди ҳижрон даҳшати,
Гарчи рангимни сомон айлайди ҳижрон даҳшати,
Сабру бардошим кўриб, йиғлайди ҳижрон даҳшати,
Ошиқ аҳлин имтиҳон айлайди ҳижрон даҳшати,
Бунча зарбу изтиробу бунча оғу бўлмагай.

Эй кўнгул, бедорлигингга ишқу олийдир сабаб,
Соҳиби ашъорлигингга ишқу олийдир сабаб,
Зикриё, беморлигингга ишқу олийдир сабаб,
Бу жаҳонда борлигингга ишқу олийдир сабаб,
Бундан ортиқ, эй Ниёз, шавқ бирла орзу бўлмагай.

СИРОЖИДДИН САЙЙИД ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бу оламда мени гирён яратмишлар,
Юрак-бағрим тұла түгён яратмишлар,
Дилимнинг қонидан вулқон яратмишлар,
Ишқ бобида мени нолон яратмишлар,
Булбұл каби бағримни қон яратмишлар,

Мұҳаббат боғидан хуш бүй таратмишлар,
Бу гулшанга сұнг мани зор қаратмишлар,
Күзимнинг ёшидан уммон яратмишлар,
Дилимдан менга бир тұғон яратмишлар,
Бу тұғондан үзимга жон яратмишлар.

Юртимга жонимни жонажон айлаб,
Халқымга қалбимни меҳрибон айлаб,
Дүстни мард, душманни нотавон айлаб,
Бошимга осмонни соябон айлаб,
Қуёшу ойдан посбон яратмишлар.

Мани Мажнуну Фарҳоддир чин аждодим,
Мудом ёру диёримда фикру ёдим,
Хаёлимда яшар мангу паризодим,
Билинсин деб тамом ободу барбодим,
Бу ишга ишқ деган имкон яратмишлар.

Ҳаётда гоҳ ғайр аъмолини кўрдим,
Гаҳи курмак кемирган шолини кўрдим,
Тарож бўлган ғарибнинг молини кўрдим,
Гаҳи дил аҳлиниң аҳволини кўрдим,
Ажабким, ер билан яксон яратмишлар.

Юкинмай номардга ҳаттоки оч пайтим,
Кабоҳат йўлидин ҳар лаҳза мен қайтдим,
Нафс аҳлидан зинҳор сўрмайин қайтим,
Дили йўқ кимсани кўрганда айтдим,
Ки бу бечорани ёлғон яратмишлар,

Мудом аҳдим эрур элга шериклик,
Тиз чўқмасман ёв келса минг чериқлик,
Ёвга хосдир сарғаймоғу чириқлик,
Менинг ёдим эрур бори тириқлик,
Заминдан то само гирён яратмишлар.

Айро тушмам ҳеч ижод отли карвондан,
Сабоқ олгум мудом сахийқалб сарбондан,
Лек бир жумбоқ қолдирап мени дармондан:
Нечун бунёд этиб дунёни армондан,
Ва мендан бир жаҳон армон яратмишлар?



ТОШПҮЛАТ ҲАМИД ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Аё дўстлар, кўнгулда не муродим бор, аён айлай,
 Рафиқлар кўнглини шоду, рақиб кўнглини қон айлай,
 Она, юрт меҳрига мангу юрагимни макон айлай,
 Диёр васфига, дўстлар, бор бисотимни жаҳон айлай,
 Жаҳонни гулга буркай, мангуликка жовидон айлай.


Замин сархуш бўлиб, хушҳол чамандек яшнаса осмон,
 Очиб кўз қир-адирларда чечаклар бошласа исён,
 Илоҳий туйғулар сархуш дилимга солсалар туғён,
 Дараҳтлар гулласа, гулга кўмилса новдалар ҳар ён,
 Мен ҳам гул шохини булбул мисоли ошиён айлай.

Не кунлар кечмагай дерсиз, йигит аҳли ҳаётида,
 Бўлибман гоҳи ҳижрону, гаҳи Ишқнинг қанотида,
 Кезибман гоҳида мағрур Гўрўғлиниң ғиротида,
 Ватан гулбоғларини мадҳ этиб қўшиқ қанотида,
 Дилим шодликларини бирма-бир шеърда аён айлай.

Нечоғлик мўътабарсан, эй Ватан, деб номланур хилқат,
 Бобуршоҳ қалбида қолди соғинч, армонли қат-қат,
 Ибн Синони ҳам ҳатто қувишга этдилар журъат,
 Муқимий дод солди, тинглади бошин эгиб Фурқат,
 Бугун мен толеимга минг шукр, мадҳи замон айлай.

Чекинсин ушбу оламдан разолат отли шум иллат,
 Садоқатдир бу очунда улуғ туйғу, буюк хислат,
 Дегайлар: “Чин одам эрсанг, Ватан тупроғини гуллат!”
 Ватандир осмон, ёрқин ситора унда ҳар миллат,
 Ки дўстлар юлдузин жамлаб, бошимга осмон айлай.

Не ўтларга ўзим урдим, самандардек шошиб қанча,
 Ажиб мўъжизалар кўрдим, дилим тўлиб-тошиб қанча,
 Тағин умрим кечар бешак, талошиб-тортишиб қанча,
 Кечиб дарё-ю денгиз, бофу роф, тоғлар ошиб қанча,
 Шу чексиз гул Ватан деб мен ўзимни пособон айлай.



Ватан юксалса, бас, майли умр абгор бўлиб қолса,
Етар, шеъру баётим то абад ёдгор бўлиб қолса,
Не тонг, Зикриллога бир кун бу дунё тор бўлиб қолса,
Агар ширин ҳаётим, Тошпўлат даркор бўлиб қолса,
Мана жоним фидо, деб ушбу лаҳза нақди жон айлай.



ЖАМОЛ КАМОЛ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Сенингдек орази гулгун, ажыб шириң забон бүлмас,
 Менингдек ошиғу дилхүн, ғарыбу нотавон бўлмас,
 Сўзингдек бераҳм Жайхун, кўзингдек осмон бўлмас,
 Лабингдек лаъли-ю майгун, юзингдек бўстон бўлмас,
 Менингдек сенга дилташна-ю, ошуфта жон бўлмас.

Ишон, эй лаблари болим, ўзингсан баҳту иқболим,
 Сочингдек толиму толим, паришон ўлди хаёлим,
 Нечун раҳм айламай жоним, забун айларсан аҳволим?
 Сен эй, сен дилбари золим, кўриб-ку сезмадинг ҳолим,
 Бу ҳолимдан баёнлар айласам, дардим аён бўлмас.

Дилингда шеъру достон деб маломат айлама, жоно,
 Ки ёринг ўзга жонон деб, жаҳолат айлама, жоно,
 Риёзат устиға доғи риёзат айлама, жоно,
 Хаёлинг еру осмон деб, хижолат айлама, жоно,
 Сенингсиз менга на еру, сенингсиз осмон бўлмас.

Суюнгайманки, дилда бебаҳо ганжи ниҳонинг бор,
 Кўзим мардумида мангут ватан тутган маконинг бор,
 Юрагим қаҳкашонида муқаддас ошиёнинг бор,
 Толеким, жаҳонда мен учун ишқу жаҳонинг бор,
 Ўшал оташ жаҳон бўлмаса, менга жаҳон бўлмас.

Ажаб, бу бевафо дунё ғарига беомон бўлди,
 Санамларда карам йўқ, оҳ, бу қандайин замон бўлди?
 Висолинг кўйида, жоно, рўйи-рангим сомон бўлди,
 Кошимдан нозу истифно билан кетдинг ёмон бўлди,
 Кошимга нозу истифно билан келсанг, ёмон бўлмас.

Киши кўргай ёмонлик бевафолик ўтидин ҳар дам,
 Раводир нотавонлик бенаволик ўтидин ҳар дам,
 Зикрилло бағридир қонлик бедаволик ўтидин ҳар дам,
 Жамол истар омонлик мубталолик ўтидин ҳар дам,
 Билар бечора лекин, унга бу ўтдин омон бўлмас.



ТОШПҮЛАТ АҲМАД ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй нигор, нозлар қилиб, ёндири маңа күп,
Бошима ҳижрон қүшин қүндири маңа күп,
Мен ғарипни жонидан түйдири маңа күп,
Санамо, қошинг қоқиб, куйдири маңа күп.
Жонима ўтлар ёқиб, ўлдири маңа күп.

Лол этиб ул қомати-зеболаринг,
Оқизиб кетди мани дарёларинг,
Бераҳм дунё экан дунёларинг -
Кипригинг остидаги шаҳдоларинг
Чақнатиб чақмоғига илдири маңа күп.

Сен учун энди юрагим ўтдадир,
На юрак, орзу тилагим ўтдадир,
Бу жаҳон ҳам энди балким ўтдадир,
Ошиқу шайдоларинг минг биттадир,
Маъшуку маҳвашлигинг билдири маңа күп.

Иzlарингга зор қўзим ҳайрон боқар,
Гўё тонг васлин кутиб, Чўлпон боқар,
Моҳитобим қайда деб, осмон боқар,
Дасталаб узган гулим гирён боқар,
Унга бир кўз ташламай, сўлдири маңа күп.

Оlam асли турфа гул кони эрур,
Гул узатмоқ - ошиқ армони эрур,
Ёрни ёрга ишқи эҳсони эрур,
Гул деган ошуфта дил қони эрур,
Қўлга ол, безътибор қолдири маңа күп.

Ол гулимни, садқаи жонинг кетай,
Гулни мен қалбингни ҳамроzi этай,
Гул билан Зикрилло дил рози этай,
Куч уни, бағрингга бос, рози кетай,
Аҳмадий бечорани толдири маңа күп.

СУЛАЙМОН ШОДИЕВ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ўзингсан ёру дилхоҳим, жамолингдан жудо қилма,
Етарму сенга дил оҳим, меҳрингдан нораво қилма,
Яхшиларнинг маконидин мени ҳеч мосуво қилма,
Мани, эй ёлғиз Оллоҳим, ёмонга ошино қилма,
Маконимни ёмонларнинг ёвуғинда бино қилма.


Ўзинг қўллаб юбор ҳар дам, «Илоҳим» деб нидо қилсам,
Учиб шиддатли лочинданай, агар сайри само қилсам,
На бўлгай, дўст дилин шодлаб, рақиб қалбин қаро қилсам,
Ҳаёт отлиғ бу очунда адашсам ё хато қилсам,
Жазога мустаҳқидирман, валие жондан жудо қилма.

Яшарман, мен юраклардан мудом меҳригигиё истаб,
Дилим дардини айтмоққа гўзал бир дилрабо истаб,
Даги фарёду ноламга ажиб оҳанрабо истаб,
Ўзинг боис бу оламга келибман бир зиё истаб,
Қарофимни очиб, кўнгил кўзимни нобино қилма.

Йироқлаб кетмагил ҳеч он, хаёлу фикру ёдимдан,
Яратил боғ ила бўстон манинг нурли ҳаётимдан,
Ки, завқ олсин еру осмон, гўзал шеъру баётимдан,
Аюрма аввало иймон, ишончу эътиқодимдан,
Фақир бандангни муслим аҳли ичра рўсиё қилма.

Таралгай ҳар тараф нурлар, агар кўксимни мен ёрсам,
Дилимнинг рангини тонг-ла қўёшнинг нурига қорсам,
Тавоғ айлаб, умид бирла меҳр меҳробинга борсам,
Қабул айла қаро тунлар тазарру бирла ёлборсам,
Илоё, ноумид қилма, гирифтари бало қилма.

То тирикман, бу оламдан ёмонларни қувай дейман,
Яхшилик шабнами бирла юракларни ювай дейман,
Муқаддас, она-юртимга мудом содиқ қолай дейман,



Ватанда күз очибман, шул Ватанда күз юмай дейман,
Ватансизлар қаторинда ғарибу бенаво қилма.

Үзинг ҳар ишга қодирсан, сүзингдек сүз қани, билмам,
Ходисот борки воқифсан, күзингдек күз қани, билмам,
Ақл-хушли бирор жоннинг сендан дил узганин билмам,
Ҳама тоатларимни бир ишорат бирла «ло» қилма.



ОЛИМЖОН ХОЛДОР ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Сен кетдингу, эй дилбар, гирёна бўлиб қолдим,
Жисму қаноти куйган парвона бўлиб қолдим,
Софинчларда сарғайган остона бўлиб қолдим,
Сен кетдингу оргингдан вайронга бўлиб қолдим,
Ўт олди вужудимни, девона бўлиб қолдим.

Ёр, кетдинг қаёнларга ёнимдан қадам тортиб,
Қолдим-ку аламларга, кундан-кун нолам ортиб,
Дил очдим фазалларга, мен ҳадсиз алам тортиб,
Тақдири азалларга шафқатсиз қалам тортиб,
Ҳеч кимга сирим айтмас - пинҳона бўлиб қолдим.

Асло парво қилмайдир теграмдаги ёронлар,
Дардим недир билмайдир теграмдаги ёронлар,
Сени бошлаб келмайдир теграмдаги ёронлар,
Холимни тушунмайдир теграмдаги ёронлар,
Ўзимга ўзим шу дам бегона бўлиб қолдим.

Нигоҳ ташлаб бир бора сенек сочи сунбулга,
Айланиб қолдим, ё раб, ошиқи зор булбулга,
Ҳар куни йўлинг пойлаб, оташлар солиб дилга,
Номингни қўшиқ айлаб, бир марта олиб тилга,
Найлайки, бу оламда афсона бўлиб қолдим.

Бу ҳолимга тоғлар ҳам тош қотди билолмасдан,
Софиниб, қароқлардан ёш оқди билолмасдан,
Кўнглимнинг осмонидан ой ботди билолмасдан,
Яқину йироқлар ҳам бош қотди билолмасдан –
Ўғирди юзин мендан, ҳайронга бўлиб қолдим.

Оҳ, ёр, нечун юз бурдинг, аламлар солиб жонга,
Юз бурдингу тиф урдинг ҳажрингда ярим жонга,
Зикриллонг бўзлар энди, чидолмай бу ҳижронга,
Шундай ҳам етар эрди ситамлар Олимжонга,
Ёзганим пароканда, мастона бўлиб қолдим.



ОМОН МАТЖОН ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўксимда гуллаган бир дараҳт унди,
Гулу япроқлари ёғдуга дўнди,
Кўклам каби елиб борурман энди,
Дилимнинг рангини гул билса бўлди.
Менинг кимлигимни эл билса бўлди.

Ойдек кўқдаман, лек ойдек ботмирам,
Уфқда тил тишлаб, тошдек қотмирам,
Борар манзилимдин зинҳор қайтмирам,
Олис юлдузларга сирим айтмирам,
Нолишимни тонгти ел билса бўлди.

Нур эдим, чопдилар, ҳеч чопилмадим,
Толега интилдим, асло тинмадим,
Эгнимга кимхобу зар ёпинмадим,
Учарга ҳар қушдан пар топинмадим,
Парвозлар ҳадисин дил билса бўлди.

Дунёда дунё деб, зар деб чопмадим,
Ёрга жоним бердим, дўстни сотмадим,
Номарду нокаслар айбин ёпмадим,
Жаҳолат меҳробин тошин ўпмадим,
Ўшал бағри тошим тил билса бўлди.

Эй давру давроним, дориломон бўл,
Зикрилло, сен мудом халқинг томон бўл,
Майли шум рақиблар учун ёмон бўл,
Дамлар шиквасига учма, Омон бўл,
Фазлу камолингни эл билса бўлди.

ЧОРШАМЬ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Кечалар ёр ҳажрида, кўзимга уйку келмагай,
Оҳ чекарман соғиниб, ул нозли оҳу келмагай,
Ҳижрону доф ичраман, доф ювгали сув келмагай,
Ҳар баҳор боғ ичраман, боғимга бону келмагай,
Токи у келмас экан, кўнглимга ёғду келмагай.

Тонггача хониш қилиб, етмоқ бўлиб гул-ёрига,
Андалиб дил дафтарини очадир дилдорига,
Кўз ёшин шабнам мисоли тўқадир гулзорига,
Шода гул шабнамларини сочадир сайёрига,
Гулларим очилди деб гул узра гулрӯ келмагай.

Кулбасин кўргон қилибдир нозли ул моҳитобон,
Гар қамал айлай десам, ёр қальясин мен – нотавон,
Найзадек киприкларидин ўқ отар қоши камон,
Аркини тарк айлабон чиққанде у ширин забон,
Йўлларида бор каби ҳар бора бору² келмагай.

Нозланиб ол лабларин бурганда олам оҳ уриб,
Отилар ошиқ дилимдан ўтли нолам оҳ уриб,
Ҳам қуйилгай сел бўлиб кўзларда жолам оҳ уриб,
Ошиқи анзорини³ кўрганда боғ ҳам оҳ уриб,
Дам-бадам қайфу келур, гоҳ-гоҳи жоду келмагай.

Тунлари тинчин бузиб ҳижрон қушини қаҳ-қаҳи,
Ишқ аро Зикрилло зорни йўқ ишини равнақи,
Тушига киргай анинг гул бирла сунбул гаҳ-гаҳи,
Куйламоқ шавқида тонг чорлайди булбул чаҳ-чаҳи,
Замҳарирдек⁴ ҳар ёғи Чоршамъга туйфу келмагай.

² Қалъа девори

³ Нигоҳлар

⁴ Қаҳратон қиши

РУБОЙЛАР,

ТҮЮҚЛАР



РУБОИЙЛАР

Кўқда Зухронинг сафоси субҳидамдин нишон ўлғай,
Анинг меҳри мунирида улуғ комлар ниҳон ўлғай.
Агар ким туну кун тинмай эл-улус дардида ёнса,
Жаҳон ичра анинг умри қуёшдек жовидон ўлғай.

* * *

Мусаввар эт, эй мусаввир, менга сен дунёи дунни,
Мушаррах эт, эй муаррих, менга сен аҳли очунни.
Агар мен ўзга юрт деб, ўз диёримдан кечар бўлсам,
Кулат, эй соҳиби афлок, бошимга чархи гардунни.

* * *

Булбул афтода қолур бўстонидан кечган маҳал,
Ою юлдуз йўқолур осмонидан кечган маҳал.
Сувдан айрилган балиқдек жон берар қалбим мани
Хоби гафлатда қолиб жононидан кечган маҳал.

* * *

Шўр ер узра на бир гулу на бир гиёҳ унолмасдур,
Күшкўнмасга булбул тутул, ҳатто бир зоф қўнолмасдур.
Меҳру муруватдан йироқ, нафсиға қул, оч кимсалар -
Икки дунёда ҳам эл дардига дармон бўлолмасдур.

* * *

Бу дунёдан ҳақиқат излабон бағрим қабоб ўлди,
Ишим ҳақ йўлида ҳар кун ҳидояту савоб ўлди.
Ва ле бу яхшилик боғи гулу ҳосилга киргунча,
Руҳим осмонга учди-ю, вужудим тамом, соб ўлди.

Т У Ю Қ Л А Р

Үтди ўтли ёшлигим, ўттиздан ҳам ўтди ёш,
 Китоб олсам қулимга, сирқирайди күздан ёш.
 Вужуд айттар: «Ўттиздан ўтмай ўтин бўлдим, оҳ!»
 Юрак айттар: «Мен ҳали ўн беш кунлик ойдек ёш!»

* * *

Кўклам келиб аёзли, қировли кунлар тугар,
 Ўйғониб дов-дарахтлар, бирма-бир фунча тугар.
 Кувнашиб қиз-жувонлар ўт қалар сумалакка,
 Келинчаклар кўкатдан чучвара, сомса тугар.

* * *

Эшигимнинг устига қўйгил десам, меъморга тоқ,
 — Хўп, — деди ю, қўймайин, тоқатларимни этди тоқ.
 Токи, тоқим битмаса, келмас эмиш жонона ҳам,
 Не қиласай энди жаҳондан ўтаманму якка, тоқ?!

* * *


Бир тегирмондир ҳаёт, буғдой солиб, ун тортадур.
 Роҳатин кимлар кўриб, кимлаб азобин тортадур.
 Зоти паст инсонга минг меҳру мурувват кўрсатинг,
 Қаригайдир, қартадир, аслига бир кун тортадир.

* * *

Чекка бир қишлоқ эрур ёр сенга манзил, маҳал,
 Излаб борурман, нетай бир кунда неча маҳал.
 Ҳеч бўлмаса, ойда бир жамолинг кўрсат, жоним,
 Ошиқ қалбим яйрасин кўз-кўзга тушган маҳал.

* * *

Кек эмас, ҳар ким дилида меҳригиёҳ сақласин,
 Фаму ташвишдан мудом ул элни огоҳ сақласин.
 Нону ошсиз қолса инсон, ўлмагайдир-ку, бироқ,
 Меҳру оқибатсизлик, оҳ ундан Оллоҳ сақласин!



* * *

Дилбаримнинг ноз-ибоси менга ғоят ёқадур,
Ул париваш мендан ўзга неча дилни ёқадур.
Боқса унга шум рақиблар, ёқасидин оламен,
Ёқаси шундан аларнинг, пора бўлган ёқадур.

* * *

Йигит бўлсанг, беҳуда чопмагил у ён-бу ён,
Жонингни фидо айлаб, элу юрт ишқида ён!
Бу ҳаёт кетгунча йўл, адашма, бўлмагил гўл,
Мудом дўст ёнида бўл, ёвга асло босма ён!

* * *

Бир жуфт қўйни боқсанг, бир кун туман бўлгай,
Фанимларинг кўзин олди туман бўлгай.
Бир қишлоқни элим обод этаверсанг,
У юксалиб каттакон бир туман бўлгай.

* * *

Тарих ўзи буюк ҳакам ва оқин,
Англатар ҳаётнинг қора-ю оқин.
Тигларни жиловлаб турганинг учун,
Сенга минг бор қуллуқ, минг таъзим о, қин!

* * *

Хўб шифобахш доридир лаззатли тут,
Бу қадим ҳикмат эрур, ёдинга тут.
Гар дилингда бўлса зарра иштиёқ,
Тут экиб, тут ўстириш йўлини тут!

* * *

Ўй сураман, кўзим тушса гулюзга,
Бу юз гулга ўхшарми ё гул юзга.
Гул ишқида майли хазон бўлай мен,
Аммо кирсин ушбу гўзал гул юзга.



* * *

Лабингизда бўлибдир жо ним кулгу,
Сизга жуда ярашгай жоним, кулгу.
Сиз кулгуга бунча ўч, деб кулмагил,
Ахир, менинг жисм аро жоним кулгу.

* * *

Буғдой экиб, тезроқ ўсиб ун дедим,
Сен мўл бўлсанг, мўл бўладир ун дедим.
Тегирмонда орзуларинг ушалгай,
Таратгайсан ажиг овоз, ун дедим.

* * *

Ошиқ аҳли ўзни ўтда ёқамиз,
Ёрга гоҳо ёқмай, гоҳо ёқамиз.
Келса жонон, шоду хандон боқамиз,
Кетса жонон, доғи вайрон ёқамиз.

* * *

Агар юрагингда бўлса оташ, ўт,
Дунёдан асл дўст, ёр қидириб ўт!
Дўсту ёр топсангу вафосиз бўлса,
Ундей бевафонинг баҳридан тез ўт!

* * *

Бозордан бир учқур, тулпор от олдим,
Эл ичра чавандоз деган от олдим.
От устида туриб бир шум тулкининг
Кўзидан бехато, аниқ отолдим.

* * *

Осмон гувоҳдир, гувоҳ она-ер,
Инсонни аслида фаму ташвиш ер.
Гердайиб самога юз тутган билан,
Виқорли тоғлар ҳам бир кун бўлар ер.

* * *

Чақмоқдир ёшликтинг ҳар он, ҳар дами,
 Шиддатинг бамисли қиличнинг дами.
 Ёши ўтган сайин шаштидан қайтиб,
 Ичга тушиб борар инсоннинг дами.

* * *

Ҳақни сўзламоққа кўнглинг берса дов,
 Рўйи рост чиққилу ҳақинг қилгил дов.
 Аммо шум кимсалар макрига учиб,
 Умрингни қиморга тикиб қўйма дов.

* * *

Яхшидан боғ қолар, ёмондан-чи, доғ,
 Инсоний номингта туширмагил доғ.
 Умринг қадрига ет, ўтар-кетар у
 Бир пиёла ёғни айлагунча доғ.

* * *

Уйига борсам сўроқлаб айни туш,
 Дангаса дўстим ётар кўрганча туш.
 Уйғотиб айтдим: «Уят, бундай ётиш,
 Қани, бўл, кетмонни ол, олдимга туш!»

* * *

Мутриболар чолғу узра камон тортар,
 Сайдни кўзлаб шум сайёдлар камон тортар.
 Оҳ чекарман, бир мунгли куй оҳангидা
 Хаёлимни ўшал қоши камон тортар.

* * *

Дўстим, бас қалбингни эзаверма, кўй,
 Барибир кўпларнинг мижозидир қўй.
 Гапинг кор қилмаса агар уларга,
 Чўпонлар таёғин бир кўрсатиб қўй!

* * *

Гул баҳор ўтди-ю, келди файзли ёз,
 Бөгү роғларга чиқиб, күнглингни ёз.
 Кундузи дүстлар билан ўйнаб-кулиб,
 Кечалар ёздек гүзал шеърингни ёз !

* * *

Эй юзи гул, ёноқлари ол нигор,
 Арз этайин, сүзим уқиб ол, нигор.
 Ой юзингни булат мисол түсмасин,
 Бошгинантдан рўмолингни ол, нигор!

* * *

Жонон қизлар жон беради сурма деб,
 Айта кўрманг: «Сурмани кўп сурма!»-деб.
 Сулувларга сиз муҳаббат сурмасин,
 Туҳфа айланг кўзларингта сур, ма !-деб

* * *

Полизда бир сулув тикмоқда палак,
 Нақшида акс этар гуллаган палак.
 Дилдор санъатига тасанно айтмай
 Ўтмоқлик гуноҳдир парвойи палак.

* * *

Ёз келиб, барглар узилди бандидан,
 Изфирин, еллар қутилди бандидан,
 Шеър ёзиб турган эдим, ёмғир қуйиб,
 Ногаҳон шеърим узилди бандидан.

* * *

Боқقا кирсам, олай пича олма, деб,
 Боеғон қизи келиб қолди, «олма»-деб,
 Сүнг узатди бир жуфт қизил олмасин,
 «Олма олсанг, қизилидан ол, ма!»-деб.

* * *

Неча айланса-да Заминнинг ўқи,
 Камолот истасанг тарихни ўқи!
 Доғда қолдиролмас шунда ҳеч маҳал,
 Ёвларингни сенга отгувчи ўқи.

* * *

Бораётиб Мирзаариқ бўйидан,
 Яйраб кетдим бир ажиб гул бўйидан.
 Хид таратган ул атиргул бутаси –
 Пастроқ экан наъмatakнинг бўйидан.

* * *

Қоматингиз сарв дейми ё қайин,
 Ҳуснингизга жисму жоним ёқайин.
 Эй париваш, менга ёқиб қолдингиз,
 Билмам, энди сизга қандоқ ёқайин?!

* * *

Том ҳоли не кечар устун бўлмаса?
 Оқиллар нодондан устун бўлмаса?
 Беҳисоб мол-дунё йифмоқдан не наф,
 Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмаса?!

* * *

Полиз ичра қовун аста найчалар,
 Найчаларким, бир ораста найчалар.
 Полиз орти ялов, унда қўй боқиб
 Чўпон бобо бир шикаста най чалар.

* * *

Тўмпайганча ётар тўп-тўп тўнкалар,
 Экмоқ эмас, кесмоқ билар кўп «тўнка»лар.
 Бир ниҳол экмай нечун кесдинг, десанг,
 Барча айб бошқа бировга тўнкалар.

* * *

Күкда юлдузчалар шүх хандон отар,
Даштда күй-күзилар — ўтлар бир отар.
Бўри хавф солмасин қўйларга дея,
Чўпон милтиғидан гоҳ-гоҳ ўқ отар.

* * *

Шукр, кўклам келиб етишдик кўкка,
Шодликлардан бошимиз етди кўкка.
Баҳор отлиғ табиат мусаввири -
Бўяб қўйди бутун борлиқни кўкка.

* * *

Алдамчилар ўз тилидан тутилар,
Сўзлаганда дудуклардай тутилар.
Минг айёр бўлмасин маккор тулки ҳам,
Тузоқقا дуч келар, бир кун тутилар.

* * *

Бу баҳор бултургидан кам бўлмагай.
Серёғин Дарё суви кам бўлмагай.
Бу ҳаётда камтарин, камган киши
Бир умр топгай камол, кам бўлмагай!

* * *

Буюмнинг салмоғин ўлчаса мезон,
Одамзод қадрига меҳнатдир мезон.
Умринг баҳор, ёзин ўтказиб бекор,
Оҳ чекиб қолмагил келганда мезон.

* * *

Ўртанур машшоқ қўлида мунгли тор,
Кенгта кенг дунё экан бу, торга тор.
Баъзиларга арзи дил айлай десанг,
Сабр айлаб тинглай олмас, кўнгли тор.

* * *

Таъмирламай кетмиш бу томни томчи,
 Ҳар ёмғирда чак-чак ўтмоқда томчи
 Туйнугин топдиму тунука босдим,
 Қани, эй ёмғиржон, энди бир том-чи!

* * *

Соғлигинг қочса дегайлар, қочди тоб,
 Сен бу галнинг мағзини чаққыл шу тоб.
 Теп-текис ёғочни ҳам нам жойда гар
 Сақласант, у қийшайиб, ташлайди тоб.

* * *

Уйга устун кўйилиб, сўнг том битар,
 Аҳли ижод асарин том-том битар.
 Мақтанар ҳеч иш қилмай баъзилар,
 Гапларидан нақ қулогинг том битар.

* * *

Боққа кирдим, узумлар тортмиш шира,
 Шўрлик олма-нокларга тушмиш шира.
 Боғбон дўстим бир қиё боқмай ўтди,
 Эвоҳ, унинг кўзин ҳам босмиш шира.


* * *

Меҳнат қилиб, тўқиганинг шол бўладир,
 Гуноҳ қилсанг қўл-оёғинг шол бўладир.
 Жафо қилсанг, жазонг-оёғингга кишан,
 Бўйнингдаги узра эса оғир шол⁵ бўладир.

* * *

Қўшиқ ёзив номин қўйдим: «Жон Ватан»,
 Ватан учун садқа бўлсин жон ва тан.
 Мадҳинг куйлаб, баҳт-иқболинг асрайман,
 Ҳам шоир, ҳам посбонингман, жон Ватан!

⁵ Бўйинга кийгизиб қўйиладиган жазо таҳтаси



ТҮРТЛИКЛАР

Бирөвлар мол-дунё йигищар тинмай,
Гүёким минг аср яшайдигандай.
Мезон ҳам борлигин унутиб қамиш
Попутин күз-күзлаб шовуллагандай.

* * *

Инсонга ярашмас қўйдек семирмоқ,
Бирөвлар ҳақини қуртдек кемирмоқ.
Мавҳи таназзулдир – нафсга қуллик
Ва азиз умрни зангда емирмоқ.

* * *

Дўст ачитиб айтар, душман қулдириб,
Ҳақиқатдан зинҳор бўлмас юз буриб.
Илдизи бут дараҳт, минг чопсалар ҳам,
Қайта ўсаверар, яшнаб, барқ уриб.

* * *

Ташбеҳларга тўла бу дунё,
Фақат уни топа олмоқ шарт.
Ташбеҳ оддий либосдир, аммо,
Ўралмаса унга гўзал - дард.

ҲАМРОЗ БИБИ АРМОНИ

(Достон)

Чорбогин бузишди Ҳамроз момонинг,
Ноинсофлик қилди Нурмат бригадир.
Ёлғиз фарзандидан қолган ёдгорин
Асраб қололмади муштипар кампир..

Үн саккиз ёшида ўғли тушмагур,
Боққа үн саккиз туп ниҳол экканди.
Сўнг уруш бошланиб, ҳамма сингари
У ҳам аскарликка жўнаб кеттанди.

Қатагон йиллари. Эрини ноҳақ -
Олиб кетишганда айбин айтмасдан,
Қон ийғлаб қолганди ўғлин қучоқлаб,
Бадар кетган эди ёри қайтмасдан.

Суянган тоғи ҳам фронтга кеттач,
Ёлғиз қолди жувон бамисли ғариф.
Сўнг эса эрининг этигин кийиб,
Далага отланди, кетмон кўтариб.

Ўшанда замона юкин елкалаб,
Аёллар элу юрт ғамин ейишиди.
Не-не машаққатлар малол келса-да,
Фронт учун бўлса майли, дейишиди.

Тўрт йил Ҳамроз хола бардошин синааб,
Сўнгига номардлик қилди табиат.
Қирқ бешинччи йилнинг ilk баҳорида
Қаҳрамон ўғлидан келди қора хат.

Дунёси хун бўлди онаизорнинг,
Чорбог ичра бўзлаб-бўзлаб ийғлади.
Ўғлига ўхшатиб ҳар бир ниҳолни,
Кучоқлаб, дардларин сўзлаб ийғлади.

Чароғбоним —деди, чароғим,- деди,
Олисларда қолган Широғим!,-деди.
Мени қон йиғлатиб, қайларда қолдинг,
Болам, күрар күзим, қароғим!-деди.

Шу зайл эллик йил йүлга термулиб,
Үглим қайтарми деб, сарғайиб-сүлди.
Яхшиям, бахтига чорбоғ бор экан,
Дардли кунларининг малҳами бўлди.

Энди у аламдан ёнган кўнглини,
Шу чорбоққа чиқиб совутар бўлди.
Дараҳт сиймосида кўриб ўғлини,
Ўз-ўзини алдаб, овутар бўлди.


Лекин, қўшни бўлмай кетгур шум Нурмат,
Кампирнинг мулкига кўз олайтириди.
Қайдা кўрса, уни ҳолу жонига қўймай,
“Чорбогни сотинг!” —деб, жондан тўйдирди.

“Жоним болам,-деди кампир ҳар сафар,
Кўйгил, мен шўрликни мунча эзмагил!.
Жонимни сўрасанг, сўрагил, аммо
Фақат шу чорбоққа тил теккизмагил!”..

Бу гаплардан хабар топган Нор бобо,
Нурмат беномусни боплаб тузлади.
“Арвоҳ ургур!”-дэя қарғади ҳатто,
Иймону инсофдан узоқ сўзлади..

Энди-чи, қишлоқнинг каттаси — биргад,
Норбобонинг қабри совуб улгурди.
Ҳарбийдан қолдирган ўғлини ўйлаб,
Нурмат бетавфиқни яна жин урди.

“Ҳамроҳ биби,-деди,-тулкилиб қилиб,
Мана тўқсондан ҳам оши:б қолдингиз,
Умрингизнинг кўпига ўтди, ишқилиб,
Гёё бир ошдайин пишиб қолдингиз.



Келинг, шу чорбоғнинг баҳридан ўтинг,
Бузиб, Кулматбойга уй-жой курайлик.
Агар бир кун ўлиб-нетиб қолсангиз,
Фарзанд бўлиб сизни гўрга қўйалик.

Отилган ўқ каби аёвсиз бу гап,
Онаизор қалбин тиглаб юборди.
“Йўқ, мени ўғлимдан айрманглар!” —деб,
Гўдакдек ҳиқиллаб, йиглаб юборди.

Яна қувлик қилди номард бригадир,
Эртасига эл-юрт олдида деди :
“Чорбоғни олинг деб, қўймади кампир,
Биздан анча-мунча қарзи бор эди!”

Сўзлашга ҳеч кимнинг сифмади ҳадди,
Бригаднинг гали гап эди-да, ахир.
Жангчиларни янчиб ўтган танқ каби,
Дараҳтларни янча кетди бульдозер.

Бу ҳолдан зирқираб муштипар қалби,
Тўшакка михланиб қолди у буткул.
“Чорбоққа элтинглар, чорбоққа!” -дэя,
Илтижо қиласарди бечора нукул.

Одамлар “Энди у чорбоқ йўқ” —деган
Ҳақ сўзни айтольмай, ёниб-куйишиди.
Охири кампирни тўшаги билан,
Дараҳтсиз чорбоққа элтиб қўйишиди.

Эртаси куни момо шу ерда,
Оллоҳга топширди омонатини.
Кишлоқ аҳли кечроқ тушуниб етди,
Нурмат бригадирнинг хиёнатини.

Дараҳтларни севган Ҳамроҳ момомиз,
Дараҳтдан ясалган нарвонда кетди.
Сўнгги айрилиққа чидолмай, эсиз,
Бир олам ҳасрату, армонда кетди.



Орадан күп этмай бутун қишлоққа,
Шум хабар тарқалди аллақаёқдан:
“Бир куни ногаҳон Нурмат бригадир,
Шол бўлиб, қолмишидир қўлу оёқдан.

Отамнинг касалин даволатай деб,
Кулматнинг бормаган жойи қолмади.
Аммо на бир ҳаким, на бирор табиб,
Бу дарднинг давосин топа олмади.

Шу-шу Нурмат бригад шифтга термулиб,
Бутун умр мажрух, шол бўлиб қолди.
Чинордек қомати тутдек тўкилиб,
Мунғайиб, бамисли чол бўлиб қолди.

Астойдил ачинса унга кимлардир,
Кимлардир бепарво, лоқайд эдилар.
Кимлардир: “Момога жабр қилганди,
Ахийри худодан топди!” -дедилар.

Қиссадан ҳисса шул: — Эй азиз элим,
Қалбимни ўртайди чексиз азоблар,
Дилингни ранжитса, хиёнат қилиб,
Нурмат бетавфиқдек баъзи каззоблар.

Сен эса буюксан, кечиргайдирсан,
Фофил бандаларнинг гуноҳларини.
Ҳамроз момо янглиғ вазмин яшарсан,
Ичингга ютганча дил оҳларингни.

Халқим, майли бизни бағрингга босиб,
Мушфиқ она бўлиб эркалаб, суйгил.
Аммо онда-сонда қовоғинг осиб,
Сергак ота каби тергаб ҳам қўйгил!”

Токи ғафлат босиб бирор фарзандинг,
Унугтудек бўлса берган нон-тузинг.
Токи, Худо уриб қўймасдан бурун,
Унинг кўр кўзларин очиб қўй ўзинг !

ОМОНХОНА

(Қасида)

Сафарга отландик. Ўтирган бўйро,
Юрган эса дерлар - дарёи азим.
Кўхна бағрингни оч, эй Сурхондарё,
Бойсунни кўрмоққа айладик жазм!

Бойсунни кўрмасдан қайтсан, Сурхондан
Армонлар қолмасми ахир кўнгилда?
Улфати чор бўлиб саҳармардондан,
Қайдасан Бойсунжон, деб тушдик йўлга.

Кир-адирлар бўйлаб биз тушган авто,
Учкур бир тулпордек бораракан йўртиб.
Кўзимиз олдида бўлди намоён
Қадим Сурхондарё - полвонлар юрти.

Олис - олисларда бегубор осмон -
Мовий тоғлар ила кетган бирлашиб.
Кумушдай товланган булатлар - шодон
Чўққилар қори-ла ётар сирлашиб.

Адирларга тушган булат сояси
Лочин қанотидек ўтар силкиниб.
Қорайиб кўринган тоғлар қояси,
Кушлар қанотида ётар елпиниб.

Офтобда тобланган аждарлардайин
Ястаниб ётишар метин даралар.
Емириб ташламиш тоғ-тошлар бағрин
Асрий жароҳатлар, асрий яралар.

Ялтирап қир аро йўл мисли камар,
Дилларни ёритиб борар бир ёғду.
Бир ёзув учради, бу - «Тиллокамар»
Камарлари тилло қишлоқми ё бу?!

Нечай бундай маъво манзиллар ўтиб,
Кўзланган манзилга етдик ниҳоят.
Атроф гўзалиги кўз қамаштириб,
Дилни қувнатарди, дўстлар, бағоят.

Ана биз интилган ўшал Бойсунжон-
Тоғлар кучофида яшнаган жаннат.
Эртаклар ўлкаси - гўзал Бойсунжон,
Ажиб малоҳатли, сирли бир хилқат?!

Салом, гўзал Бойсун, азиз Бойсунжон,
Тани-жонинг соғми, элинг омонми?!
Бунча ям-яшилсан ёки Баҳорхон
Азиз кучоингда мангум мөҳмомни?

Шукр, дийдорингни етдик, Бойсунжон,
Эй, сен Сурхон юргин нозли эркаси.
Таърифингта етмас минглаб шеър, достон,
Қадим асотирлар, сирлар ўлкаси.

Сенинг Алпомишу Барчинойларинг
Жумлаю жаҳонни айлаган ҳайрон.
Метиндай мустаҳкам тогу тошларинг
Ҳар биттаси юрга биттадан қўрғон.

Хусни жамолинг оч, гўзал Бойсунжон,
Дийдорингга қониб-қониб тўёйин.
Мен ҳам сенга, азиз, эй она-мақон,
Аҳдига содиқ бир ўғлон бўлойин.

Дилларни ёндириб шу ажиб ҳислар,
Дўстлар кириб бордик хур Бойсунжонга.
Гўзаликдан ял-ял яшнади кўзлар,
Юрак тўлди чексиз завқу туғёнга.

* * *

Пешвоз чиқди бизга Алпомиш ўзи,
Тизгинин тортганча Бойчиборининг,

Кўлда қирғий қуши, олисда кўзи,
Хуснин кўз-кўз этиб ўз диёрининг.

Ёнида жилмайиб турар Барчиной,
Ўз жуфтига содиқ оққуш мисоли.
Чор-атрофга ойдек таратиб чирой,
Ишқу садоқатнинг сўнмас тимсоли.

Тоғ еллари эсар салқин, роҳатбахш,
Кўқда парвоз этар учкур бир лочин.
Қириу адирларга гулдан солиб нақш,
Ястаниб ётибдир гўзал бир очун.

* * *

Тошдеворлар қатор-қатор,
Гўё маржонга ўхшайдир.
Бу жойларда тупроқ — олтин,
Тошлар арzonга ўхшайдир.

Ўтлаб юрар қўй-кўзилар,
Йўл бошлабон серкалари.
Йўл четида улоқчалар
Иргишлайди эркаланиб.

Етдик «Омонхона»сига,
Бойсун дармонхонасига.
Даво излаб не-не зотлар
Бош урмиш остонасига.

Бир тоғ турар зогорадай,
Гўё улкан тогорадай.
Ости соя-салқин макон-
Хузурбахшу оромижон.

Бургутқоя ёйиб қанот,
Асрар элни жазирадан.

Булоқлари оби ҳаёт -
Қайнаб чиқар мисли маъдан.

Ўйнаб оқар зилол сувлар
Тош новадек ариғидан.
Сўйлаб берди Норбой тоға -
«Омонхона» тарихидан.

Бу жойларда яшаганмиш -
Ҳазрат Султон Балогардон.
Ёв бостириб келган эмиш
Бир кун юртга солиб қирон.

— Туяларни тоққа судранг,
Деб амр этмиш ҳазрат Султон.
— Ёғийларнинг қирғинидан
Аллоҳ ўзи сақлар омон!

Тим-тик тоққа нортуюлар
Чиқиб кетган эмиш чаққон.
Бу мўъжиза ёғийларни
Эттан эмиш лолу ҳайрон.

Душман ҳарчанд уринмасин
Ҳаракати кетмиш бекор.
Тоғлик элнинг орқасидан
Чиқолмабди ёвлар зинҳор.

Оргларидан қувай деса,
Қулар эмиш ёвлар оти.
Шу тариқа бу мўъжиза
Сақлаб қолмиш эл ҳаётин.

Ёғийларнинг саркардаси
Тушунолмай бу жумбокқа,
Ёқа ушлаб қолган эмиш
Термулганча сирли тоққа.

Тан бериб у шу тариқа
Ҳазрат Султон қудратига.

— Қайтингиз, — деб фармон бермиш
Мүр-малахдай лашкарига.

— Олам кезиб күрмагандим
Бундай сирли мұйжизани.
Илоҳий бу зёрп каромат
Ҳақдан огоҳ этди мани.

Оллоҳ назар солған жойга
Қылмоқ гуноҳдир ёмонлик.
Шу боис бу ҳур маконга
Бермогимиз шарт омонлик.

Шундай дея ёв лашкари
Қайтган эмиш ўз ортига.
Шундан сүнг ҳеч қайтмаганмиш
Тоғликларнинг бу юртига.

Шундан буён бу жойни эл
«Омонхона» деб атармиш.
Ҳазрат Султоннинг руҳига
Мудом дуолар айтармиш.

Ҳамон давом этар экан
Бу масканда мұйжизалар,
Даво излаб келар экан
Күп ожизу ожизалар.

Аждодлардан мерос қолган
Шундай улуғ макондир бу.
Хизр бобо назар солған
Ажиб дориломондир бу.

* * *

Ёз эмасми, қүёш ҳар ёқдан
Ёғдиради гүё аланга.

Жон сақлаш чун бу жазирадан,
Жонзот борки, қочган панага.

Машинадан түшдигү биз ҳам
Терга ботиб бир лаңза юрдик.
Сүнгра соя излаб күшлардай
Үзни қоя остига урдик.

Бошимизда муаллақ қоя-
Бургут каби турар виқор-ла...
Үйнаб оқиб ётар пойида
Чүккілардан эриган қорлар.

Үнгимми бу ёки шириң туш?
Күтилдиг-а қүёш тиғидан.
Бир сипқориб бүлдик-ку сархуш,
Тоғлиқ қизнинг соғ қаттиғидан.

Ҳаволари пок, мусаффодир,
Түйиб-түйиб олгулик нафас.
Сувлари минг дардга даводир,
Ичган билан чанқоғинг қонмас.

Тоғни тешиб ўсмиш бир дарахт,
Барглари нақ ялтирап чүғдай.
Шамолларда турар ҳилпираб
Гүё тоққа қадалған туғдай.

Бу дарахтнинг оти ҳам қизиқ -
Аталаркан гүзәл Түғдана.
Тоғу тошлар кетса-да қизиб,
У гуркираб ўсар мардана.

Түғданага узоқ термулиб,
Хайрат ичра қолдим лол-карахт
Шу тоғлиқ халқ иродасининг
Рамзи эди гүё бу дарахт.

Қадим Бойсун кенгликлариңай
Бу ерликлар феъли экан кенг.
Сахиyllигу тантлиикда, ҳай,
Ҳар бири нақ хотамтойга тенг.

Одамлари содда, самимий,
Ниятлари тонгдай бегубор.
Чүккىларнинг оппоқ қоридай -
Қалбларида йўқ зарра губор.

Бу ерлик ҳалқ, мен сизга айтсан,
Айёрлигу қувликни билмас.
Бирорларнинг мол-дунёсига
Мансабига қараб иш қилмас.

Улар мудом оға-иниңек
Бир-бирларин қўллаб яшайди.
Бир-бирига ҳеч сақламай кек,
Эзгуликлар тилаб яшайди.

Гар бирорвга тегмаса нафи,
Шу кун улар тиним билишмас.
Ҳар кун савоб бир иш қилмас
Кўнгиллари сира ҳам тўлмас.

Бу диёрнинг мард ўғлонлари
Чўрткесару дангал, паҳлавон.
Душман учун чақиндир қаҳри,
Дўсти учун фидо қилар жон.

Бу диёрнинг сулув қизлари
Хиёнатни, кибрни билмас.
Қалбда пинҳон ноёб ҳислари,
Муҳаббатин овоза қилмас.

Бунда майин еллар-хузурбахш,
Мангу эсиб кўнгилни хушлар.
Дов-дарахтлар аро чукурлаб,
Мангуликдан куйлайди кушлар.

Бу диёрда Мехру оқибат,
Одамийлик топғандир қадр.
Шу боисдан бу макон манту
Парвардигор панохидадир.

Меҳмөндүст халқ куни бўйи, денг,
Дастурхонни роса чошлишди.
Дарддан фориф бўлурсиз, деб сўнг
Муздек сувга бизни бошлишди.

«Омонхона» бағридан яйраб,
Тўлиб-тошдик кучу қувватга.
Ўн беш кунлик ой каби яшнаб,
Юрак тўлди меҳру шафқатга.

«Омонхона» шундай ажиб жой,
«Омонхона» шундай хуш маъво.
Ҳар қандайин дардга, ҳойнаҳой,
Бу масканда топилгай даво.

Соя-салқин қирғоқларида
Кезмоқ жонга роҳатдир бисёрги.
Дардга даво гиёҳларида,
Ибн Сино бобом руҳи ёр.

Ёшлигига Чори бобомиз
От чоптирган экан тоғ-тошда.
Бугун эса гиёҳ улашиб
Дуо олар кексаю ёшдан.

Бу масканда яшар шод-хуррам,
Эзгулик, деб елиб юрганлар.
Дўсти тугул, душманига ҳам
Омонликни раво кўрганлар.

Шундай ажиб туйғулар билан
Қайтдик, дўстлар, «Омонхона»дан.
Күшдек енгил бўлди руҳу тан,
Қайта туғилгандек онадан.

«Омонхона», сенинг шаънингга,
Битдим мана, мўъжаз бир достон.
Она юртим гўзаллигига -
Яна бир бор келтириб иймон.

Мен бағрингда ҳис этдим, қадим -
Табиатнинг ажиг сеҳрини
Яна бир бор дилдан англадим
Она халқим жўшқин меҳрини.

Кўп мўъжиза қўрди нигоҳим,
Лек, таърифлаш мушкул барчасин.
Қояни тарс ёриб, оллоҳим -
Очиб қўймиш Жаннат дарчасин.

Ундан чиққан хур фаришталар
Кезиб юрар Омонхонада.
Улар кимни қўллар бўлса гар
Дард қолмагай жону танада.

Фаришталар эса ҳамиша
Эзгуликнинг элчилариидир
Улар бизга қувонч улашар,
Улар бизга улашар меҳр!

Шу муқаддас фаришталардан -
Биз ҳам ибрат олайлик, дўстлар!
Одамийлик хислатларига -
Мангуд содиқ қолайлик, дўстлар!

Юрак ёнсин бамисли гулхан,
Эзгуликка тўлсин бу дунё,
Одамлари тинч-омон юрган -
Омонхона бўлсин бу дунё.



ТАРЖИМАЛАР

МИХАИЛ ЛЕРМОНТОВ
Россия

Елкан

Мовий дентгиз туманларида
Оқариб күринар ёлғиз бир елкан.
Неларни излар у олис юртлардан?
Она юртда нелар қолдирди экан?

Шамол ғувиллайди – түлқинлар ўйнар,
Мачта әгилади ва гижирлайди.
Ахир бормаёттир у бахтин излаб,
Ёки бахтдан қочиб, бамисли дайди!

Тепасида қүёш заррин нур сочар,
Остида ложувард ёруғлик фақат.
У эса исёнкор, бўронлар сўрап,
Гўё бўронларда бордек ҳаловат!

ЛОЙИҚ ШЕРАЛИ
Тожикистан

Тоғлар баҳори

Машъал тутган раққосдир лола,
Бойчечак тонг мисоли нозик.
Дарё — шаддод бир фолбин хола,
Тоғ - минора янглиғ адл, тик.

У жиддий ва сирларни севар,
Гарчи жимдир, сахийдир аммо,
Баҳор чоғи тонгдан-тонгтacha
Уни пастга тортқилар дарё.

Барча дарахтлардан аввал, тез
Бодом гуллаб, очилар қийғос.
Пешвоз чиқиб кўкламга бу кез,
Шўх шаббода эшик очар боз.

Яшнаб кетар майса-гиёҳлар
Гулбаҳорнинг ҳур нафасидан.
Хилват гўша излар ошиқлар,
Диллар яйрар висол завқидан.

Севинч тўла нигоҳлар ила
Термулармиз кўкламга хушхол.
Кўм-кўк, зумрад тепалар бу дам
Яшнар мовий гумбазлар мисол.

Мева тўла дастурхон янглиғ -
Даштнинг қумлоқ ва тошлоғида,
Орзу кезар нон ҳақида ва —
Олтин бошоқчалар ҳақида.

Қир адир-у, воҳаю водий
Нурли дала, боғ-роғлар бу дам,

Мамнун эзур бобо деҳқоннинг
Ерга бўлган буюк меҳридан.

О, қишлоғим, қадрдон маскан,
Ясанмишдир ёш келинчакдай.
Ял-ял атлас кийиб шўху шаън,
Бамисли ўз ёрини кутгай.

Оромбахш бу ўлкада тинчлик -
Табиат ва инсоннинг базми.
Қадим халқим шодлиги янглиф -
Куйлар тожик баҳорин назмим.

Борсам, қабул айланг, шўху шан,
Мен - кўкламнинг чопар-чокири.
Умрим менинг шунда бошланган,
Бўлмасайди, кошки охири!

Хазон

Хазон супурар эдинг у кунлар, эй волидам,
Хазон супурар эдинг ғарип қулбанг олдидан.
Азиз умринг азобда тўкиларди хазондай,
Хазон супурар эдинг. Хазон супурар эдинг.
Хазонрезги — сенинг-да ҳаётинг эди зотан.

Йўл устида хазонлар дув-дув тўкилган эди-
Шу тарзда дов-дараҳтлар жон сақлаб қолган эди,
Сен хазонлар супуриб, бехабар эдинг, она -
Ранг-рўйинг ҳам хазондек сарғайиб-сўлган эди.
Оёқ ости хазонлар ғамгин, ўкинган эди.

Катта супурги билан супурар эдинг хазон,
Мажруҳ қўлингдан жўроб⁶ тушиб кетди ногаҳон..
Бедод фалак дастидан, айлагум юз дод, фифон,
Тилим ожиздир, бир сўз деёлмадим, онажон,
Умринг хазонин, эвоҳ, қуволмадим, онажон!

⁶ Супурги (шевада)

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ
Доғистон

СОНЕТЛАР

Эшитгандим

Эшитгандим: Ибн Сино беморларга
Шеърлар ила дори қофоз ёзган экан.
Эшитгандим: ўз куйларин чалиб Орфей,
Дардманларни сөкқа турғазган экан.

Мен ҳаким ё афсонавий табибмасман,
Лек маслаҳат берай азиз одамларга: .
Бир-бириңиз имкон қадар севинг, зотан,
Ишқдоридир барча ғаму аламларга.

Гар билурмиз ҳаммаси бизга боғлиқмас,
Барча ошиқлар ҳам аҳдига содиқмас.
Соғу омон бўлай деса ким ҳар нафас
Ўз ёрини чин юрақдан севолса бас!

Эркам, мен ҳам яшарман токи дунёда
Сенинг ишқинг билан умримдир зиёда!



Айт, азизам

Айт, азизам, агар малол келмаса,
Үзга юртда, нечун тақдир келди каж:
Нохос ҳаво айниб, бошланди ёмғир,
Сүнг бирдан тинди у, сен пайдо бўлгач.

Она-юртга қайтдим, лек ошиди дардим,
Тунд кунда меҳмондай юрдим алаҳлаб.
Сен пайдо бўлдингу бари ўзгарди -
Кушлар сайрай кетди, қуёш чарақлаб

Денгизга боргандим, сувлар қутуриб,
Тўлқинлар ўкирди, қаҳрини сочиб.
Сен келгандинг, денгиз узрлар сўраб,
Пойингта бош урди, бағрини очиб

Ва мен бир жумбоқни англаидим шу дам:
Энди йироқ кетма мендан, жонгинам:
Қачонки, сен билан мен бўлсак айро,
Исён кўтараркан бу телба Дунё!

ОТА ОТАЖАНОВ
Туркманистан

Яхши тилак

Нурларга чулғайлик бир-биirimizni,
Ой шуъалар сочар, ох, қандай гўзal!
Мангу ёритса-да ошиқлар йўлин,
Лек ўзи абадий совуқдир азal.
Юрак ҳам совуқроқ туюлар балки,
Аммо уни зинҳор ўҳшатманг музга.
Кўнгилни ранжитиш юз карра осон
Нурларга чулғайлик бир-биirimizni!

Мехр бахш этайлик бир-биirimizga,
Күёш доирасидан шиддатта тўлиб,
Осмон кенгликлариға солиб сурурлар,
Сиз ила бизларга армуғон бўлиб,
Она-замин сари ошиқар нурлар.
Бизнинг-чи орамиз, узоқми, эй дўст,
Эзгу ишлар йўқми тақдиримизда?!.
Ранжитиш, яралаш – осондан осон
Мехр бахш этайлик бир-биirimizga!

Кувонч бахш этайлик бир-биirimizга,
Биздан ҳеч мукофот таъма қилмаган –
Қанчалар завқлидири булбул навоси.
Муҳтоҷ эмас улар меҳримизга ҳам,
Бегараздир – кушлар дил муддаоси.
Бизга ҳам дўст учун куйлаш қийинмас,
Ранжитиш, яралаш – осондан осон.
Севинч бахш этайлик бир-биirimizga!



ҮЛЖАС СУЛАЙМОНОВ
Қозогистон

Кўзага қўйилган

Кўзага қўйилган ҳар бир суюқлик —
Тезда шу кўзанинг шаклига кирап.
Сўз эса кўнгилнинг қаърига сингиб,
Шаклу шамойилин унга билдирап..

Зулматин яширап тунги чизиклар,
Ўтмиш отлар эмас, зотлар-ла сирдош.
Даҳшатли оҳанглар силсиласига
Ҳамиша томоқлар бергайдир бардош.

Биз ҳам худди шундай, дунёга келгач,
Уни ўзимизча ўзгартиргаймиз,
Оlam эрур улкан сирли бир қобиқ,
Бизлар эса унинг ўзагидирмиз.

Ва дунё жимиirlаб, бужмайиб аста,
Менгзаб эфирларнинг нур қопқасига
Ўз шаклин унутиб қўйиб бир пасда,
Кириб борар сўзлар қиёфасига

Тутун бурксир, ёнар сўнгги том, аммо
Тош плита ва куллар узра қовушиб,
Мангу қолар ҳарфлар белгилари-ю
Лекало⁷ да букилган фикрлар товуши.

⁷ Эгри чизиклар чизиш учун ишлатиладиган шаклдор чизгич

ПАВЕЛ БОЦУ
Молдавия

Ез

Ез кезар, қүёшли кенгликлар бағри,
Булбуллар чаҳ-чаҳи авж олган боғлар.
Узумларнинг дурдай хур ёноқлари
Чароғон кунлардан ранг олган чоғлар.

Ҳавони тўлдириб ишқ қўшиқлари.
Наволар самога интилган дамлар,
Учкур паровознинг қичқириклари
Уфқлар кўксига санчилган дамлар,

Осмон бургутларнинг мислсиз, юксак
Парвозлари ила гўзал бўлганда,
Йўллар ғала-ғовур, чўнг кўчкилардек
Толмас интилишлар ила тўлганда,

Нохос қулгуларнинг тўлқинларидан
Чувалиб кетганда тизма қармоқлар,
Асалари катаклари болга тўлгандек,
Қуёш ҳам шарбатга лиқ тўлган чоқлар,

Бизларга дийдорин армуғон айлаб,
Сўнг уни қайтадан олганча тортиб,
Сиренларнинг нимранг қоронғусида
Бу ёз олисларга шошар ютоқиб.

РИГОР БОРОДУЛИН
Белоруссия

Боғлар

Боғлар – умрбоқий халқлари эрур
Зумраддай ям-яшил қадим қытъанинг,
Кулфатлар ўтмагай уларни четлаб,
Ташналиқ аждардай бўғар, ишонинг.

Дош бермоқ шунчаки эмасдир осон,
Кундан-кун урушлар гумбурлаганда.
Бир шохини совуқ урса беомон,
Бошқасин ёндириб кетар аланга.

Олма дарахтлари аскар қизлардай,
Саф тортиб туришар жипс, тизилиб.
Зеро меваларданмас, солиқлардан
Шоҳлари қолгайдир нохос эгилиб.

Уларни айёвсиз емириб болта,
Очофат күёнлар кетса-да ғажиб,
Ҳар йил ўлмай – музжа тушишар қайта,
Яна ҳосилларга умид боғлашиб.

ГЕОРГИЙ ЛЕОНИДЗЕ
Гуржистон

Илҳом


Мен бутун алангада
Ёнаяпман буткул.
Тафтимни босмоқ ё ўчирмоқ учун
Кор қилмайди улкан қор уюми ҳам.

Нима ёзсам экан,
Ё такрорлайми,
Үтган тун күйланиб бўлган кўйларни?!
Не қилгум ўйланиб бўлган ўйларни!

Еки кўзгуларда ўйнай бошлаган –
Куннинг илк нурлари ҳақда кўйлайми?
Гўдакнинг илк олган нафасидек пок
Соф сўзларни кутар шеърий дафтарим.

Эшигум сўзларининг товушсиз изин,
Она-ер сасига ташна жон-таним.
Ёприлиб келади толмас ёруғлик –
Тантана қилувчи менинг байрамим.

Гўзаллик баҳш этиб, не дейин тағин,
Устоз, мадад беринг, тузай гапларим!
Грузиямнинг тонгги олтин шафағин
Ўзита сингдириб олсин дафтарим.



ГРИГОЛ АБАШИДЗЕ
Гуржистон

Куз

Күёш юксаклиқда айланар сокин,
Зафарон боғларда хазонрезгилик.
Менга-да, ўтказа бошлар ўз ҳукмин
Маъюсликка ўхшаш ажиб сирлилик.

Олдиндан сезгандек қалдироқ зарбин
Борлиқ тош қотди-ю, зулмат чўқди, лек
Күёш фиддиради - Сифиз чўққисидан
Пастта қулаг кеттан палахса тошдек.

Доира бекилди. Дунё чекинди,
Гўёким шу қадар толиқдан очун,
Лек тош чўққи сари қайта умтиндиги,
Куз ортидан яна қиши келиши-чун.

Тахир табассумдан буришар оғзинг,
Ҳаётда сен буни кўргансан неча!
Ва, балки бу ҳолат, бу хил эврилиш,
Шундай бўлар токи қиёматгача.

Оқил табиатни айбламоқ нечун,
Хатарлардан асраб яшагил боринг!
Билки, кузга ўхшаш, қандайдир бир кун
Узилгай сенинг-да нозик дил торинг.

МУНДАРИЖА

Софинч сарчашмасин сөхру жилоси.....	3
АБАДИЙСАН, БОҚИЙСАН, ВАТАН	
Огоҳ бўлинг, азиз одамлар.....	8
Киприк.....	9
Ўзбекистоним.....	10
Бедорлик.....	11
Истиқол.....	12
Қўнгил изҳори.....	13
Афғон юртин Ватан билган ўғлонлар.....	16
Ватан учун жондан кечган ботирлар.....	18
Ватан ишқи.....	19
Фамларингта шерикмиз, Беслан халқи.....	20
Авайлайлик дунё кўзларин.....	21
Кетмоқ малоли бордир.....	22
Дунёга келдинг-у	23
Абадийсан, боқийсан, Ватан.....	24
Вазминлик.....	25
Ўчмас ботирлар ёди.....	26
Кирқ бешинчи йил ёмгири.....	27
Ватан посбонлари қўшиғи.....	28
Тинчлик учун.....	29
Она-тилим.....	30
Ўзбекистон.....	31
Бир қўшиқ кўйлайки.....	32
Замондош алёри.....	33
Ҳурлиқ гаштин сургин, элим.....	34
Ўзбекистоним, дебон.....	35
Бўлмагай.....	36
Топилмас.....	37
Навоий бобом.....	38
Қишлоқ соғинчи.....	39
Самарқанд.....	40
Пўлат мисралардан яралган достон.....	42
Кимсасиз саҳрова ҳорғин, bemажол.....	44
МУҲАББАТЛИ ЖАҲОННИМ БОР	
Мехр истаб.....	45

Софинч.....	47
Ошиқона.....	48
Софинарман.....	49
Юрагим ўзинг.....	50
Умид.....	50
Гуласал.....	51
Найлайин.....	52
Иккимизнинг ёниқ ишқимиз.....	53
Келармикан кўзлари оҳум.....	54
Софинганим сезилмасму.....	55
Қўнглини узмаган бўлса.....	56
Ёнганим-ёнган.....	57
Қайдин излайин.....	58
Муҳаббатдан бошлинар.....	59
Муҳаббатни эрмак билмант.....	60
Эслармисан.....	61
Ким тинглагай.....	62
Паризод.....	63
Фақат сени севарман.....	64
Қайдасан, чин муҳаббат.....	65
Турналар.....	66
Эй, шўх жонона.....	67
Айрилиқ дарди.....	68

ГЎЗАЛЛИКДА ТАНҶО АЁЛЛАР

Аёл.....	70
Оналар қалби.....	71
Ойдаги сурат.....	72
Кўз ёшин оқизар ғамдийда осмон.....	73
Саккизинчи мўъжиза.....	74
Ўксиманг, қизлар.....	75
Садоқатда танҷо аёллар.....	76
Онажон.....	77
Сенинг қалбинг само каби кенг.....	78

ҚУЁШ БЎЛИБ ПОРЛАР МЕХРУ ОҚИБАТ

Ёмондир.....	80
Юрак санчиғи.....	81
От мингандлар.....	84
Ойнинг ўн беши.....	85
Сабрли бўл.....	86

Яхши отнинг қисмати.....	88
Мангу армон.....	90
Отажон.....	91
Синфдошларимга.....	92
Үтмиш.....	93
Сўнгти қўнгироқ.....	94
Қалбим ёмғирлари.....	95
Қайтар дунё бу.....	96
Адаштирма.....	97
Бободеҳқоним.....	98
Мехру оқибат.....	99
Вафо боғлари.....	100
Оқибатсиз дўстдан асрасин.....	101
Болаликнинг шўхликлари.....	102
Суянч.....	103
Илтижо.....	104
Мұхаммад Юсуф.....	105
Қалбингда бўлса.....	106
Ажиб дунё.....	107
Изламанг.....	108
Эркин Воҳидов маслаҳати.....	108
Кўнгил қолмасин.....	109
Умр қадри.....	110

O, ОНА ТАБИАТ, СЕНГА МИНГ ТАЪЗИМ

Ассалом, Наврӯз.....	112
О, буюк табиат.....	113
Тонглар сурори.....	114
Булбул келмиш боғимга.....	115
Қизғалдоғим.....	116
Атиргул.....	116
Тун қўшиғи.....	117
Ёмғирдан сўнг.....	118
Куз.....	120
Кишлоқ чеккасида.....	122
Ой ҳам ебди шом.....	123
Аёз ҳали каминг бормиди.....	124
Қорлар ёғар.....	125
Кўёш янглиғ кулиб кел, Наврӯз.....	126
Қизғалдоқ.....	127
Кўёшнинг икки лаҳзаси.....	128

ГУМБАЗЛАРИ СИРЛИ ҚҰШИҚ – БУХОРОМ

Юрагимда ёниб турған Бухоромсан.....	130
Бухорони күрмаган бұлсанг.....	131
Эркесвар бир оғам ўтган.....	132
Бухоронинг миноралари.....	133
Софинч дарвозаси.....	134
Бухором.....	135
Фитратни құмсағ.....	136

ИШҚИМНИ ШЕҮРГА СОЛСАМ (Разделы)

Санам.....	138
Наво бұлғай.....	139
Жоним бүлинт.....	140
Бисёр-бисёр.....	141
Күпдир.....	142
Дегай.....	143
Адо қылдинт.....	144
Қалбим гүзалиға.....	145
Келгаймиқан?	146
Күмсар мени.....	147
Күймас юрак.....	148
Эврилди-ку.....	149
Мұхаббатсиз яшаб бўлмас.....	150
Қолмишдир.....	151
Фунча гул очтайму.....	152
Нигорим.....	153
Сени бир дам кўрмасам.....	154
Ишқимни шеърга солсам.....	155
Бевафо жонон экан.....	156
Тонгда бир булбул учди.....	157
Гўзал.....	158
Паризодим.....	159
Софинч қўшиғи.....	160
Сиёҳдондур менинг қалбим.....	161
Ишқини сўндириб бўлмас.....	162
Ватан.....	163
Отанг била онангдур ул.....	164
Дўст билан.....	165
Йигит бўлсанг.....	166
Аразлагай.....	167
Кечирмас.....	168

Түлин ой.....	169
Үглимга насиҳат.....	170
Үтадир.....	171
Ойнинг олтин ўроғи.....	172
Аввало инсон бўл.....	173
Ўзбегим гўзаллари.....	174
Фарзанд билан.....	175
Яралгай.....	176
Яхшилик қўл.....	177
Мастона-мастона.....	178
Кўнглимдадур.....	179
Яшарман.....	180
Баъзан умр.....	181
Софинтиар.....	182
Билингай.....	184
Ёр учун.....	185
Куттай.....	186
Майнинг оҳанрабоси.....	187
Сарвинозим.....	188

МУХАММАСЛАР

Навоий ғазалига мухаммас.....	190
Бобур ғазалига мухаммас.....	192
Машраб ғазалига мухаммас.....	193
Фаридий ғазалига мухаммас.....	194
Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас.....	196
Абдулла Орипов ғазалига мухаммас.....	198
Гулханий ғазалига мухаммас.....	200
Хувайдо ғазалига мухаммас.....	201
Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас.....	202
Жуманиёз Жабборов ғазалига мухаммас.....	203
Сирожиддин Сайид ғазалига Мухаммас.....	204
Тошпўлат Аҳмад ғазалига мухаммас.....	206
Жамол Камол ғазалига мухаммас.....	208
Тошпўлат Аҳмад ғазалига мухаммас.....	209
Сулаймон Шодиев ғазалига мухаммас.....	210
Олимжон Холдор ғазалига мухаммас.....	212
Омон Матжон ғазалига мухаммас.....	213
Чоршамъ ғазалига мухаммас.....	214

РУБОИЙЛАР.....

215

ТҮЮҚЛАР	217
ТҮРТЛИКЛАР	225
Ҳамрөз биби армони (Достон)	226
Омонхона (Қасида)	230
ТАРЖИМАЛАР	
Михаил Лермонтов (Россия)	
Елкан	239
Лойиқ Шерали (Тоҷикистон)	
Тоғлар баҳори	240
Ҳазон	241
Расул Ҳамзатов (Дофистон)	
Сонетлар: Эшийттандим	242
Айт азизам	243
Ота Отажанов (Туркманистон)	
Яхши тилак	244
Ўлжас Сулаймонов (Қозоғистон)	
Қўзага кўйилган	245
Павел Боду (Молдавия)	
Ёз	246
Рыгор Бородулин (Белоруссия)	
Боғлар	247
Георгий Леонидзе (Гуржистон)	
Илҳом	248
Григор Абашидзе (Гуржистон)	
Куз	249

Зикрилла Неъмат

СОФИНЧ САРЧАШМАСИ

Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар,
туюқлар, достон ва қасидалар

Мұҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадиий мұҳаррир *Ҳамидулла Ҳудойбердиев*
Техник мұҳаррир *Татяна Смирнова*
Сақыфаловчи *Абдухалил Турсунов*

Китобда мусаввирлар Жаҳонгир Ашурев ва Муродилла
Мавлонов асарларидан фойдаланилди

Босишига 18.06.2007 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 14 б.т. Нұсқасы 1000.
Буюртма № 139 . Шартнома № 94/3
Нархи келишилган асосда.

Оригинал макет “Medianashr” МЧЖ
компьютер марказида тайёрланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент шаҳри X.Сулаймонова кўчаси 33-үй